

И.Б. АСҚАРОВ Ш.Д. ҲАЙИТОВА

**ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ  
ОЛИШ МЕТОДИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Методик қўлланма**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

***ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ***

**ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШ  
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Методик қўлланма**

**Тошкент – 2022**



### **Тузувчилар:**

**И.Б. Асқаров** – ЖизПИ “Транспорт воситалари муҳандислиги” кафедраси мудири, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент  
**Ш.Д. Хайитова** – ЖизПИ “Профессионал таълим” кафедраси мустақил-изланувчиси

### **Такризчилар:**

**У.М. Ярлақабов** - Жиззах политехника институти “Энергетика ва радиоэлектроника” факультети декани п.ф.ф.д., доц.  
**Н.Н. Алимов** – М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг Жиззах филиали “Психология” факультети декани, п.ф.и , доц.

### **Аннотация**

Ушбу методик қўлланмада олий таълим муассасалари касбий таълим йўналишларида талабалар мустақил ишини ташкил этиш мазмуни, ҳолати ва уларнинг таркибий қисмларини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда ўқув фанларини ўқитиш жараёнида мустақил таълим олиш имкониятларини оширишга, талабаларнинг касбий фаолиятга мустақил тайёрлашда мустақил таълимни фаоллаштириш назарий функционал тузилмасини ишлаб чиқиш, мобил электрон таълим ресурсларини яратиш ҳамда таълим амалиётига қўллашнинг дидактик шарт-шароитларни аниқлаш ва талабалар мустақил таълимини мобил технологиялар асосида фаоллаштиришга қаратилган модели ва умумкасбий фанларини ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш масалаларига қаратилган.

Ушбу методик қўлланма олий таълим муассасалари касбий таълим йўналишларида дарс бераётган махсус фан ўқитувчилари ва талабалар, касб – ҳунар мактаблари ва техникумларнинг махсус фанлар ўқитувчиларига мўлжалланган.

Услубий қўлланма институт Илмий услубий кенгашининг 2022 йил 29 январдаги № 5 - сонли баённомаси қарори билан тасдиқланган.

## КИРИШ

Жахоннинг бир қатор етакчи олий таълим муассасаларида ўқитишнинг масофавий шаклидан фойдаланиш ва мустақил таълим имкониятларидан кенг фойдаланиб ўқитиш, интерактив дастурий воситалар, визуал моделлар, мультимедиа электрон таълим ресурслар яратиш, талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда мобил технологиялардан фойдаланишга асосий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ф.А.Дистервег талабаларнинг ақлий қучларини ривожлантириш гоёсини кўриб чиқиб, шуни таъкидлаган: "...ривожланиш ва таълим ҳеч бир инсонга берилиши ва етказилиши мумкин эмас. Ҳар ким бунга шахсий фаолияти билан эришиши керак. Инсоннинг ўзи мустақил йўл билан эгалламагани - уни ҳисобланмайди" деб фикр билдирган. Ўқитишнинг мустақил таълим шакли эса муайян фан (курс)нинг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда назарий-методологик, методик асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида олий малакали мутахассислар тайёрлаш, ўқув жараёнига халқаро стандартларига асосланган илғор педагогик технологияларни жориш этиш борасида олиб борилаётган кенг ислохатлар натижасида олий таълим муассасаларида ўқитиш сифат-самарадорлиги ортиб, доимий профессионал ўсиши учун тайёр бўлган профессионал кадрларни тайёрлаш долзарбдир. Ўқув жараёнини бундай ташкил этишда, ўқитувчига талабаларнинг мустақил, фаол билиш фаолиятини ташкил қилиш учун ваколатли маслаҳатчи, менежер роли юклатилади. Албатта, кўпгина олий таълим муассасаларида талабаларнинг назарий ва амалий мустақил таълим олишлари учун катта имкониятлар мавжуд.

Ўқув жараёнида мустақил таълим талабаларнинг ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш борасидаги муаммоларни ҳал этиш доимий долзарб бўлган масала ҳисобланади. Шу боис, янги таҳрирдаги "Таълим тўғрисида" ги Қонунда мустақил



фикрлайдиган, юкори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш тизими акс эттирилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармонида асосан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепция” сида “... мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва южодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш” каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги №824 сонли қарори “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” №824-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сонли Фармони ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу методик қўлланмани муайян даражада хизмат қилади.

# **I. БОБ. ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ФАОЛЛАШТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ВА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МУАММОСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1 Талабаларнинг мустақил таълим олишини ташкил этишнинг зарурати**

Талабалар мустақил таълими ва мустақил фаолиятининг аҳамияти хақида гапирганда педагогика фанининг классиклари ҳам, замондошларимиз ҳам бир хил хулосалар чиқарадилар, яъни: ҳеч қандай ташки таъсир, кўрсатма, буйрук, эътикод ёки жазолар мустақил фаолият билан алмаштирилмайди ёки таққосланмайди.

Талабаларнинг мустақил фаолияти ва мустақил таълим олиш муаммоси педагогика фанининг асосий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда.

Талабаларнинг мустақил таълим олиш муаммоси, мустақил таълим олишини фаоллаштириш, умумқасбий фанларни ўрганишда талабаларнинг мустақил фаолиятига оид илмий-методик адабиётларни таҳлил қилиш етакчи тадқиқот тушунчаларининг моҳиятини, уларнинг таҳлили ва шарҳларини очиқ беради.

Педагогика фанининг асосчиларидан бири бўлган, буюк чех олими Я.А.Коменский инсон билимларининг чексиз имкониятларига эга эканлигига ишонган. У дунёда инсон била олмайдиган ҳеч нарса йўқ деб ҳисобларди ва буни у (инсон) ўзи, ташки ёрдамсиз ҳал қила олади деб ўйлаган. Бунга мисол тариқасида унинг “Буюк дидактика” асаридаги қуйидаги сатрларни келтиришимиз мумкин: “...аутодидактларнинг мисоллари табиатга эргашиш, инсон ҳамма нарсани идрок эта олишини яққол кўрсатади” [54, 60-бет].

Я.А.Коменский инсон табиатан ҳаётни, ҳаракат ва фаолиятни севади ва фақат ақлли раҳбарликка муҳтож деб ҳисобларди. Ташки мотивлар умуман керак эмас, чунки ҳар ким уларни ўз ичида олиб юради; фақат одамни тартибсиз инстинктлар уни тўғридан ташқарига олиб чиқмаслиги учун йўналтириш керак деб ҳисоблайди.



Шунини муҳимки, бэрча машгулотлар ихтиёрндир. Бу куйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

- инсон янги бир нарсани мустақил ўрганиш учун ўзида доимо куч топа олиш керак;

- ҳар қандай янги билимларни ўрганишдан ҳурсанд бўлиши керак;

- талаба ҳамма нарсага ўз кучи, ҳаракатлари ва тажрибаларидан фойдаланиш орқали етарлича билимга эга бўла олса ўзидан ҳар томонлама қониқиш хис қилади.

Я.А.Коменский таълим барча учун бир хил бўлиши керак, деб ҳисоблаган. аммо, бунда талабаларнинг индивидуал ёндашуви муҳимдир. Бунда асосий воситаларидан бири талабанинг китоб билан мустақил ишлаши ҳисобланади. Я.А.Коменский буни аудитория дарсларини ўртача қобилиятли ва юкори қобилиятли талабалар билан солиштириб эгалланмаслиги билан изохлайди, улар ўқув дастуридан четга чиқмаган ҳолда мустақил равишда қўшимча адабиётларни ўрганиш ва бошқа талабалар билан тажриба алмашиш учун рағбатлантирилади. Билими пастроқ талаба билимлироқ талабаларга ўхшашга ҳаракат қилишади, чунки ҳеч ким охиргилар орасида бўлишни истамайди. Шунингдек, “Ривожланиш ва таълим шахсга берилмайди ёки етказилмайди, балки ҳар бир киши бунга ўз фаолияти, ўз кучи, ўз касби билан эришиши керак” деб ҳисоблайди [54].

Рус педагогикасининг асосчиси К.Д.Ушинский “Талабанинг мустақиллиги ҳар қандай самарали таълим беришнинг ягона мустаҳкам пойдеворидир” [99, 144-бет] деб ҳисоблаган. Шунга ўхшаш фикрларни бошқа таникли рус олимларининг асарларида ҳам учратамиз. Бу ерда педагогика классикларининг ушбу мавзу бўйича баъзи маълумотлари мавжуд.

Рус ўқитувчиси ва психологи П. Ф. Каптерев таълимнинг ривожланиш тарафдори бўлиб, таълим самарадорлигини ошириш бу талаба шахсининг ўз-ўзини ривожлантиришидир, деб ҳисоблади. Шунга асосланиб, у таълим мазмунини, ўқув фаолиятини фаоллаштиришга олиб келадиган таълим методларини белгилаб берди [50, 352-бет].

Педагогик ва психологик хориж олимлар П.П.Блонский [25], Л.С.Выгодский [33], Д.Дьюи [41], В.А.Карсопов [51] ва бошқаларнинг ишларида талабаларнинг таълим ва тарбиясида мустақил таълимнинг ўрни хақида маълумотлар кўплаб келтирилган.

Бу ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, мустақил таълимни бажаришда уч гуруҳ методлардан фойдаланилади:

- мотивацион;
- ўқитиш;
- рағбатлантириш.

Биринчи гуруҳга куйидагилар киради: ўқув машғулотилари мақсадларини белгилаш, ўқув фаолияти ва касб натижаларининг амалий ахамиятини кўрсатиш.

Иккинчи гуруҳга эслатма, таянч иборалар, етакчи саволларни белгилаш.

Учинчи гуруҳга ишонтириш, тасдиқлаш ва рағбатлантириш киради.

Уч гуруҳ методлардан аудиторияда назарий ва амалий машғулотларда фойдаланиш талабалар билан ўқитувчи ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, аудиторияда эмоционал кўтаринкилик уйғотувчи шарт-шароитлар яратиш, иродани тарбиялаш, онгли интизомни мустаҳкамлаш имконини беради. Бу методларнинг моҳирона уйғунлиги юқори сифатли таълимни таъминлайди ҳамда соғлом психологик иқлимни яратади. Ўқитувчи томонидан берилган топширик устида ишлаш талабаларнинг ўқув фаолиятидаги муваффақиятини белгилайди.

Бундай ишларнинг белгилари куйидагилар: асосан муаммоли изланиш характеридаги ёки ижодий вазифанинг мавжудлиги; талабалар томонидан қидирув ва ижодий ҳаракатлардан фойдаланиш; топширикларнинг боришини кузатиш ва зарур тузатишлар киритиш; талабаларни фаол билиш фаолиятига рағбатлантириш; педагогик ёрдам кўрсатиш; мустақил таълимнинг ривожланаётган ва ўқув натижаларини аниқлаш.

Шундай қилиб, машғулотларда мустақил таълимнинг икки тури мавжуд. Биринчиси талабанинг ҳозирги ривожланиш даражасини аниқлаш бўлиб, асосан назорат ва ўқув вазифаларини бажаришга қаратилган ишлар киради.



Иккинчиси талабаларнинг зудлик билан ривожланиш зонасини кенгайтиришга қаратилган мустақил таълимни ўз ичига олади. Бундай мустақил таълим ривожлантирувчи, ўқув ва тарбиявий вазифаларни бажаради.

Мустақил таълимнинг моҳиятини англашга бундай ёндашиш, уларнинг функционал мақсадига қараб, талабаларни онгли равишда режалаштириш ва уларни ишлаб чиқиш, таълим ва тарбиялашнинг ишончли воситаси сифатида аудиторияда фойдаланиш имконини беради.

Мустақил таълим талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш, талаба ва мутахассисларнинг таълим сифатини оширишдаги ўрни миллий ҳам умумий, ҳам касб-хунар мактабларининг ривожланиш тарихи давомида ўрганилди.

Юртимизнинг етук педагог олимларидан Р.Х.Джураев [39], Н.А.Муслимов [69], У.Н.Нишоналиев [74], Н.Сайидахмедов [89], А.Р.Ходжабоев [114], Қ.П.Хусанбоева [120], ва бошқалар ўз тадқиқотларида талабалар мустақил таълимнинг ташкилий-методик асослари ҳақида сўз юритганлар.

Таълим тизимида мустақил таълимни ташкил этиш муаммоларини Н.А.Муслимов [70], С.Матчанов [65], З.Нишонова [75], А.Р.Ходжабоев [114], Р.К.Чориев [121] Т.Ниязметова [76], Ж.Толипова [96], Ў.Қ.Толипов [95], Б.М.Турдибаева [97], Н.Халилов [111], Ш.Шарипов [123], Ш.Юнусова ва бошқалар ўз ишларида тадқиқ қилганлар.

Республикамызда касб таълими соҳасида етакчи профессор Н.А.Муслимовнинг фикрича “Мустақил таълим – билимларни ўзлаштириш, тасаввурларини ривожлантириш тушунчалари, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш бўйича ўқув жараёнининг субъектив мақсадга мувофиқ, мунтазам, мустақил ҳамда автоном фаолиятни ташкил этиш демақдир” [70].


Худди шунингдек профессорлар Р.Х.Джураев ва С.Т. Турғуновларнинг қайд этишича мустақил таълим – бу инсоннинг ўзи танлаган воситалар ва адабиётлар ёрдамида аждодлар тажрибасини, фан ва техника ютуқларини ўрганишга йўналтирилган шахсий ҳаракатлар жараёни. Бунда инсоннинг ички дунёси, ҳис-туйғулари, мустақил фикрлаш қобилияти асосий рол ўйнайди [39]. В.И.Загвязинский талабаларнинг аудиториядан ташқарида ва таълим

муассасидап ташқари мустақил таълимни аниқлайди. Биринчи ҳолда талабаларнинг мустақил таълими маъруза тинглаш ва ёзиб олиш, семинарда чиқишларни танқидий баҳолаш, нутқини ижодий куриш, тест ва имтиҳонларга унумли тайёргарлик кўриш каби кўникмаларни шакллантиришни ўз ичига олади [42, 155-бет].

В.И.Загвязинский аудиториядан ташқарида мустақил таълимга қўйидагиларни киритади:

- конспект килиш;
- китоблар, хужжатлар ва бирламчи манбалар билан ишлаш;
- маъруза материали бўйича эслатмаларни қайта кўриб чиқиш ва рўйхатдан ўтказиш;
- дарслик ва ўқув қўлланмалар учун материални қайта кўриб чиқиш;
- рефератларни бажариш;
- турли тадқиқотларда иштирок этиш [42, 156-бет].

Бугунги кунда республикамизда касб таълими ва касб-хунар мактаблари ривожланишининг ҳар бир босқичида мустақил таълимдан фойдаланиш назарияси ва амалиётини ривожлантириш ҳам ўрта, ҳам олий таълим муассасаларининг (ОТМ) ўқув ишларини такомиллаштириш аспектида амалга оширилмоқда. Бу ходисани назарий тушуниш таълим жараёнини такомиллаштириш назарияларини ишлаб чиқиш билан мос равишда юз берди. Тадқиқотимизда ўқув фаолиятини такомиллаштириш, шу жумладан, талабаларнинг мустақил фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ назарий тушунчаларни ишлаб чиқишда бир қанча босқичларни белгилаб олдик (1.1-расм).



1.1-расм.  
Талабалар мустақил таълимни фаоллаштириш босқичлари



Бу тушунчаларнинг асосий қондаларини ва уларни талабаларнинг мустақил фаолияти ва мустақил таълими назариясини ишлаб чиқишга тадбиқ этишни кўриб чиқамиз.

*Таълим жараёнини фаоллаштириш* учун бугунги кунда анъанавий ўқитиш усулларидан, ноанъанавий ўқитиш усуллари яъни дарс жараёнида янги педагогик ва инновацион технологиялардан фаол фойдаланиш, ўқитишнинг янги усуллари жорий қилинмоқда.

Ўқитишни фаоллаштириш муаммолари XX асрнинг 60-80-йилларида педагогик адабиётларда кенг муҳокама қилинди. Рус адабиётида ўқитишни фаоллаштириш масалалари у ёки бу даражада кўриб чиқилган асарлар кўп. Муаммонинг психологик жиҳатлари Л. С. Выгодский [33], Л. В. Занков [44], В.А.Крутецкий [58], Н.А.Менчинская [67] ва бошқаларнинг ишларида ёритилган.

Ўқитишни фаоллаштиришнинг педагогик муаммоларига А.Г.Волостникова [34], П.И.Пидкасистый [81], М.Н.Скаткин [90], И.В.Харламов [112], Т.И.Шамова [121], В.Ф.Шморгунов [1248], Г.И.Шукина [126] ва бошқаларнинг ишлари бағишланган.

Т.П.Шамова таъкидлаганидек, талабаларнинг таълим олишини фаоллаштириш масалалари мажбурий умуминсоний таълимни амалга ошириш, олий таълим битирувчиларини тайёрлаш сифатини яхшилаш, илмий-техник ва ижтимоий тараққиётни жадаллаштиришнинг замонавий шароитларида фаол ҳаётий позициясини шакллантириш билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида ўқитишнинг мазмуни, шакл ва методларига янгича ёндашувларни излашни талаб қилади [121, 3-бет].

Фаол ўқитиш назарияси ва амалиётини ривожлантиришда ўқитиш усулларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ тадқиқотлар катта рол ўйнади (Б.И.Коротаева [55], И.Я.Лернер [62], И.Т.Огородникова [76], М.Н.Скаткин [90] ва бошқалар). Фаоллаштириш машқлари назариясини ривожлантиришга ҳисса қўшиш, қизиқиш ва билим эҳтиёжларини ривожлантиришга Л.И.Божович, С.И.Ильина, Г.И.Шукина ва бошқаларнинг ишларида акс этган.

Талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришнинг энг самарали воситаларидан бири мустақил таълим бўлиб, уни батафсилроқ муҳокама қиламиз. Бу масалага Б.П.Есипов, О.А.Нильсон, П.И.Питкасистый ва бошқаларнинг ишлари бағишланган. Бу муаммога яқин талабаларнинг билим мустақиллигини ривожлантириш масаласидир (М.А.Данилова[38], И.Я.Лернер[62], М.И.Махмутов[ 66] ва бошқалар).

Т.И.Шамова томонидан талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш учун янги концептуал ёндашувнинг моҳияти кўриб чиқилади. У “билиш фаолиятини таълим мазмуни ва жараёнига бўлган муносабатда, билим ва фаолият усуллари мақбул вақтда самарали ўзлаштиришга интилишида, таълим ва билиш фаолиятига эришиш учун ахлоқий ва иродавий ҳаракатларни сафарбар этишда намоён бўладиган талабанинг фаолияти сифати” деб ҳисоблайди [121.5-бет].

Шундай қилиб, талабаларни ўқитишни фаоллаштириш жараёнида Т.И.Шамова қуйидаги хусусиятларни аниқлайди (маълум даражада мезонлар):

- ўқув жараёнига муносабат;
- самарали билим олиш мотивлари;
- ўқув материални ўрганиш учун оптимал вақт;
- иродавий ҳаракат.

Барча белгилар, бизнингча, учинчидан ташқари таълим жараёнини активлаштиришнинг психологик омилларига боғлиқдир.

Кўплаб ишларни ўрганиш асосида Т.И.Шамова, М.Данилова, М.Н.Скаткин ва бошқа дидактикантлар томонидан олиб борилган тадқиқотларга асосланиб, талабаларни ўқитишни фаоллаштиришнинг энг муҳим ва зарур элементи сифатида фаолият тамойилини очиқ беради. “Ўрганиш онгли ифодалангани ... талабалар ҳақиқий материални фаол идрок этишини” [121, 126-бет]. М.А. Данилованинг кейинги модификациясида билим олиш ва фаолиятнинг онги ўқитувчининг етакчилик роли шарт билан чекланган. “Талабалар онги ва фаоллиги тамойилининг моҳиятини ўрганишда ўқитувчи раҳбарлиги ва талабаларнинг онгли ижодий ишлари энг қулай нисбатини таъминлашдан иборат” [38, 134- бет].



Бундан ташқари, Т.Н.Шамова ўз тадқиқотларида мактаб ўқувчиларини ўқитишни фаоллаштириш воситаларининг дидактик тизимини асослаб беради. Шундай қилиб, муаллиф анъанавий воситалар таълим мазмуни, ўқитиш шакллари, методлари, мактабда ўқитишни ташкил этиш шаклларини аниқлайди [121, 74-бет].

Талабаларнинг ўқув фаолиятини фаоллаштириш усулларининг хилма-хиллигини таъкидлаб, муаллиф талабаларнинг асосий муаммоли таълим ва мустақил таълимни таъкидлайди.

Маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг кўплаб асарлари ўша пайтда асосий муаммони ўрганишга бағишланган. Уларнинг энг салмоқлиси Ю.К.Бабанский [23], И.М.Махмутов [66] ва бошқаларнинг асарларида ўз ифодасини топган.

Муаммоли таълим - муайян интизомни ўрганишда назарий ва амалий характердаги ижодий муаммоларни ҳал этиш жараёнида талабаларни тизимли равишда кўшиб олиб боришдан иборат. Муаммоли ўқитишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, талабаларга тайёр шаклда билим берилмайди. Билимлар улар томонидан муаммоли вазиятларни ҳал этиш жараёнида эгалланади.

Ўқитишни фаоллаштириш нуқтаи назаридан Т.Н.Шамова таълимдаги муаммоли ёндашув ҳақида талабаларнинг ўрганиш ва билиш фаолиятининг самарали воситаси сифатида гапириш керак, деб ҳисоблайди. Шундай қилиб, "ўқитишни фаоллаштириш, биринчи навбатда, барча ўқув фанларида талабаларнинг аниқ ўқув муаммоларини тушуниш ва ҳал қилишга қаратилган ҳаракатларини ташкил этишдир" [121, 80-бет].

Жумладан, У.Н.Нишоналиев меҳнат таълими ўқитувчисини тайёрлашнинг тарихий тараққиёти ва шахсий хислатларини [73]; Н.Сайидахмедов умумтаълим мактаблари ўқувчиларни унумли меҳнатга, раҳбарликка тайёрлашни [88]; А.Р.Ходжабоев меҳнат таълими ўқитувчиси касбий тайёргарлигининг ўқув-методик мажмуавий таъминотини [113]; Қ.П.Хусанбоева адабий таълим жараёнида талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиш каби муаммолар устида тадқиқотлар олиб борганлар [119].

Ў.Қ.Толиповнинг касбий таълим тизимида ёшларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришнинг педагогик технологиялари [94], Ш.Шариповнинг талабада ихтирочилик ижодкорлигини шакллантиришнинг педагогик асослари [122], З.Нишонова, Ж.Толипова, ва Н.Халиловларнинг мустақил таълим шакллари ҳақидаги тадқиқотларида кўриб чиқилган [74, 95, 110].

Педагог олимларимиздан С.Матжоновнинг тадқиқот ишлари талабаларнинг мустақил таълимни ташкил этишга бағишланган бўлиб, унда дарсларда талабаларнинг оғзаки ва ёзма ижодий ишларини ташкил этиш масалалари тадқиқ қилинган. Зеро, маънавий баркамол авлодни шакллантиришда ижодий ишлар ва мустақил фаолият юритиш ўз-ўзидан эркин тафаккурни талаб қилади. Мустақил тафаккури, ўз нуктан назарига эга бўлмаган талаба ижодкор бўла олмайди, мустақил фаолият юритолмайди деб ҳисоблайди [65].

Б.Р.Муқимовнинг тадқиқот иши талабаларни мустақил иш жараёнида интерфаол таълим методлари асосида дидактик компетенциясини такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, унда талабаларнинг мустақил ишни бажариши орқали дидактик компетенциясини такомиллаштириш омиллари ёритилади [68].

Шунингдек, биз О.В.Акулова [16], Л.К.Наумова [72]нинг “мустақил иш” тушунчасига берилган таърифни қўллаб қувватлаган ҳолда мазкур ёндашув талабалар мустақил ишини ташкил қилиш ва фаоллаштиришда талаба ва ўқитувчиларнинг ўз муносабатини қайта кўриб чиқиши зарур деб ўйлаймиз.

Мустақил иш – муайян ўқув топшириқ ҳамда уни бажаришга вақтнинг мавжудлиги, топшириқни бажариш учун таълим олувчи томонидан ақлий зўриқишнинг намоён бўлиши, топшириқни бажариш жараёнида таълим олувчилар томонидан онглилик, мустақиллик ва фаолликнинг намоён бўлиши, вазифани бевосита педагогнинг иштирокисиз бажариш, иш натижаларининг мавжудлиги ва албатта таълим олувчиларнинг мустақил, билишга оид ва амалий фаолиятини бошқариш ва ўзини ўзи бошқаришни амалга ошириш жараёнларини тўлиқ қамраб олиши зарур [17].



Бундан ташқари педагог олим Т.Р.Ниязметованинг ўзининг “Ўзбек тили ва адабиёти дарсларида мустақил иш бажариш услубияти” мавзусидаги номзодлик диссертациясида умумий ўрта таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш йўллари ва унинг ўқувчини фаоллаштиришдаги аҳамияти ҳақида фикр юритилади. Гарчи тадқиқотда мустақил фикрлаш масаласи етакчилик қилмасда, ўқувчининг мустақил ишлаш фаолияти ўз-ўзидан у ёки бу даражада мустақил мулоҳазани талаб қилиши кўзга ташланади [75].

*Мустақил таълим* талабаларнинг ўқув фаолиятини фаоллаштиришнинг яна бир асосий воситасидир.

“Мустақил таълим”—билимларни индивидуал тарзда ўзлаштириш, тасаввурларни янада ривожлантириш тушунчалари, кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш бўйича ўқув жараёнининг субъектив мақсадга мувофиқ, мунтазам, мустақил ҳамда автоном фаолиятни ташкил этиш демакдир.

Маълумки, таълим жараёнида талабалар ақлий касбнинг икки туридан: репродуктив ва ижодий туридан унумли фойдаланадилар, бу эса талабаларнинг ақлий ривожланишига таъсири самарадорлиги билан фарқ қилади. Репродуктив характердаги сайи-харакатлар талабаларга мавжуд бўлган билим, кўникма ва малакалардан фойдаланиб, мустаҳкам ўрнашган билимлар жараёнида давом этадиган мустақил таълимни бажаришда қўлланилади. Бундай ишлар тафаккур жараёнлари ва ижодий қобилиятларнинг ривожланишига кам таъсир кўрсатади, чунки талабалар фаолият объектига рухий пассив бўлиб қоладилар.

Ижодий характердаги вазифаларни бажаришда унумли касблардан фойдаланилади. Булар талабанинг ақлий фаолиятини таълим-тарбия ва ҳаётий муаммоларни ҳал этиш усуллари, йўллари ва воситаларини излаб топиш йўлидан йўналтирувчи асарлардир. Бу ишлар ижодий тафаккурнинг шаклланишини таъминлайди, талабаларнинг ақлий қобилиятларини ривожлантиради.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мустақил таълимни бажаришда Олий таълим муассасалари талабаларнинг исталган даражадаги мустақиллиги ўқитиш амалиётида кузатилмади. В.К.Бурякнинг фикрига кўра,

бошлангич синфларда ўқувчиларнинг мустақил таълими умумий таълим вақтининг фақат 10% ини олади, қолган 90% и эса янги материални сўроқ қилиш ва тушунтиришга сарфланади. Шунинг учун ҳам доминантлик фаолиятини ўқувчи эмас, ўқитувчи кўрсатади, аслида эса аксинча бўлиши керак. Бундай ҳолда ўқитувчи асосан ўқувчиларининг мустақил таълимининг раҳбари ва ташкилотчиси сифатида эмас, балки муҳбир ва назоратчи сифатида фаолият кўрсатади [31, 34-40 бетлар].

Худди шундай ҳолат олий таълимда ҳам ривожланган бўлиб, унда талабалар фаолияти ҳам ўқитувчи фаолияти билан алмаштирилади. Етакчи ташаббус ўқитувчи билан нафақат маърузаларда, балки семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида ҳам қолади. Г.Б.Скок фикрига кўра, амалий машғулотларнинг деярли 80% (жами, муаллиф техник фанлардан 76 та амалий машғулотни кузатган) ўқитувчининг монологи устунлик қилади. Лаборатория машғулотларида курснинг назарий қисмини назорат қилиш устунлик қилади, талабаларнинг тажриба топшириқларини бажаришларини ташкил этишда мустақил таълимга деярли эътибор берилмайди [91, 15-бет].

Шундай қилиб, мактаб ўқитувчиси ҳам, олий таълим ўқитувчиси ҳам таълим жараёнидаги фаоллик даражаси бўйича етакчи ўринни эгаллаб, асосан, билимлар етказиш ва текшириш назоратчиси вазифасини ўтайди. Натижада 75% дан ортиқ талабалар, шунингдек, уларнинг ўқитувчилари илмий ёки ўқув ахборотларини узатиш, кўпайтириш билан боғлиқ репродуктив иш усулларини афзал кўришларига эгамиз.

Таълим жараёнининг самарадорлиги билан боғлиқ навбатдаги назарий тушунча таълим жараёнини оптималлаштиришдир. Оптималлаштириш назарияси, Ю.К.Бабанскийнинг ёзишича, “янги муаммоларни шакллантирмайди, таълимда дуч келадиган муаммоларни ҳал қилишнинг энг яхши йўлларини топишга ўргатади” [23,5-бет]. “Оптималлаштириш назариясининг вазифаси таълим жараёнини оптималлаштириш учун мезон ва усулларни (биз томонимиздан таъкидланган) шакллантиришдан иборат эди” [23, 20-бет].

Ю.К.Бабанский куйидаги оптимал таълим мезонларини таъкидлади:



- ҳар бир талабанинг ҳақиқий ўқув имкониятларига мос келадиган илмий ютуқ, таълим ва ривожланиш даражасига эришиш;

- талабалар ва ўқитувчиларнинг аудитория ва уй вазифаларига таълим меъёрларга риоя қилишлари;

- эришилган натижаларни оптимал мумкин бўлганлари билан таққослаш, уй ва аудиториядан ташқари ишларга сарфланган вақтни меъёр билан тақсимлаш [23, 241-242-бетлар].

Ю.К.Бабанский дидактикага таълимнинг ҳар бир асосий элементи вазифалар, мазмун, методлар, воситалар, шакллар ва бошқаларни камраб олувчи таълимни оптималлаштириш йўллари тизимини киритди.

Ю.К.Бабанский таълим жараёнини оптималлаштириш усулини педагогикага киритди. “Таълимни оптималлаштириш – малака талабларининг белгиланган стандартларига мувофиқ ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро боғлиқ фаолиятида максимал имкониятга эга бўлиш учун олдиндан йўналтирилган ўқитиш усулидир” [23, 95-бет].

Юқоридаги фикр мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда биз таълим жараёнини оптималлаштиришнинг қуйидаги йўллари таклиф этамиз:

- таълим жараёнини оптимал режалаштириш, ундаги тизимнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунининг оптимал вариантини танлаш;

- вазифаларни ажратилган вақт ичида энг муваффақиятли ҳал қилиш имконини берувчи усуллар ва ўқитиш воситаларини танлаш;

- ажратилган вақт ичида вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун оптимал шароит яратиш;

- талабаларнинг ўқув фаолиятини бошқариш ва ўз-ўзини бошқаришнинг оқилона уйғунлиги (ўқитишни оптималлаштириш);

- ўқув натижалари ва сарфланган вақтни оптималлик мезонлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш.

- Ўша даврда талабаларнинг мустақил таълимини макбуллаштириш ва мустақил таълим олиш муаммолари бўйича бир қатор илмий-услубий ишлар

этилди.

Бизга маълумки таълим тизимига учта муҳим таркибий қисм кирди:

- мазмуни - муайян ўқув дастурлари ва давлат таълим стандартлари мажмуи билан ифодаланади;
- ташкилий-таълим муассасалари мажмуи билан ифодаланади;
- бошқариш-таълим органлари томонидан тақдим этилган.

Таълимни модернизациялаш стратегияси таълимнинг куйидаги муҳим мақсадларини кўриб чиқади: талабаларнинг мустақиллиги ва ўз-ўзини ташкил этиш қобилиятини ривожлантириш, ҳамкорликка тайёрлик, ижодий фаолиятни ривожлантириш, бағрикенглик, ўзгаларнинг фикрларига тўғри қабул қилиш қабилар.

Шу муносабат билан муассаса ўқув фаолиятининг асосий натижалари ўз-ўзидан билим ва кўникмалар тизими эмас, балки интеллектуал, фуқаролик, мулоқот, ахборот ва бошқа соҳалардаги асосий малакалар мажмуи бўлиши керак.

Асосий компетенцияларни танлаш муаммоси таълим мазмунини янгилашнинг марказий механизмларидан биридир. Жумладан, стратегияда мустақил билиш фаолияти, ўз-ўзини ташкил этиш кўникмалари соҳасида компетентликни шакллантиришга урғу берилади.

Таълимни модернизациялаш - таълимнинг барча босқичларини камраб олувчи стратегик вазифадир. Уни тушуниш чуқур назарий ва амалий тадқиқотларни талаб қилади.

Олий таълим муассаса (ОТМ) ларини қайта қуриш давомида куйидаги йўллар танланди: профессионаллаштириш, компьютерлаштириш, инсонпарварлаштириш, индивидуаллаштириш ва талабалар мустақил таълимнинг родини ошириш. ОТМда маърузаларни қисқартириш ва талабаларнинг ўқитувчи назорати остида мустақил таълим олишлари учун соатларни ошириш учун курс олинди.

*Таълим жараёнини рақамлаштириш* - Замонавий дунёда таълимнинг долзарб йўналишларидан бири рақамли иқтисодиёт учун компетент кадрлар



тайёрлаш учун педагогик ва рақамли технологияларни интеграциялайдиган ахборотлаштириш саналади. Очик таълим ресурслари ва оммавий очик онлайн курсларнинг қулайлиги ахборот технологияларининг таълимий салоҳиятини бойитишга хизмат қилмоқда. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш шароитида бўлажак мутахассислар учун зарур компетенцияларни шакллантириш соҳасида тадқиқотлар олиб борилмоқда, ўз навбатида, педагогик ташхисни такомиллаштириш, эришилган натижаларни аниқлаш имконини берадиган методикаларни татбиқ қилиш устувор йўналишлар ҳисобланади.

Рақамли технологиялар таълим жараёнини нафақат касбий таълим стандарти талабларини бажариш, балки рақамли технологиялар шароитида ишлашга мослашган, ахборот технологиялари ва сервислари ёрдамида мустақил ўзини ўзи такомиллаштиришга қодир мутахассисни шакллантиришга йўналтириш имконини беради.

Ахборот ва коммуникация технологияларига асосланган инновацион таълим технологиялари ва дидактик моделларни оммавий ва самарали қўллаш орқали таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш зарур. Шу билан бирга, таълим жараёнида тадқиқотга асосланган ёндашувдан фаол фойдаланиш лозим ва бу билан илмий тадқиқотда талабаларнинг кўникмаларини ривожлантириш ва IT-компетенцияга асосланган ижодий қобилиятларини ва ижодий фикрлашларини шакллантириш мумкин. Олий таълим муассасарида таълим жараёнига “Moodle электрон таълим тизими” ни жорий этилиши, онлайн курсларни ташкиллаштирилиши, аралаш (blended) курсларни татбиқ этилиши, очик ресурсли (MOOC – Massive Open Online Course) курсларни фаолият олиб бориши мамлакатимизда рақамли технологияларни таълим соҳасини ривожлантираётганлигига яққол мисолдир.

Тадқиқот ишларининг предмет режасида - мустақил таълимни фаоллаштириш нуқтаи-назаридан ўтмишда педагогика фани томонидан тўпланган барча қимматли нарсаларни қайта кўриб чиқиш, бу тажрибадан замонавий илмий муаммоларни ҳал этишда фойдаланиш зарурлигини белгилаб олдик.

Юкоридаги тадқиқот ишларининг таҳлили мустақил таълимга бағишланган кўплаб тадқиқотларга қарамай, ҳали бу тушунчанинг ягона талқини йўқлигини айтиб ўтиш имконини беради. Ҳурғанилган тадқиқот ишларида ушбу тушунчанинг турли таърифлари берилган. Берилган таърифларга аниқлик киритиш ва биз энг кенг қамровли тарзда фойдаланадиган тушунчани танлаш учун биз ушбу “Мустақил таълим” тушунчаларини 1.1-жадвалда таҳлил қилдик.

1. 1 - жадвал

**“Мустақил таълим” тушунчасининг моҳияти таърифлари**

Муаллиф ва асар номи	Тушунча мазмуни
Педагог олим Н.А.Муслимов Нинг фикрича	Мустақил таълим – билимларни ўзлаштириш тасаввурларни ривожлантириш тушунчалари, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш бўйича ўқув жараёнининг субъектив мақсадга мувофиқ, мунтазам, мустақил ҳамда автоном фаолиятни ташкил этиш демакдир.
Р.Х.Джуроев ва С.Т. Тургуновларнинг қайд этишича	Мустақил таълим – бу инсоннинг ўзи танлаган воситалар ва адабиётлар ёрдамида ажлодлар тажрибасини, фан ва техника ютуқларини ўрганишга йўналтирилган шахсий ҳаракатлар жараёни. Бунда инсоннинг ички дунёси, ҳис – туйғулари, мустақил фикрлаш қобилияти асосий рол ўйнайди
О.В.Акулова, Л.К.Наумованинг фикрича	Мустақил иш – муайян ўқув топшириқ ҳамда уни бажаришга вақтнинг мавжудлиги, топшириқни бажариш учун таълим олувчи томонидан ақлий зўриқишнинг намоён бўлиши, топшириқни бажариш жараёнида таълим олувчилар томонидан онглилик, мустақиллик ва фаолликнинг намоён бўлиши, вазифани бевосита педагогнинг иштирокисиз бажариш, иш натижаларининг мавжудлиги ва албатта таълим олувчиларнинг мустақил, билишга оид ва амалий фаолиятини бошқариш ва ўзини ўзи бошқаришни амалга ошириш жараёнларини тўлиқ қамраб олиши зарур
Р.Б.Срода. Таълим беришда талабаларнинг фаоллиги ва мустақиллиги.	Талабалар мустақил таълими остида максимал фаолият, ижодкорлик, мустақил қарор, ташаббус кўрсатиш каби фаолият тушунилади
Б.П.Есипов. Аудиторияда талабаларнинг мустақил таълими.	Талабаларнинг мустақил таълими ўқитувчининг бевосита иштирокисиз, лекин унинг топшириғига биноан, махсус тақдим этилган вақт ичида бажариладиган ишлар
П.И.Пидкаснст. Талабаларнинг мустақил фаолияти.	Мустақил таълим таълим жараёнини ташкил этиш шакли ёки ўқитиш усули эмас. Бу талабаларнинг билиш фаолияти воситаси, уни мантиқий ва психологик ташкил этиш воситаси, талабалар томонидан маълум фаолиятни мақсадга мувофиқ ташкил этиш ва амалга ошириш



		воситасидир.
И.А.Зимная. психология курси.	Педагогик бошлангич	Талабанинг мустақил таълими кам ўрганилган ва шу билан бирга ҳозирги замон таълим самарадорлигини ошириш нуқтани назардан энг кўп кизиқиш уйғотаётган соҳалардан биридир. Мустақил таълим талабаларда мотивация, мақсадга мувофиқлик, шунингдек, ўз - ўзини ташкил этиш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқа шахсий сифатларни кўрсатади.
В.В.Давыдов. мустақил автоматлаштирилган ўқитиш tizimlarining ўрни:	Талабалар таълимида	Мустақил таълим талабаларнинг билвосита назорат қилинадиган билим фаолияти деб тушунилиши керак унинг асоси бир вақтнинг ўзида билвосита бошқарув воситаларидан бири бўлган таълим вазифалари тизими.
В.И.Загвязинский. назарияси: талқин.	Таълим замонавий	Мустақил таълим-талабаларнинг билим ва кўникмаларни эгаллаш фаолияти бўлиб, у ўқитувчининг бевосита раҳбарлигисиз, улар томонидан йўналтирилган бўлса-да, амалга оширилади.

“Мустақил таълим” таърифи билан боғлиқ асарларнинг юқоридаги таҳлили унинг турли муаллифлар томонидан талқин қилинишининг ноаниқлигини кўрсатади. Тушунчанинг моҳиятини таҳлил қилиш учун таърифдаги барча мос келувчи хусусиятлар бирлашлаштирилади ва тушунчаларнинг бошқа ўзига хос хусусиятлари таъкидланади ёки умумлаштирилади.

“Мустақил таълим” тушунчаси педагогик луғатларда ўқув юртидан ташқари, мустақил ўрганиш туфайли эгалланадиган таълим туридир, деб таърифланган. Айни вақтда “мустақил таълим олиш”, “ўзини тарбиялаш”, “мустақил ўқиш” тушунчаларидан синонимлар сифатида фойдаланилмоқда.

Илмий тадқиқот натижалари асосида мустақил таълимга берилган барча таърифларни куйидагича умумлаштирилди: *мустақил таълим – ўқув материални мустақил ўзлаштириш, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқлар, амалий вазифаларни аудиторияда ҳамда аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажариш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган тизимли фаолиятдир.*


Ўрганилган тушунчанинг бир қанча ўзига хос хусусиятларини аниқладик:

- бу ўқитувчининг бевосита иштирокисиз бажариладиган фаолият (иш) туридир;

- мустақил таълимда шахснинг мустақиллик, фаоллик, ташаббускорлик каби хислатлари намоён бўлиб, улар шахснинг ўз-ўзини ташкил этиш ва ўз-ўзини назорат қилиш каби янги сифатларини шакллантиришга имкон беради;

- мустақил таълим мақсадга мувофиқлик билан белгиланади, бу эса ўз навбатида талаба фаолиятининг мотивациясига боғлиқ.

Юқоридаги таҳлилга асосланиб, биз талабалар мустақил таълимнинг қуйидаги ишчи таърифини қабул қилдик:



### 1.2-расм. Мустақил таълимга муаллифлик таърифи

**Мустақил таълимни фаоллаштириш** – ҳозир замон талабидан келиб чиққан ҳолда мустақил ишларни фаоллаштиришда интернет билан ишлаш, ижтимоий тармоқлар, мобил технологиялардан фойдаланиш, мобил иловаларни таълим жараёнига тадбиқ этиш орқали фаолиятни ташкил этиш демакдир.

Талабаларнинг мустақил таълимини фаоллаштириш мазкур фаолият тури самарадорлигини ошириш мумкин бўлган шакл ва усулларни излашни ўз ичига олади.

Бу фикрлардан сўнгги йилларда ўтказилган талабаларнинг мустақил фаолиятига оид бир қатор ишларни кўриб чиқамиз.

Г.Н.Юшко ўз тадқиқотларида таълимнинг рейтинг тизими шароитида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишнинг илмий-дидактик асосларини кўриб чиқади [129]. Муаллиф фикрига кўра “Талабаларнинг мустақил таълими талабалар учун шахсан аҳамиятли ва юқори мотивацияли бўлса, самарали бўлади” [129,21-22 бетлар]. Тадқиқотчининг фикрича, талабаларнинг мустақил таълимини фаоллаштиришнинг энг муҳим воситаларидан бири ўқитишнинг рейтинг тизими ҳисобланади.



Педагогик олим О.А.Кўйсеновнинг фикрига кўра, мустақил таълим олиш мақсадини белгилаш ва унинг ўқувчиларда мустақил билим олиш, мустақил ишлаш, ижодкорлик, эгаллаган билимларни амалиётда қўллаш, ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаси ва имкониятларини шакллантириш умумий касбий ривожланишни таъминлашга асос бўлади [60].

Мустақил таълимнинг оқилона ташкил этилган аудиториядан ташқарида шакллари ва турлари, уларнинг ўзаро боғланган ягона тизимга интеграциялашуви тўлиқ билим, ижодий фикрлаш, ўрганишга ижобий муносабат, ақлий ишнинг оптимал усуллари, мустақиллик ва фаолиятнинг умумлашган хусусиятлари сифатида шаклланишига ёрдам беради.

Т.Б.Пигалова коллежда сиртки таълим талабаларининг мустақил таълимини ташкил этишнинг дидактик шартларини кўриб чиқади. Т.Б.Пигалова ўз диссертациясида сиртки таълим талабаларининг мустақил таълими вазифаларини ёритиб берди. Буларга тушунтириш ва иллюстратив, тахминий, назорат ва диагностик вазифалар киради [80, 11-12-бетлар].

И.Костенконинг мақоласи сиртки таълим талабаларининг мустақил таълимнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган. Мақола бошида муаллиф томонидан талабанинг таълим олишга таъсир қилувчи қуйидаги омилларни таъкидлайди:

- аудитория таълими ва шахсий вақт чекловлари;
- асосий билимлар кундузги талабаларга нисбатан заифроқ;
- ўқув адабиётларининг етишмаслиги;
- ўқитувчилар ўртасида сиртки таълим талабаларга “билими паст талабалар назари билан қараш» [56, 50-бет].

И. Костенко учта ўзаро боғлиқ элементдан иборат талабалар мустақил таълимнинг таникли тизимини тасвирлайди:

- аудитория машғулоти;
- сессиялараро талабаларнинг мустақил назорат ишларини бажариш ва ҳимоя қилиш;
- семестр давомида назорат.

Макола муаллифи кизикарли педагогик гояни илгари суради: сиртки таълим талабаларнинг мустакил таълими тизими талабаларнинг муқтазам ва онгли мустакил таълимини рағбатлантиришга қаратилган [56, 52-бет].

Г.Н.Юшко ўқитишнинг рейтинг тизимининг хусусиятларини ва мустакил таълимнинг самарадорлигини оширишга таъсирини таъкидлайди, бунга ҳисса қўшадиган бир қатор омилларни аниқлайди:

- муаммоли, диалогик, тадқиқотга асосланган, шахсга йўналтирилган, таълимнинг акмеологик, интегратив табиатли таълим;

- компьютер қўллаб-қувватлаш;

- мустакил фаолиятнинг мотивацион ва оператив жиҳатларининг бирлиги [129, 22-бет].

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мустакил ишларнинг ривожланаётган имкониятлари амалиётда тўлиқ қўлланилмайди. Машғулоти ривожлантириш шароитида мустакил таълим тушунчаси мазмунини назарий жиҳатдан ишлаб чиқилмаганлигининг сабабларидан бири ҳисобланади.

В.П.Давыдков автоматлаштирилган таълим тизимларининг талабалар мустакил таълимидаги ўрни ва аҳамиятини кўриб чиқади. Муаллиф бир гуруҳ топшириқларни автоматлаштирилган бошқарув тизимлари воситасида бажариш мумкин бўлган талабалар мустакил таълимининг асосий воситаси сифатида белгилайди. Бу тизим муаллифнинг фикрича, индивидуаллаштирилган назорат ва ўз-ўзини назорат қилишни таъминлайди [37, 11-бет].

И.Ковалевский мақоласида талабаларга мустакил таълимни амалга оширишда ёрдам берадиган услубий қўлланмалар яратишга эътибор қаратади. “Шу билан бирга, - деб ёзади муаллиф, - дарсликлар нафақат ахборотли, балки ташкилий, назорат қилувчи ва бошқарувчи функцияларни ҳам бажариши керак” [52, 114-бет].

Қ.М.Абдуллаеванинг илмий тадқиқотларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг интеллектуал салоҳиятини ўстириш, изланиш, ижодкорлик, тадбиркорлик, ташкилотчилик малакаларини шакллантириш каби муаммоларнинг ечимини топиш ҳозирги даврда муҳим вазифалардан эканлиги кўрсатиб ўтилган [13].



А.Беляева, талабаларнинг мустақил таълимини бошқариш масалаларини кўриб чиқиб, мустақил таълимнинг таълим жараёнининг янги шакллари: экстернат, масофавий таълим ва катталар учун узлуксиз таълимни ривожлантиришдаги ролига эътибор қаратади. Муаллиф ўз ишида талабалар мустақил таълимининг “стратегик” вазифаси ҳақида кизиқарли гоёни илгари суради. А.Беляева мустақил таълим жараёнида “ахборот-билим- маълумот” тизимида талабаларнинг ўз билиш фаолиятини бошқаришга тайёрлиги шаклланганлигида кўради [27, 106-бет].

Муаллифнинг таъкидлашича, талабалар мустақил таълимининг анъанавий усуллари билим олиш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган (буни юқорида В.И.Загвязинский тадқиқотларида айтиб ўтган эдик). А.Беляева талаба учун ва умуман, жамият учун билим манбаи янги билимларни тўлдириш воситаси бўлишига эътибор қаратади [27, 107-бет]. Бунинг учун эса талабаларнинг мустақил ишларини ривожлантириш учун махсус методика ишлаб чиқиши лозим.

Н.В.Басова, талабаларнинг мустақил таълими муаммоларини ўрганиб, “талабаларнинг мустақил таълими бўйича барча мақола ва монографияларнинг асосий мотивлари талабаларнинг назарий ва амалий билимларни эгаллашга онгли муносабатини тарбиялаш, уларда кучли интеллектуал ишни одат қилишдир. Бу таълимнинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Бирок талабаларнинг нафақат билим олишлари, балки, уни олиш йўллари хам эгаллашлари муҳимдир” [24, 224-бет].

Н.В. Басованинг таъкидлашича, “талабалар мустақил таълими” вазифалари:

- малакасини ошириш, жумладан, тадқиқот;
- ўтилган материални умумлаштириш ва такрорлаш;
- олинган билимларни қўллаш, уни тўлдириш ва кенгайтириш.

Муаллиф таъкидлаганидек, талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишда барча умумий дидактик усуллардан фойдаланиш мумкин:

- талабанинг вақтини тежаш учун тушунтириш ва тасвирий;

- монологик сўзни шакллантириш учун репродуктив;
- қисман-муस्ताқилликни ривожлантириш учун кидирув тизимлари, фаолият ва бошқалар;
- тафаккурни ривожлантириш учун муаммоли баён;
- ижодий фаолиятни шакллантириш йўлидаги изланишлар [24, 227-бет].

Н.В.Басованинг барча дидактик усуллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги баёноти билан ишлашимиз мумкин. Бирок муаллиф ўз мақоладаги барча усулларни санаб ўтмаса, бошқа томондан, муайян усулнинг мақсади, бизнингча, унчалик тўғри эмас.

В.Н.Донцовнинг тадқиқот иши ҳам талабаларнинг ўз-ўзини ташкил этиш муаммосига бағишлаган, таълим ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро боғлиқ фаолияти, бошқарув ва ўз-ўзини бошқариш бирлиги эканлигини қайд этади. Ўқитувчининг ташкилий фаолияти ва талабаларнинг роли бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиб, муносабат турлари ҳар хил бўлиши мумкин: ўқув жараёнини ташкил этишнинг бир хил юқори даражасида ва ўз-ўзини ташкил этишнинг юқори ва паст даражасида, айрим юқори ва бошқаларда талабаларнинг таълим жараёнини ташкил этишнинг паст даражаси деб белгилайди.

Айниқса, таълимда мустақил таълимни ташкил этиш тажрибаси кам бўлган талабалар (айниқса, кичик курс талабалар) учун ташкилот ва ўз-ўзини ташкил этишнинг таълим даражалари ўртасидаги зиддиятлар ОТМда таълим жараёнини юқори даражада ташкил этиш билан ҳисобга олинмайди. В.Н.Донцов кўп талабалар 1 ва 2 курслар ўқув жараёни ритми билан ўз индивидуал ритм иш билан боғлаш қийин ҳисоблайди. Талабалар ўз камчиликларни бартараф этиш мақсадида ўз шахсининг кучли томонларидан ҳам етарлича фойдаланмайдилар [40, 70-бет].

Ўқув фаолиятини паст даражада ўзлаштиришнинг белгилари дарсларни қолдириш, ўқув топшириқларини тизимсиз тайёрлаш, уларни кеч яқунлаш, барча машғулотларга мунтазам тайёрлана олмаслик, синов ва имтиҳонлар олтидан бостириб кириш ва бошқалар. Шуларнинг барчаси биргаликда охири-оқибатда билимда муҳим муаммолар ва бўшлиқлар олиб келади [40, 102-бет].



Талабаларнинг ўқув фаолиятини мустақил ташкил этишни мураккаблаштирадиган ташки омиллар орасида турли ўқитувчиларнинг номувофиқлиги, мувофиқлаштирилмаган ҳаракатлари ва талаблари, номукамал тузилган жадваллари, масалан, бир бутун кун учун семинар режалаштирилган ва ҳоказо. Яхши ўқиганлар ва мустақил таълим олишни яхши ташкил этганлар ўқув жараёнини ташкил этишнинг ташки шарт-шароитларига камроқ сезгирдир.

Шундай қилиб, илмий ва педагогик адабиётларни таҳлил қилиш шунки кўрсатдики, келажакда касб таълими ўқитувчиларининг таълим тизимининг асоси бўлган умумқасбий фанларни ўрганишда талабаларнинг мустақил таълимни фаоллаштириш муаммоси бўйича илмий тадқиқотлар етарли эмас; мустақил таълимни фаоллаштириш моҳияти тўлиқ ёритилмаган, бу муаммони ўрганишда назарий ёндашувлар ишлаб чиқилмаган. Асосан мустақил таълимнинг анъанавий усуллари (реферат, курс иши, курс лойиҳасини тайёрлаш, битирув малакавий ишларни тайёрлаш ва бошқалар) дан фойдаланишган. Ушбу муаммони ҳал этишга методологик ёндашувларни кўриб чиқиш зарур, бу кейинги бўлимда бугунги куннинг талабидан келиб чиққан ҳолда мобил технологиялар, Android, IOS дастури ва Windows modile дастуридан фойдаланган ҳолда мустақил таълимни ташкил этишнинг дидактик шарт-шароитларига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

## **1.2 Тадқиқот муаммосининг методологик жиҳатлари**

Бугунги кунда мустақил таълимнинг ўқув режадаги улуши кун сайин ортиб бормоқда. Шу маънода 2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисидаги” Қарорида таълим муассасаларидаги бир қанча масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилган бўлиб, шулардан:

- мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни

жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик ва ахборот технологиялари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш;

- талабалар билимини баҳолаш тизими технологияларини такомиллаштириб бориш ва ҳолсоналигини таъминлаш, жумладан, баҳолашнинг талабалар билан бевосита алоқасиз шакллари ривожлантириб бориш каби масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилган.

Бу масалалар ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари, кўйилган гоёлар ва уларга эришиш методикаларини ишлаб чиқишда бевосита асос сифатида фойдаланилган ва уларга таянилган.

Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарорига асосан қабул қилинган “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида Низом” га асосан кредит-модуль тизимига босқичма-босқич ўтишмоқда. Кредит-модуль тизимининг асосида эса талабаларнинг мустақил таълим олиши ётади. Бу эса талабаларнинг ахборот-муҳитида ўз устида ишлашлари ва мустақил фаолият билан шуғулланишига имконият эканлигини таҳлил қилинган ва мустақил таълим олиш тузилмасига эътиборини қаратган.

Кредит-модуль тизимида талабанинг мустақил ~~иши~~-модуль дастури бўйича ўқув ишларининг ажралмас қисми бўлиб, муайян тушунча, кўникма ва малакаларга эга бўлиши учун белгиланган вақт меъёрида топшириқларни талаба томонидан мустақил бажарилишидир. Унинг асосий мақсади- талабаларнинг ақлий фаоллигини ошириш, топшириқларни таҳлил қилишга ва муаммоли вазият ва айниқса таълимнинг кредит-модуль тизимига ўтилиши бунга яққол мисол бўла олади (1.3-расмга қаранг).





### 1.3-расм. Мустақил таълим соатларининг охириги йиллардаги улуши таҳлили

Кредит-модуль тизими - бу таълимни ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модулли технологияларига асосланган, мустақил таълим олишга йўналтирилган, ўқув жараёнини катъий белгиланган ҳолда ва меҳнат бозори талабларига мос тарзда ташкил этишга қаратилган, кредит ўлчови асосида баҳолашга асосланган таълим тизими ҳисобланади.

Кредит-модуль тизимини амалга ошириш сермашаққатли ва мураккаб тизимдир. Кредит-модуль тизимида аҳамият бериладиган асосий масалалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш;
- талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш;
- ўқитишнинг модулли технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- талабаларнинг ўз устида мустақил ишлашини таъминлаш учун фаннинг методик таъминотини янада такомиллаштириш.

Кредит-модуль тизимининг аҳамиятли томони шундаки, бу тизимда фаннинг ўқув дастури меҳнат бозори талабларини ўрганган ҳолда, шунга мос тарзда тузилади. Ўқув режадаги фанлар икки гуруҳга, яъни мажбурий фанлар ва танлов фанларига ажратилади. Танлов фанлари ўқув режадаги фанларнинг 50 %ини ташкил этади, демак талабаларнинг ўзи кизиқадиган ва келажакда керак деб ҳисоблайдиган фанларни танлаб ўқиш имконияти ортади. Кредит-

модуль тизимида талабаларни ўқитиш жараёнида ўқитувчилардан ҳар бир талабага индивидуал ёндашиш талаб этилади ва талабани мустақил таълим олишга йўналтириш лозим бўлади. Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, кредит-модуль тизимида талабаларда фанларни ва ўқитувчиларни танлаш ҳукуки ҳам пайдо бўлади, шунингдек ўз устида мустақил ишлаш имконияти ортади.

Кредит-модуль тизими дунёнинг кўплаб илғор ва ривожланган мамлакатларининг таълим тизимида жорий этилган бўлиб, турли давлатларда ўзига хос хусусиятларга эга. Кредит-модуль тизимининг мақсадга мувофиқ эканлиги унинг дунёнинг ривожланган мамлакатлари таълим тизимига жорий этилганлигидан ҳам кўриниб турибди. Ушбу тизимда таълим дастурларнинг талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилиши уларда ижодий фаолликни ва билим олишга интилишни, адабиётлар ва турли ахборот манбаларидан мустақил фойдаланиш кўникмасини, маълумотларни таҳлил қилиш ва кераклиларини саралаб олиш малакасини шакллантиради. Бу эса таълим сифати ва самарадорлигининг оширишдаги муҳим факторлардан биридир.

Умумқасбий фанларни ўрганишда талабаларнинг мустақил таълимини фаоллаштиришнинг концептуал асосларини аниқлаб олишда мутахассис олдидаги қасбий талаблардан, мутахассисни қасбий тайёрлашнинг муҳим, асосий тамойилларидан келиб чиқдик.

Илмий тадқиқот методологияси ва методикасини танлаш муаммоси тадқиқотимизда муҳим аҳамиятга эга, методология назарий ва тажриба ишларини ташкил этишда алоҳида аҳамият қасб этади.

Талабаларнинг махсус фанлар бўйича мустақил ишларини ташкил этиш ва зарур шарт-шароитларни таъминлаш бўлажак мутахассисларни тайёрлашнинг зарур элементиدير.

Бизга маълумки, фанда методология умумбилиш усули вазифасини бажаради. Илмий тадқиқот ишларида эса икки муҳим вазифани бажаради: ўрганиш усули ва жараёни ташкил этиш усули сифатида (бизнинг ҳолатимизда умумқасбий фанларни ўрганишда мустақил таълимни фаоллаштириш).



Методика сифатида умумий педагогик тизим ёндашувини таънадиқ. Тизим (юнон тилидан. "sistema") - бир бутун, боғланиш қисмларидан ташкил топган. Тизим-табний равишда бир-бири билан боғлиқ бўлган элементлар мажмуи (объектлар, ходисалар, қарашлар, билимлар ва бошқалар), муайян бирлигини ифода қилади.

Педагогикада "tizim" атамаси икки маънода ишлатилади. Биринчиси, педагогик ходисаларнинг сифат ҳолатини кўрсатиш. Демак, педагогик жараён, талаба ва ўқитувчи шахси тизимдир. Иккинчидан, бу атама муайян педагогик тузилмаларни оқлаш учун махсус ишлатилади.

Тизим ёндашувининг асосчилари А.И.Аверьянов [14] ва бошқаларнинг тадқиқотлари асосида тизим ёндашуви объектларни тизим сифатида ўрганишга асосланган илмий билимлар методологиясининг йўналиши ҳисобланади. Тизим ёндашувининг ўзига хослиги тадқиқотчиға объектнинг яхлитлигини ва уни қўллаб-қувватлаш механизмларини аниқлаш, мураккаб объектнинг турли алоқаларини аниқлаш ва уларни бир бутунликка келтириш билан белгиланади.

Тизим ёндашуви объектларнинг моҳиятини очиб беришга, мураккаб объектнинг турли хил боғланишларини аниқлаш ва уларни ягона яхлит тасвирга туширишга қаратилган тизимлар сифатида ўрганишга асосланган.

Тизим ёндашуви умумий функциялар ва мақсадлар, бошқарув ва фаолият бирлиги билан бирлаштирилган кўплаб ўзаро боғлиқ элементларга эга бўлган объектларни таҳлил қилиш учун қўлланилади. Мустақил таълимни фаоллаштиришни таҳлил қилиш учун ушбу тизимнинг фаолиятига таъсир қилувчи асосий омилларни аниқлаш, тизимнинг ўрнини бошқа ходисалар контекстида аниқлаш, бошқарув жараёнларини ўрганиш, мақсадларга эришишни таъминлаш ва олинган натижаларни амалда жорий этишдир.

Тизимнинг умумий хусусияти маълум бир элементлар тўпламининг мавжудлигидир. Тизим объектларининг муҳим хусусияти - элементлар билан биргаликда тизимнинг яхлитлигини ташкил этувчи элементларнинг муайян муносабатларининг мавжудлигидир.

Тизим ёндашувининг кейинги муҳим хусусияти бошқарувидир. В.Садовский ва Е.Юдин таъкидлаганидек, "мураккаб ташкил этилган

тизимларнинг ўзига хос хусусияти уларда бошқарув жараёнларининг мавжудлигидир” [87, 18-бет]. Шу муносабат билан талабаларнинг мустақил таълимни фаоллаштириш муаммосини тизимли ўрганиш концептуал модел параметрларини очиб бериш билан бирга, уларнинг педагогик воситаларини, яъни касб таълими соҳасида талабаларнинг билим ва кўникмаларини шакллантиришни бошқариш имконини ҳам беради. Бошқарувнинг моҳияти танланган фаолият соҳаси бўйича асосий билим ва кўникмаларни шакллантириш мақсадида талабаларнинг фаолият усуллари ва шаклларини излашдан иборат.

Бизга маълумки, бошқарув цикли бир неча босқичлардан иборат: мақсадни шакллантириш, дастур ҳамда мақсадни режалаштириш, ўқув фаолиятини ташкил этиш, фаолиятни созлаш, фикр-мулоҳазаларни таҳлил қилиш ва талабаларнинг ўқув фаолияти самарадорлигини аниқлаш. Натижаларни кўзланган мақсадга мувофиқлаштириш – таълим жараёнининг энг яхши варианты ва бошқарув мазмунидир.

Шундай қилиб, биз тизимли ёндашувнинг тизим объектларининг хусусиятларини белгилаш ва уларни яхшилашга ёрдам берадиган қуйидаги қоидаларини ишлаб чиқдик:

- тизим яхлитлиги;
- тизим элементларини танлаш;
- тизим элементлари ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш;
- тизимнинг тузилишини аниқлаш;
- тизим элементларининг вазифаларини аниқлаш;
- тизимни бошқариш.

Танланган методлар, усуллар, шаклларнинг самарадорлигини текширишда, график фанларни ўрганишда талабаларнинг мустақил таълимни рағбатлантириш тадқиқотнинг ҳар бир босқичида тажриба ўтказиш орқали амалга оширилади, назарий позицияларни илгари сурганимизни тасдиқлаш, инкор этиш ёки аниқлаштириш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, талабаларнинг мустақил таълимни фаоллаштиришга тизимли ёндашув бу тизимнинг ҳар бир жиҳатлар ҳақида аниқ илмий-



назарий билимлар куриш бўлиб, бунинг учун:

- талабаларнинг мустақил таълимни фаоллаштириш тизимининг асосий элементларини аниқлаш;
- унинг тузилишини аниқлаш;
- тизимнинг алоҳида даражалари ва элементларининг тўлиқ ишлашини таъминловчи вазифаларини аниқлаш.

Шу мақсадда тадқиқотда шахсий-фаолият ёндашувини қабул қилдик. Психологияда шахсий фаолият ёндашувининг асослари Л.С.Виготцкий[33] ва А.Н.Леонтьев[61]нинг тадқиқотлари билан боғлиқ. Замоनावий психологлар И.А.Зимная[46], Н.Ф.Талайзина[93] ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилиб ривожлантирилган. Шахсий-фаолият ёндашуви ҳолялари педагог олимлар В.И.Загвязинский[42], В.В.Краевский[57], А.Н.Наин[71], ва бошқаларнинг тадқиқотларида келтириб ўтилган.

Е.Ф.Зеер таъкидлаганидек, замонавий педагогикада таълимнинг икки парадигмаси мавжуд. "Билиш парадигмасига мувофиқ, таълим билиш ва унинг жараёни билан таққосланади ... - тадқиқот фаолияти сифатида амалга оширилади. Шахсий жиҳатлар билиш мотивацияси ва билиш қобилиятларини шакллантиришга тушади [45,113-бет]. Шахсга йўналтирилган таълим талаба шахсининг тизим шакллантирувчи омили сифатида методологик эътирофга асосланади: унинг эҳтиёжлари, мотивлари, мақсадлари, қобилиятлари, фаоллиги, ақл-заковати ва бошқа индивидуал психологик хусусиятлари [45, 117-бет].

Шахсий-фаолият ёндашуви икки таркибий қисмни ўз ичига олади: Шахсий ва бир-бири билан узвий боғланган фаолият. Биринчиси шахсий ёки яқинда аниқланганидек, шахсга йўналтирилган ёндашув (Е. В. Бондаревская, Е.Ф.Зеер, В.В.Сериков, И.С.Якиманская ва бошқалар). Шахсий ёндашув кенг маънода таълим марказида шахс ва унинг барча рухий хусусиятлари ҳамда ҳолатини, сабаблари, мақсадлари, унинг ноёб психологик хусусиятларини ифодалайди.

"Талабанинг кизиқишлари, билим ва кўникмалари даражасидан келиб чиқиб, ўқитувчи дарснинг ўқув мақсадини белгилайди ва талаба шахсини ривожлантириш мақсадида бутун ўқув жараёнини шакллантиради, бошқаради

ва мувофиқлаштиради". "Ҳар қандай ўқув предметини ўқитиш жараёнида талабанинг – индивидуал психологик ва ҳолат хусусиятлари ҳисобга олинади".

Лекин шахсий ва фаолият компонентлари бир-бири билан узвий боғлиқ, чунки шахснинг ўзи фаолият субъекти ҳисобланади. Фаолият компоненти ҳам шахсий-фаолият ёндашувини шакллантириш учун кўп томонлама шарт-шароитларга эга.

Фаолият – инсоннинг атроф-муҳит билан (шу жумладан, бошқа одамлар) мақсадли таъсирининг ўзаро фаол шакли бўлиб, бу ўзаро таъсирни юзага келтирган эҳтиёжга, бирор нарсага бўлган эҳтиёж сифатида жавоб беради (С.Л.Рубинштейн).

Психологлар А.К.Маркова, И.А.Зимная, В.В.Давидов ва бошқаларнинг тадқиқотларига кўра, фаолиятда объективлик, мотивация ва мақсадга мувофиқлик каби хусусиятлар билан тавсифланади. "Шахсий-фаолиятда ёндашув, талабалар ўқув фаолиятини ташкил этиш (ва бошқариш) сифатида ўқув жараёнини ўзи ташкил қилиш, шакллантириш ва улар томонидан муайян ўқув вазифаларни ҳал қилиш, бу жараённинг вазифаларини англатади: билим, тадқиқот, трансформацион, прожектив, ва бошқалар" [64, 86-бет].

Педагогик адабиётлар таҳлилидан шунини кўрамизки, шахсий-фаолият ёндашуви таълим жараёнида муҳим рол ўйнайди. Психологлар (В.В.Давыдова, И.А.Зимная, А.Н.Леонтиев, Д.Б.Эльконин ва бошқалар) биз томонимиздан ўрганилган талабаларга нисбатан шахсий-фаолият ёндашувини қўллашни кўриб чиқамиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб биз тадқиқотимиз учун қуйидаги фикрларни муҳим деб ҳисоблаймиз:

- шахсий компонентда - талаба таълим марказида уларнинг мотивлари, эҳтиёжлари ва ўқув мақсадлари;

- фаолият компонентида - ўзаро таъсирни (ўқитувчи ва талаба) субъект-субъект муносабати сифатида характерлайди ва шахснинг ўз фаолиятини назарда тутди;

- шахсий йўналтирилган таълимнинг диққат-эътиборида талаба шахсига қаратилган бўлиб, у ўз имкониятларини максималлаштиришга интилади;



- янгиликларни идрок эта оладиган, ўз келажагини онгли ва масъулиятли танлашга қодир инсонни тарбиялаш.

Тадқиқотимизда умумкасбий фанларга онд ўқув предметлардан кўриб чиқамиз.

“Касбий педагогика” фани шахсни касбий фаолиятга тайёрлаш, янги авлодни касбий тарбиялаш, малакали ишчи кучини янги талаблар даражасига мослаб боришни кўзда тутди. Касбий педагогикаси умумий педагогика фанининг тармоғи сифатида касбий-техник таълим тизимининг такомиллашиш жараёнида шаклланиб боради. У нисбатан янги фан соҳаси бўлиб, бугунги кунда асосий кўшмаб хусусий тушунчалари шаклланиб, ривожланиб келмоқда. Ҳар қандай фанда бўлгани каби касбий педагогика ҳам ўз категориялари ва тушунчаларига, сифат кўрсаткичларига эга. Бу эса фаннинг асосини ташкил этади.

Ушбу тадқиқотда умумкасбий фанларни ўрганишга параметрик ёндашувдан фойдаланилади. Параметрлар маълум тўпламларнинг номлари бўлиб, улар жараён ёки ҳодисанинг тузилишини тавсифлайди. Улар одатда формал параметрлар деб аталади. Бундан ташқари, тизимда нафакат тузилмани, балки унинг вазифалари ва мақсадини тавсифловчи реал параметрлар мавжуд бўлиб, улар ҳақиқий параметрлар деб аталади.

Касб таълими узоқ вақтлар мобайнида ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашга йўналтирилиб борилди, бироқ, ушбу тадбир битирувчиларнинг касбий маҳоратини шаклланиш даражасининг пасайиши ҳисобига амалга оширилди. Бу ҳолат касбий маҳоратни ва лаёқатни ошириш, инсоннинг бутун умри давомида ўз билимини такомиллаштириб бориш ва ўз-ўзини тарбиялаш эҳтиёжини оширишга хизмат қилмас эди. Республикамиз таълим тизимидаги ислохотлар натижасида касбий таълим ишчи касбларига махсус тайёрлаш масаласига, таълим олувчи шахсида касбий маҳорат ва лаёқат сифатларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шундай қилиб, умумкасбий фанларни ўрганишда талабаларнинг мустикал таълимини фаоллаштириш тизимини куришнинг методологик асоси сифатида тизим, шахсий-фаолият ва параметрик ёндашувлардан фойдаланамиз.

Навбатдаги муҳим услубий жиҳат “талабаларнинг мустақил таълимни фаоллаштириш” тушунчасининг моҳиятини аниқлашдир.

Тушунчаларнинг моҳиятини аниқлаш учун турли лугат ва энциклопедик манбалардан (фалсафий, психологик, педагогик энциклопедиялар, фалсафий, психологик, педагогик лугатлар ва бошқалар), илмий тадқиқотлар (тезислар, мақолалар, монографиялар, диссертациялар), ўқув-услубий қўлланмалар, шунингдек меъёрий ва қонуночилик ҳужжатларидан фойдаланамиз.

Шунинг учун биз турли манбаларни таҳлил қиламиз, ўрганилаётган тушунчаларнинг бу манбаларда берилган хусусиятларини аниқлаймиз, энг муҳимларини танлаб ва уларни вазифалари доирасида кўриб чиқамиз. Шу билан бирга, муайян тушунчанинг таърифини бериб, бошқа нуқтаи-назарлар ҳам бўлиши мумкинлигини англаймиз.

Касб таълими энциклопедиясида эса ўқув жараёнини фаоллаштириш, ўқув фаолиятини фаоллаштириш ва инсон омилини фаоллаштириш каби тушунчалар ёритиб берилган.

Улардан биринчиси “таълим-тарбия ишининг методлари ва ташкилий шаклларини такомиллаштириш, таълим жараёнининг барча бўғинларида талабаларнинг фаол ва мустақил назарий ва амалий фаолиятини таъминлаш” деб ҳисоблайди.

Иккинчиси - ўқув фаолиятини фаоллаштириш - “интенсивлаштириш ва самарадорликни ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар мажмуи” Кейин тушунтириш бор: булар талабанинг билиш қизиқишларини рағбатлантирувчи, гуруҳда шахслараро мулоқотни ташкил этувчи ва ўқув фаолиятининг юқори натижаларига шахсий ижтимоий-иқтисодий қизиқишни оширувчи усул ва шакллари дир. Ва ниҳоят, инсон омилини фаоллаштириш, энциклопедияни тузувчиларга кўра – “инсонга ўз иши ва ижтимоий фаолияти давомида унинг барча шахсий фазилатларига тизимли, мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш”.

Шундай қилиб, таклиф этилаётган мақолалар муаллифларининг асосий диққат-эътибори ўқитувчи томонидан тартибга солинадиган таълим жараёнини фаоллаштириш шакл ва усулларини ҳамда талабага ўқитувчидан ҳам худди



шундай таъсир кўрсатишни беради. Талабанинг шахси эса муаллифларнинг эътиборидан қолади.

Педагогик луғатда Г.М.Коджаспиров ва А.Ю.Коджаспирова шахс фаолияти тушунчасини белгилайди. “Шахс фаолияти-дунёга фаол муносабат, моддий ва маънавий муҳитни ижтимоий муҳим ўзгаришларни ишлаб чиқариш қобилиятидир” [53, 8-бет].

Бундан ташқари, билиш фаолияти шахснинг фаол ҳолати деб белгиланиши, бу эса билишга интилиш, ақлий зўриқиш ва билим олиш жараёнида иродавий саъй-ҳаракатларнинг намоён бўлиши билан характерланади.

Психологик-педагогик луғатда “Ўрганишдаги фаоллик”, “билиш фаолияти” ва “фаол ўқитиш усуллари” каби таърифлар берилган [78, 22-23-бетлар]. Улар таълимнинг дидактик тамойилини, шахс хусусиятларини, самарали ва рағбатлантирувчи таълим усуллари таъкидлайди.

Олий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари ва талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш “Олий таълим: фаоллаштириш муаммолари” китобида ўз аксини топган. Хусусан, “мактабда таълим жараёнини такомиллаштириш олий таълимнинг ушбу хусусиятларини билиш ва ҳисобга олиш жуда катта аҳамиятга эга, бу эса талабаларнинг илмий ишларининг ҳозирги ОТМларда хулқ-атвор, ақлий ёки хиссий стандартларга мослашувини талаб қилади ва уларни янги кўникмалар билан курулантиради.

Муаллифлар, талабаларнинг ўз-ўзини тарбиялаш ишларини ташкил этиш уларнинг билимларни мустақил эгаллаш технологияларини ўргатиш жараёнида таркиб топиши лозим деб ҳисоблайди [19, 30-бет]. Китобда таъкидланишича, талабаларнинг мустақил ўқув ишларини ёмон тайёрланишига сабаб, у нафақат кам тартибга солинган, ташкил этилган ва йўналтирилган, балки, кўп ҳолларда ўз холига қўйиб юборилган. Олий таълимнинг тарбиявий ишлар амалиётида ўқув жараёни унинг барча жабҳалари ва тузилмаларида махсус ташкил этиш ва малакали педагогик йўл-йўриқ талаб қиладиган қондалар кўзга ташланади.

Юқоридаги тадқиқот ишларни таҳлил қилиш билан чекланиб, айрим хулосалар чиқарайлик:

- бунда тадқиқот таҳлили талабалар мустақил таълимни кенг маънода очиб берилди;

- талабаларнинг мустақил таълими ҳар қандай таълим жараёнининг зарурий таркибий қисми сифатида шахс фаолияти билан боғлиқ;

- талабанинг мустақил таълимни тавсифловчи кўпгина асарларда муаллифлар уни ўқитувчининг бевосита раҳбарлигисиз амалга оширилишини таъкидлайдилар. Айни пайтда, таълим жараёнининг ўзида мустақил таълимнинг мураккаблиги, изчиллиги ва мантиқийлигини белгиловчи, яъни уни билвосита йўналтирувчи бу ўқитувчи ҳисобланади;

- психологик-педагогик асарларни ўрганиш талабалар мустақил таълимни фаоллаштиришга бағишланган махсус тадқиқотларнинг озлигини кўрсатди;

- шунинг учун ҳам биз ўрганган тадқиқот ишларида бу таъриф топилмаган.

Тадқиқотимиз учун муҳим тушунчани белгилашда талабаларнинг мустақил таълими таърифни ҳисобга олиб, (1.1-бўлимда берилган) фаоллаштириш ва фаолият белгилари, шунингдек, турли илмий манбаларнинг контекстуал таҳлили натижасидан келиб чиққан ҳолда мустақил таълимга яна бир бор таъриф берайлик.

Талабаларнинг мустақил таълими – талабанинг ўқув предметига айлантирадиган билиш фаолияти, касбий ривожланишда ўз-ўзини бошқариш механизми шаклланади, ўқитувчи томонидан билвосита назорат қилиниб, касбий билим ва кўникмаларни такомиллаштиришга ҳамда бўлажак мутахассиснинг касбий сифатларини ривожлантиришга қаратилган. Ушбу таърифда биз учун қуйидаги хусусиятлар муҳим аҳамиятга эга:

- талабаларнинг билиш фаолияти;
- ўқитувчи томонидан билвосита раҳбарлик;
- талабалар ўз-ўзини бошқариш механизминини шакллантириш;
- касбий билим ва кўникмаларни такомиллаштириш;
- мутахассиснинг касбий маҳоратини ривожлантириш;



• мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиш компетенцияларини шакллантириш.

Талабалар мустақил таълимни фаоллаштириш – талабалар мустақил таълимнинг ҳар бир бўғинини қамраб олувчи чора-тадбирлар тизими: талабаларнинг ижодий билиш фаолияти, раҳбарият томонидан мустақил таълимни такомиллаштириш, мустақил таълимнинг фаол шакл ва усулларидан фойдаланиш ва мутахассис шахсининг касбий сифатларини такомиллаштиришдир.

Касбий таълим шахс тузилишининг замонавий тушунчалари илмий адабиётларда шахс моделини қуришга мавжуд бўлган турли хил ёндашувларга асосланади. Улар орасида фаолият ёндашуви кенг тарқалди. Шахс моделини қуришдаги фаоллик ёндашуви ўз табиатига кўра ижтимоий фаолият сифатида фаолият ҳақидаги умумий фалсафий ғояларга асосланган бўлиб, мақсадга мувофиқлиги, ижодий ижодкорлиги ва жадаллиги билан ажралиб туради.

Шахснинг шахсий-ақлий ривожланиш маҳсули сифатида тузилишини ҳисобга олган ҳолда, Б.Г.Ананев шахснинг тузилишида қуйидагиларни айтиб ўтган:

- психофизиологик функцияларнинг индивидуал ривожланиши;
- фаолиятнинг шаклланиши ва инсон таракқиёти тарихи каби;
- билим ва мулоқот предмети инсон ҳаёти йўли сифатида [21, 208-бет].

Б.Г.Ананевнинг концепциясида инсоннинг асосий хусусиятлари фаолиятнинг предмети сифатида муҳимдир. Бу соҳадаги дастлабки хусусиятлар “онг” (объектив фаолиятнинг инъикоси сифатида) ва “фаолият” (воқеликнинг трансформацияси сифатида) деб аталади.

Шахснинг ўз хусусиятларига эътибор қаратиб, Б.Г.Ананев амалий фаолиятда касб техник воситаларининг аҳамиятини, назарий фаолиятда билим ва кўникмаларни кўрсатиб, бу фаолият субъективнинг функцияларини тезлатувчи ва ўзгартирувчи сифатида ишлайди [21, 271-бет]. Эътиборлиси, бизнинг фикримизча, инсон ижодкорлиги субъектив инсон хусусиятларининг олий намунаси сифатида алоҳида ажралиб туради.

Ижтимоий фаол шахснинг фалсафий моделлари Л.А.Беляева[27], А.К.Рычков[85] ва бошқаларнинг асарларида кўриб чиқилади. А.К.Рычковнинг фикрига кўра, “ижтимоий фаол шахс” тушунчаси инсоннинг ижтимоий-фаолият моҳиятининг жамланган ифодасидир. Муаллиф ижтимоий фаол шахснинг норматив моделини ана шу хислатлар ва уларни ифодалаш чораларини шакллантирувчи фаолиятнинг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш имконини берувчи сифатлар мажмуини тавсифлаш орқали белгилайди. А. К.Рычковнинг зарур шахсий фазилатлари орасида маданият, ахлоқий тарбия ва интизом кайд этилади [85, 24-25-бет].

К.К.Платонов томонидан ишлаб чиқилган шахснинг динамик функционал тузилиши, жумладан, шахс ҳақидаги тизимли ғояларни ишлаб чиқишда муҳим кадам бўлди. Шахсни таркибий ҳодиса сифатида тасвирлаб, К.К.Платонов кўплаб шахс хусусиятларини тизимлаштиради ва шахснинг тўртта асосий қисмини белгилайди:

- биринчидан, шахснинг йўналганлиги ва муносабатларини боғлаб, унинг ахлоқий хусусиятлари сифатида намоён бўлади..., тузилиши таълим томонидан ташкил этилади ва ижтимоий-шартли деб аташ мумкин;

- иккинчидан, шахсий тажрибада олинган билим, кўникма, малака ва одатларни ўқитиш орқали бирлаштиради, аммо биологик ва генетик жиҳатдан аниқланган шахс хусусиятларининг сезиларли таъсири билан эмас. Ушбу тузилма баъзан шахсий маданият ёки тайёргарлик деб аталади;

- шахснинг учинчи субструктураси алоҳида психик жараёнларнинг индивидуал хусусиятларини (хотира, ҳиссиёт, тафаккур, идрок, ҳис-туйғу ва иродани) ҳисобга олиш керак;

- шахснинг тўртинчи субструктураси биопсихик хусусиятлардир. Бунга темперамент, жинс, ёшга оид шахс хусусиятлари киради, улар кўпроқ мианинг физиологик хусусиятларига боғлиқ, ижтимоий ҳодисалар эса уларни бўйсундиради ва компенсациялайди [82 138-бет].

Кўпгина олимларнинг фикрига кўра, К.К.Платонов шахсининг динамик функционал тузилиши тушунчаси профессионал шахснинг тузилишини таҳлил



килиш учун асос сифатида фойдаланиш учун назарий жиҳатдан энг асосли ва макбул ҳисобланади.

Тадқиқотларимиз учун умумкасбий фанларни ўрганишда талабаларнинг мустақил таълимини фаоллаштириш бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш мисолида кўриб чиқилиши муҳим аҳамиятга эга. Бўлажак мутахассисларни тайёрлашда экспериментал текшириш таъминланади. Шунинг учун мутахассиснинг шаклланишига таъсир этувчи омилларга қисқача эътибор қаратамиз. (Умумкасбий фанлар ўқитиш бўйича маълумотлар қўйилади).

### **1.3 Умумкасбий фанларни ўқитишда мустақил таълимни фаоллаштиришнинг назарий функционал тузилмаси**

Ушбу бўлимда педагогик таълимнинг муаммолари ва истикболлари, тамойиллари муҳокама қилинади ва назарий функционал тузилмаси ишлаб чиқилади.

Бунинг учун биз таълим муаммолари ва истикболларини ўрганиш жараёнида Н.А.Муслимов [69], Қ.Т.Олимов [77], З.Қ.Исмоилова [48], Ш.Т.Халилова [111], Ш.С.Шарипов [122], Н.Ш.Шодиев [125], М.Б.Ўрозова [97] Ж.А.Ҳамидов [116] ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотларга таяндик.

Умумкасбий фанларнинг ривожига XVI-IX асрлар (Шарқ уйғониш даври)да яшаб ижод этган Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Абу Носир Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мир Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур каби буюк даҳолар, XIX асрнинг охири XX аср бошларида Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёндаларидан Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Саидахмад Сиддиқийлар, Европа давлатларининг буюк мутафаккир ва педагог олимларидан Ян Амонс Коменский, Жан Жак Руссо, И.Г. Пестолоци, Адольф Дистервег, К.Д.Ушинский, А.С.Макаренко, Ж.Локк, Жон. Дьюи, Эдвард Торндайк, С.Т.Шаский, Б.Блумлар улкан ҳисса қўшдилар.

Педагогика ва психология соҳасидаги назарий тадқиқотларнинг натижалари график билимлар соҳасида муҳим ўзгаришларни амалга ошириб, ижодий ташаббускорлик, фаоллик ва умумкасбий фанларни ўқитиш методларини такомиллаштириш йўллариини илмий излашни рағбатлантирди.

Олиб борилган изланишлар натижасида ишлаб чиқилган ўқув-услубий қўлланмалар ва электрон таълим ресурслари асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни фаоллаштириш учун дидактик таъминоти бойитилади. Бунда талабаларнинг мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари (мотивация, йўналтириш, жалб этиш ва тажрибаларни бойитиш) кенгайтирилади. Мазкур вазифаларни амалда ижросини таъминлаш мақсадида 5111000-Касб таълими йўналишлари ўқув режаларидаги умумкасбий фанлар блокига кирувчи касбий педагогик фанларни ўқитиш жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчиларида мустақил таълим олиш компетенцияларини шакллантиришга қаратилган дидактик таъминот, жумладан, интерфаол ўқитиш методлари, кейслар банки ва тадқиқотчилик характеридаги касбий-иждодий топшириқларни ўз ичига олган “Талабалар мустақил таълим олиш методикасини такомиллаштириш” номли методик қўлланма ва “Касбий педагогика” фанидан мобил илова дастури, “Касбий педагогика ва Касбий психология” фанидан ўқув қўлланма, “Касбий педагогика ва Касбий психология” фанидан дарслик, “Ер усти транспорт тизимларини автоматик лойиҳалаш” фанидан электрон ҳисоблаш машиналари учун Macromedia Flash дастурлари асосида электрон ўқув қўлланма дастури, электрон таълим ресурслари ва юқоридаги фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуа ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Талабаларда мустақил ишлаш методик компетентликни шакллантиришнинг мақсади касбий ва шахсий ривожланиш жараёнида талабанинг ўз-ўзини англаш, баҳолаш ва бошқариш каби таркибий қисмларни ривожлантириш ва турли таълим муассасаларида ишлашга тайёрлаш саналсада, умумкасбий ва ихтисослик фанлари асосларини ўрганиш вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- аниқ педагогик ҳамда ишлаб чиқариш муаммоли вазиятларда масалани ажратиб олиш ва уларни ҳал қилиш усули сифатида педагогик ва техник-технологик тафаккурни ривожлантириш бўлажак касб таълими ўқитувчисининг педагогик-шахсий фаолияти асоси сифатида педагогик, умумкасбий ва



ихтисосликка оид билимларни ўзлаштиришга инсбатан ижобий муносабатда бўлишга эришиш;

- бўлажак касбий фаолият индивидуал методининг асоси сифатида, ўқув-педагогик ва ишлаб чиқариш ҳаракатларининг репродуктив ва ижодий усулларини шакллантириш;

- муҳим касбий-педагогик сифатларини ривожлантириш (хамдардлик, болаларни севиш ва бошқалар), касбий ва шахсий ўз-ўзини ривожлантириш эҳтиёжини юзага келтириш ҳисобланади.

Илмий манбаларда педагогик кадрларни тайёрлашнинг таълимий кадриятлари гуруҳида ўз-ўзини такомиллаштиришнинг омиллари - ўз-ўзини такомиллаштиришга янгича ёндашув, мустақил таълим олиш, мустақил билим олиш, шахсий қобилиятларни намоён эта олиш, ижтимоий-касбий мустақиллик, мустақил билим олиш стратегияси, режалаштириш ва ўзини бошқариш, ўзини тарбиялаш, ўзини-ўзи касбий-шахсий жиҳатдан такомиллаштириш, мустақил билим олиш манбалари, шакли, метод, усул ва воситалари, уларнинг турли-туманлиги, улардан самарали фойдаланиш ва хоказолар ҳисобланади.

Таълим жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчилари мустақил таълим орқали куйидаги вазифаларни белгилаб олиши лозим:

- мустақил таълим олиш;
- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- Керакли, муҳим маълумотларни излаб топиш, эн мақбул усул ҳамда воситаларни аниқлаш;
- Ахборот-русурс манбалари ва манзилларидан самарали тарзда фойдаланиш;
- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий хужжатлар билан ишлаш;
- электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш;
- интернет тармогидан мақсадли фойдаланиш;
- мобил технологиялар асосида мустақил таълимни ташкил этиш;
- ўз фаолиятини инновацион ёндашув асосида ташкил қилиш кўникмасини эгаллаш;

- умумий ва хусусий компетенцияларни эгаллашга йўналтирилганлик.

Ўқув жараёнида мустақил таълимни ташкил этишда талабаларнинг назарий ва амалий тайёргарлик даражасини ҳисобга олиб, қуйидаги шакллардан фойдаланишлари мумкин: фаннинг маълум бир мавзуларини керакли адабиётларни ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув адабиётлари, манбаларидан фойдаланиш; (битирув) малакавий иши учун материаллар тўплаш; амалиёт давомида мавжуд бўлган муаммоларнинг ечимларини топиш, тестлар, мунозарали саволлар ва топшириқларни тайёрлаш; илмий тезис мақола, ва маъруза матнини тайёрлаш; тавсия килинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш; фанни ўқитишдаги инновациялар, педагогик технологиялар ҳамда илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва бошқалар.

Талабаларида мустақил таълимни самарали ташкил этишда:

- тизимли ёндашиш;
- барча босқичларни мувофиқлаштириш ва узвийлаштириш;
- ташкил этиш ва назорат қилиш механизмларини такомиллаштириб бориш зарур.

Талабаларнинг мустақил таълим жараёни инновацион ёндашувга кўра такомиллаштириб борилган ахборот-услубий таъминотга асосланиши лозим. Талабаларининг мустақил таълим натижасида-меъёрий ҳужжатларни ўрганиш ва улар асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш, педагогик жараёнларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, сифат ва самарадорлигини оширишга тизимли ёндашувни жорий этиш, талабаларнинг ўқув фаолиятини такомиллаштириш, талабалар учун зарур ва қулай бўлган таълим муҳитини вужудга келтирувчи ахборотларни тўплаш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг инновацион моделларини ишлаб чиқиш каби самарали натижаларга эришилади.

Бу босқичнинг асосий хусусиятлари-шахсга йўналтирилган ўқитишнинг концептуал асосларини, касбий тайёргарлик сифатини оширишга эмас, балки талабаларнинг ижодий ўз-ўзини фаоллаштириши, ўз-ўзини аниқлаш ва ўз-ўзини тарбиялаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган янги педагогик технологияларни ишлаб чиқиш. Бу жараёнда талабаларнинг мустақил таълимига муҳим ўрин берилди.



Умумқасбий фанларни ўрганишда талабаларнинг мустақил таълимни фаоллаштириш концептуал моделини қуришда биз педагогик моделлаштириш тамойилларига амал қиламиз-булар илмий тадқиқотни амалга оширишда тадқиқотчининг қуйидаги асосий ғояларидир: педагогик моделлаштириш-педагогик категориялардан бири; у таниқли педагогик мунтазамликка асосланган ва педагогик муаммоларнинг муайян аудиторияни хал қилишнинг энг умумий стратегиясини тавсифловчи асосий меъёрий қоидадир. У педагогик назарияни ривожлантириш учун тизим шакллантирувчи омил сифатида ҳам, унинг самарадорлигини ошириш мақсадида педагогик амалиётни узлуксиз такомиллаштириш мезони сифатида ҳам хизмат қилади.

Концептуал моделни яратиш тамойиллари келажакдаги мутахассиснинг ҳаракатлари контекстида кўриб чиқилади, бу аъёна ўз моҳиятига кўра педагогика фанининг мазмуни ва вазифаларига мос келиши керак, педагогика фаолият билан шуғулланади ва охир-оқибат таълимни қандай қурш, амалга ошириш ва такомиллаштириш ҳақида норматив билимларни беради.

Педагогик тамойилларнинг вазифалари турличадир. В.С.Безрукова функцияларни қуйидаги педагогик тамойилларга таксимлади:

- биринчидан, улар батафсил ва ахборот мақсадлари билан одатда ихчам шаклда ифодаланади;

- иккинчидан, педагогик жараённи қуриш учун қўлланиладиган тамойиллар, яъни мазмун, метод, восита, шакл ва улар ўртасидаги муносабатларни танлаш;

- учинчидан, принциплардан таълим муносабатларининг самарадорлиги мезонлари сифатида фойдаланилади, уларнинг иштирокчилари ривожланишини таъминлайди;

- тўртинчидан, улардан педагогик жараённинг ўзини ривожлантиришда қонуният сифатида фойдаланилади [26, 20-бет].

Тамойилларни танлашда, биз қуйидаги омилларга таянамиз:

• объективлик - ҳар бир тамойил объектив мавжуд педагогик воқелик асосида шакллантирилиши лозим;

• йўналтириш - тамойилнинг муайян аудитория педагогик зиддиятларни хал этишга йўналтирилиши, педагогик вазифаларни хал этиш, педагогик фаолиятнинг умумий стратегиясини шакллантириш;

- тизим - ҳар бир тамойил педагогик тизимнинг барча таркибий қисмларига (унинг мақсадлари, мазмуни, воситалари, ўқитиш усуллари ва шаклларига нисбатан анча аниқ талаблар қўйиши керак);

- аспект - янги шакллантирилган тамойил янги ёндашувлари, ўқув жараёнини такомиллаштиришнинг янги имкониятларини очиб бериши керак;

- ҳар бир тамойилнинг амалга оширилиши умуман таълим тизими самарадорлигини сезиларли даражада ошириши лозим.

Умумқасбий фанларни ўргатишда талабаларнинг мустақил таълимини фаоллаштириш тамойиллари сифатида узвийлик, ривожланиш ва қасбий компетентликнинг қуйидаги жиҳатларини аниқлади, узлуксизлик тамойили қасбий таълим тизимининг етакчи тамойилларидан биридир. Бизнинг алоҳида мустақил таълимни фаоллаштириш учун концептуал моделларни шакллантиришимиз, узлуксиз таълимнинг турли босқичларида таълим муаммоларни ҳал қилиш, мақсадларни белгилаш, ўқитиш усул ва шаклларини ўз ўрнига қўйиш орқали амалга ошириш мустақил таълимни ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга.

Ю.А.Кустов олий таълимда педагогик ҳаракатнинг узлуксизлигини ҳисобга олиб, XX асрнинг ўрталаридан бошлаб ўқитишда узлуксизлик тамойилининг моҳиятини ретроспектив тавсифлаб берди. В.Г.Ананиев ёзишича, “Ўқитишни узлуксиз амалга ошириш - асосий фанларни ўрганишда талабаларнинг эгаллаган билимлари тизимининг вақт эволюциясидир” [59, 17-бет].

Ю.А.Кустов қайд этишича, педагогик жараённинг узлуксизлиги ва яхлитлигини таъминлаш зарурати, унинг натижалари ва фойдаси бўлмаган ҳолатлар ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилиш ҳисобланади [59, 19-бет]. Узлуксизлик тамойили ўқув материали мазмунининг тузилишини қайта қуриш ва ўқув жараёнининг чизикли-дискрет табиати зиддиятларини бартараф этишга қаратилган ўқитиш усулларини оптималлаштириш қонуниятларини акс эттирувчи дидактика категорияси бўлиб, бу қонуниятларни таълим, ривожланиш ва таълим мақсадларига қараб амалга ошириш йўлларининг ўзгаришини характерлайди [59, 20-бет].



Умуман олганда, талабаларни педагогик мустақил билим олишга тайёрлашнинг асосий мақсади - уларда ушбу таълимда чуқур англаб етилган кизиқиш, талаб ва маҳоратларини, кўникма ва қобилиятларни педагогик маданиятни такомиллаштиришга йўналтириш омили сифатида шакллантиришдан иборат. Таълимнинг ҳозирги замонавий тушунчасини шахснинг турли хил қобилиятларини шакллантириш, уларни амалга ошириш ва маҳсулдорлиги юксак даражаси деб тушуниш керак.

Таълимнинг ҳозирги замонавий тушунчасини шахснинг турли хил қобилиятларини шакллантириш, уларни амалга ошириш ва маҳсулдорлиги юксак даражаси деб тушуниш керак.

Бугунги кунда ҳар бир таълим олиш вазиятида шахсни ва индивидуалликни ривожлантирувчи ташкил этувчилари ҳамда унинг ўзини ривожлантириши учун шароитлар муҳим бўлиб қолмоқда. Таълим жараёнида мустақил билим олишнинг устунлиги янада ортиб бормоқда. Шiori пайдо бўлади: (таълимнинг инсонпарварлаштирилиши, демократлаштирилиши ва табақалаштирилиши мазмуни ана шундадир).

Демак, талабаларнинг мустақил билим олишлари жараёнида мутахассиснинг шахсини тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш содир бўлади, биринчи навбатда - интеллектуал, интеллектуал-ижодий, фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, ўқитувчи касбини танлашда ижтимоий бурч ҳиссини тарбиялаш, касбий ўзини такомиллаштириш зарурлигини англаб етиши содир бўлади.


Функционал мазмунда - бу психологик-педагогик билимлар билан боғлиқ идрок этиш фаолияти турларидан биридир. Ниҳоят педагогика ўқув юртлари талабаларининг мустақил билим олишлари - бўлажак ўқитувчи шахсини ҳар томонлама ва тўла ривожлантириш масаласини ҳал этишнинг зарур шартидир.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларнинг касбий-педагогик мустақил билим олишларига қуйидагилар сифатида қаралади: касбий ўзини ҳаракатлаштириш фаол шакли, унинг натижасида фақатгина касбий мустақил билим олиш бўлмаган англаб етилган талаб юзага келади яъни ўқитувчи шахсини ижодий тарбиялаш жараёни сифатида.



Мустақил тафаккурни шакллантириш жараёни мустақил таълимнинг асосий қисми ҳисобланади. Мустақил тафаккурга онд муаммолар билан устида кўпгина психолог олимлар Н.А.Менчинский, Н.Ф.Талызина, М.А.Кабанова – Миллер ва бошқалар тадқиқот олиб борганлар.

Талабалар томонидан бажариладиган мустақил ишларни бир қанча турларга ажратиш мумкин (1.4-расм).



**1.4- расм. Талабалар мустақил таълими турлари**

Олий таълим тизимида ахборот технология коммуникациялари ва рақамли технологияларнинг тобора кенг қўлланилишини эътиборга олган ҳолда, талабалар мустақил таълимини фаоллаштириш учун электрон шаклдаги мустақил таълимни бажариш турларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунда



талабалар электрон шаклдаги кўйидаги мустақил иш турларини бажариши мумкин бўлади:

**Link** – интернет ҳаволасини очиб унда келтирилган видео ёки матн шаклидаги материални белгиланган ҳажмда изоҳлаш;

**Chart** – жадвал, диаграмма ва схемаларни чекланган ҳажмда таҳлил қилиш;

**Q/A** – масофавий таълим платформаси ёки мобил иловаларда ўқитувчи томонидан берилган саволларга белгиланган ҳажмда ёзма жавоб бериш;

**SWOT** – фан бўйича бирор тушунчани чекланган ҳажмда SWOT-таҳлил қилади;

**Report** – лаборатория машғулоти бўйича ҳисоботларни масофавий таълим платформасига киритиш;

**Interview** – муаммони ҳал қилиш бўйича суҳбатлар ташкил этиш ва уни масофавий таълим платформасига жойлаш;

**Google Apps** – Google Classroom платформасида ҳамкорликда слайдлар, жадваллар, матнлар шаклидаги топшириқларни бажариш;

**Дайжест** - берилган мавзу бўйича интернет-ҳаволалар жамланмасини келтириш, картотека тузиш ва уларнинг қисқача изоҳини ёритиш.

Бундан ташқари ўқитувчи фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб, талабаларга турли компьютер ўқув-дастурлар (MatLab, CorelDRAW, AutoCad, Excel,) ёрдамида электрон тарзда бажариладиган мустақил иш топшириқларини ҳам бериши мумкин.

Назарий жиҳатдан мустақил таълим олишнинг технологик асослари бугунги кунга қадар ҳам тўла ривожланмаган. Шунингдек, бу борада терминологик чалкашликларга тобора кўпроқ йўл қўйилмоқда. Айни вақтда “мустақил таълим олиш”, “ўз-ўзини тарбиялаш”, “мустақил ўқиш” тушунчаларидан синонимлар сифатида фойдаланилмоқда. Қуйида “мустақил ўқиш” тушунчасининг моҳиятини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Мустақил билим олишда автономлик - ўқиш мақсадлари, тамойиллари, мазмуни, методи ва воситаларини аниқлаш ҳамда танлаш, уларни қийналмасдан ва ташқи таъсир ёрдамсиз амалга ошириш қобилиятидир.

Мустақиллик – шахснинг алоҳида хусусияти, лаёқати, фаоллиги диққатини жамлаш қобилияти, қўйилган мақсадга эришиш йўлида бор кучини сарф этиш каби сифатлари бирлиги. Мустақиллик ҳолати намоён бўлган, бироқ автономлик хусусияти кўзга ташланмаса бу ҳол мустақил билим олишни эмас, балки муаммоли ўқитишнинг мавжудлигидан далолат беради. Демак, автономлик – мустақил билим олишдан фарқ қилувчи, моҳиятли белги ҳисобланади. У ўқув ва касбий фаолият мустақиллигини белгилайди. Бу сифатлар ўқув-педагогик топшириқларнинг турли вариантларини тушунишда ва мавжуд ҳолатни танқидий баҳолашда намоён бўлади. Мустақил билим олишнинг муваффақиятли ривожланиши кўп жиҳатдан ўз-ўзини бошқариш қобилиятининг ривожланиши билан боғлиқ. Мустақил билим олишда дидактика тамойиллари ҳамда назария ва педагогик технологиялар асосий ролни ўйнайди.

Мустақил билим олиш сабабларининг ривожланиши субъектни фаолиққа ундайди ва шу билан бирга унинг олдига - мустақил билим олиш қандай бўлиши керак деган саволни қўяди. Мустақил ўқиш педагогик технологияга нисбатан жиддий талабларни қўяди. Ўқитувчи ва талаба ҳамкорлигидаги фаолиятнинг якуни олдиндан аниқ бўлган ўқитиш жараёнидан фарқли равишда мустақил билим олишда субъект аниқ бўлмаган ва олдиндан режалаштирилмаган натижани қайд этиши керак, яъни билим, малака ва кўникмаларнинг аниқ ҳажмини ўзлаштириши керак.

Мустақил билим олиш технологияси ва мустақил билим олиш сабаблари бир-бири билан боғлиқдир: аниқ натижага эриша олишига ишонмаслик талабани мустақил билим олишдан ҳар қандай бошқа сабаблардан кўра кўпроқ кўнглини совутади. Мустақил билим олиш технологиясини яратиш бир неча алоҳида муаммоларни ҳал этишни кўзда тутаяди. Улар орасида мунотазам билим олишнинг мақсадини қўйиш муаммоси алоҳида ажралиб туради. Агарда таълим олиш умумий ривожланишни таъминлашга хизмат қилса, мустақил билим олишнинг мақсади эса – касбий шаклланиш ёки касбий малакасини ривожлантириш, ўстириш ҳисобланади.

Агар талабага қўйилмаганда юқори даражадаги мустақилликни намоён этган ҳолда топшириқларни бажариш талаб этилса, у ҳолда талаба



топшириқларни бажара олмаслиги мумкин, натижада ўз кучига бўлган ишончни йўқотади. Бундай ҳолат содир бўлмаслиги учун дастлаб топшириқларни шу таҳлитда бериш керакки, натижада субъект топшириқнинг бирор қисминигина мустақил бажарсин, сўнгра ўқитувчи билан биргаликда натижаларининг тўғрилигини таҳлил қилиб чиқсин.

Ўрганилаётган муаммонинг назарияси қуйидагиларни талаб этади:

- мустақил билим олиш, ўзини тарбиялаш, ўзини такомиллаштириш каби ва бошқа "ўзини"- категорияларининг моҳиятларини кўриб чиқиш; сабаблилик, асослаш, ўқув қизиқиши. Ўрганишга қизиқиш; идрок этиш мустақиллиги. Фаоллиги, фаолияти; шахснинг ривожланиши жараёнини назарий тушуниб этиш; кўрсатиб ўтилган категориал тушунчаларни ўрганилаётган муаммога нисбатан кўрсаткичлари ва ўлчовларини ишлаб чиқиш: бўлажак касб таълими ўқитувчиларни мустақил билим олишга қизиқиш, талаб, малака, кўникма ва қобилиятларини шакллантириш, ривожлантириш, такомиллаштириш омиллари, йўллари, шартлари ва рағбатларини аниқлаш;

- талабаларни мустақил билим олишга тайёрлаш бўйича педагогик ўқув юртлари умумқасбий фанлари ўқитувчиларига талабларни ишлаб чиқиш;

- талабаларда педагогик мустақил равишда билим эгаллашга қизиқиш, талаб ҳамда қобилиятни - педагогик этика-эстетика, маданиятни шакллантиришга чорловчи омил сифатида шакллантиришдан иборат.

Муаммони бартараф этишнинг педагогик жиҳати - талабалари бўлажак ўқитувчи бакалаврлардан педагогик такомиллаштиришни, касбий ўқитишни чуқурлаштиришни, педагогик малакасини оширишни талаб қилади, бўлажак ўқитувчи бакалаврларни педагогик такомиллаштириш (касбий-ўрганиш қизиқишлари талаблари, амалий тайёргарлиги ва педагогик тажрибаси асосида).

Мустақил таълим бўйича тестлар, турли топшириқлар ва амалий машқлар устида ишлаш каби жараёнлар асосан мустақил равишда бажарилади. Бу ишларнинг натижалари эса аудиторияда (амалий ва лаборатория) машғулотларида устозлар раҳбарлиги остида таҳлил қилинади ҳамда баҳоланади.

Мустақил билим олиш технологияси ва мустақил билим олиш сабаблари бир-бири билан боғлиқдир: аниқ натижага эриша олишига ишонмаслик талабани мустақил билим олишдан ҳар қандай бошқа сабаблардан кўра кўпроқ кўнглини совутади. Мустақил билим олиш технологиясини яратиш бир неча алоҳида муаммоларни ҳал этишни кўзда тутати. Улар орасида мунтазам билим олишнинг мақсадни қўйиш муаммоси алоҳида ажралиб туради. Агарда таълим олиш умумий ривожланишни таъминлашга хизмат қилса, мустақил билим олишнинг мақсади эса - касбий шаклланиш ёки касбий малакасини ривожлантириш, ўстириш ҳисобланади.

Топшириқларни бажариш жараёнида талабаларда сабабий-ташкилий (ўқув фаолиятини мустақил ташкил этишнинг қадриятли йўналишлари, билим, малака ва кўникмалари), мазмунли-процессуал (ўқув фаолиятининг моҳиятини билиш ва бу фаолият муваффақиятли бўлишини белгиловчи шахсий сифатларни ривожлантириш) ва текшириш-баҳолаш (мустақил билим олишда зарур саналган шахс сифатларни ўзи баҳолаш) каби кўникмаларнинг шаклланиши мустақил билим олиш жараёнида мажмуавий равишда шаклланиб боради.

Шунингдек, тадқиқотимиз давомида касб таълими йўналиши талабаларига ўқитиш амалиётида талабаларнинг мустақил таълимини фаоллаштириш усуллари ва методлари тизими қўлланилиб, таълимда ижобий мотивациянинг шаклланишига, талабаларнинг ўқув материали сифатига таъсир этувчи дарсларга бўлган кизиқишининг муваффақиятли ривожланишига ёрдам берди. Улар ижодий тамойилларга асосланиб, ижодий салоҳиятини ривожлантиради. Талабаларга ўз ижодкорлигини, ўзларини ташқи томондан кўра билиш ва ўз нуқтаи назарини ягона деб ҳисобламасликка ёрдам беради; ўз хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини тартибга солиш қобилияти ва ўртоқларнинг хатти-ҳаракатлари назорат қилишни ўрганишади. Ўқитувчи талабалар эркин, психологик зўриқишсиз, касбий компетенцияларни шакллантириш устида иш олиб борганида аудиторияда қулай психологик иқлимга эришиш, талабалар ишини фаоллаштириш учун турли методлардан фойдаланиш имконига эга.

Инновацион педагогик технологияларни ўрганишга ундовчи восита сифатида қўллаш орқали ўқув кўрсаткичларининг сифатини ошириш мумкин: фаолиятнинг янгилиги, ижодий фикрлашни рағбатлантириш; тайёргарликнинг интенсивлигини ошириш; талабалар ишининг индивидуал суръатини таъминлаш имконини берувчи ахборот ва умумий маданият билан таништириш. Бирок, мустақил таълимни фаоллаштиришнинг замонавий усул ва технологияларига кизиқар эканмиз, бугунги тарбиявий воқеликнинг тескари муаммоси ҳам борлигини унутмаслигимиз керак: бугун ўқув жамияти абитуриентларимизнинг ўқитиш сифати пастлигидан узок вақтдан буён ташвишдалар. Шунинг учун талабаларни ривожлантириш усул ва технологияларида янгиликларни қўллаш ва уларнинг профессионал таълимдаги муваффақиятлари масаласи ана шу ҳақиқатни ҳисобга олишни талаб этади. Баъзи тадқиқотчилар репродуктив таълим усуллариини пассив нарса деб билдилар. Бундай ҳолда, “заиф” ва “ўртача” талабанинг шахсий қобилиятлари ҳақида фикрларини билдиришган. Уларнинг репродукцион фаолияти илгари ўтилган материални қайта-қайта такрорлаш, турли хил вазифа ва машқларни бажариш орқали амалга оширилади. Шунинг учун муайян аудиторияда

талабаларнинг мустақил таълимни бошқариш усулларини танлашда биз доимо талабаларимизнинг индивидуал имкониятлари ва хусусиятларини ҳисобга олиш муҳимдир. Бунинг учун эса уларнинг фаолиятини ташкил этишнинг анъанавий усулларидан воз кечмаслик лозим. Юқорида баён этилган усуллар тизимини қўллаш нафақат ўқув материалининг муваффақиятли ривожланишига, балки дарсда янги психологик иқлимни яратишга, муваффақиятга эришиш ҳолатини яратишга, ўрганишда ижобий мотивацияни шакллантиришга, касбга бўлган қизиқишни оширишга, хабардорликни оширишга, инсон кадриятларини шакллантиришга, ижодкорлик ва мустақилликни ривожлантиришга ёрдам беради.

Қўлланиладиган методлар тизими турли даражадаги ўқув қобилияти талабалар контингентига қўлланилганда ўзини яхши исботлаган. Бундай усул ва методлардан доимий фойдаланган ҳолда эса бу тизим янада самаралидир. Шунинг учун талабаларнинг мустақил таълимни фаоллаштириш замонавий усулларини таълим жараёнига жорий этиш ишлари тизимда амалга оширилиши, талабаларни янги таълим муҳитида одатий фаолият сифатида тизимли инновацион ишларга ўргатиш лозим. Таълим жараёни ҳар бир талабанинг интенсив ақлий фаолияти сифатида, унинг хусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда курилади. Бу талабаларнинг фаоллиги ва мустақиллигини муваффақиятли ривожлантириш ҳамда уларнинг билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришдаги ролини ошириш калитидир. Ўқитишни фаоллаштиришнинг стратегик йўналиши узатиладиган ахборот ҳажмини ошириш, назорат тадбирлари сонини мустаҳкамлаш ва оширмаслик эмас, балки ўқитишнинг мазмундорлиги, талабанинг нафақат интеллектуал, балки шахсий ва ижтимоий фаоллиги даражасида унга қўшилиши учун дидактик ва психологик шарт-шароитлар яратишдир.

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ўзгарувчан эҳтиёжлари ва жамият ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг узок муддатли мақсадларига мувофиқ юқори сифатли таълим беришга қаратилган янгиланган таълим тизимини ривожлантириш, таълим мазмунини танлаш тамойилларини ва замонавий алоқа воситаларидан фойдаланишни ўз ичига олади.



Олий таълимнинг ўқув жараёнига замонавий гаджетларнинг жорий этилиши унинг hozirgi bosqichdagi rivojlanishining asosiy xususiyatlarini belgilab beradi. Birinchidan, ta'lim mazmunini tanlash tamoyillarini ўzgartirishni nazarda tutadi, ya'ni OTMda ўqish jara'oni talabalar mustaqilligini yuqori darajada ta'minlashi kerak, ikkinchidan, talabalarning mustaqil faoliyatini faollashtirishga erdam beruvchi ta'lim jara'onida samarali o'qitish vositalari va texnologiyalaridan kengroq foydalaniшни talab qiladi.

Talabalarning bosh faoliyatini faollashtirish va ta'lim sifatini oshirishga kumaklashuvchi mustaqil ta'lim oliy ta'lim amaliyotida dolzarb muammo hisoblanadi. Talabalarning mustaqil ta'limini faollashtirishda etakchi urun mustaqil ta'limning motivatsion, texnologik va шахсий-ijodiy komponentlarini ishlab chiqishga tegishlidir.

Foydalaniладиган tashkil etish shakllarini aniqlash va talabalarning o'quv jara'onidagi mustaqil ta'limni faollashtirish maqsadida o'quv mashg'ulotlarini kuzatish tashkil etildi. Kuzatishlar davomida quyidagi ma'lumotlar kайд etildi:

✓ talabalarning mustaqil ishlarini faollashtirish uchun o'qituvchilar tomonidan zamonauiy kompyuter asosida o'qitish vositalaridan foydalaniш;

✓ o'qituvchi tomonidan talabalarning mustaqil ishlarini talab qiladigan topshiriqlardan foydalaniш;

✓ talabalar vazifalarni bajarish uchun mikroprocessor texnologiyasi asosida texnik qurilmalardan foydalaniш.

Talabalarning o'quv faoliyatiga nisbatan o'qituvchi tomonidan muayyan talablarning kuyishi ularning mazmunini boyitadi. Pedagogik hamda texnik-texnologik mustaqil ishlarini bajarishda topshiriqlarning berilish shakli esa oldin uzlashtirilgan namuna buyicha xulosalar chiqarishni kuzda tutuvchi boshqaruv topshiriqlari va masalalarining bajarilishi sanaladi.

Talabalar tomonidan gadjetlar va kompyuter texnikasidan kundalik foydalaniшning shakllangan tajribasi talabga javob bermaydi, ularдан

касбий-таълимий вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланиш тажрибасини ривожлантириш кийин (2. 1-жадвал).

2.1-жадвал

**Ахборотни қайта ишлашда замонавий технологиялардан фойдаланиш**

Гуруҳлар	Ахборот кидирув	Ахборотга ишлов бериш				
		Матн	Жадвал	Аналитик модуллар	Махсус дастур	Ишлатилмайди
Тажриба 1 (смартфонлар, планшетлар)	100%	100%	100%	55%	12%	0%
Тажриба 2 (ноутбуклар ва интернет)	100%	100%	96%	32%	3%	1%
Назорат гуруҳи (чекланган компьютер ва интернетдан фойдаланиш)	78%	96%	56%	6%	0%	4%

Кузатишлар натижалари шуви кўрсатадики, кўпчилик ўқитувчилар талабаларнинг мустақил таълимни ташкил этишда замонавий техник қурилмаларнинг имкониятларидан анча пассив фойдаланадилар. Энг оммабоп шакл-ахборот излашдир (2.1-жадвал). Бу ўқитувчи талабанинг диққатини тушуниш, мустаҳкамлаш, билим олиш, умумлаштириш ва тизимлаштиришга қаратмайдиган вазифаларни танлашида намоён бўлади, бу эса мустақил ишнинг фаол хусусиятини тўлиқ кўрсатмайди. Ўқитувчиларнинг муаммоси шундаки, улар талабаларни олдиндан шаклланган ва қайта ишланган ахборотга қаратадилар ва унга босқичма-босқич деталли таҳлил алгоритмларининг чекланган тўпламини қўллайдилар, билишнинг ижодий элементини чеклайдилар.

Турли мутахассисликлар бўйича талабанинг сўрови натижасида мустақил иш жараёнида дуч келаётган бир қатор қийинчиликлар аниқланди:

76% талабалар ўз мустақил ишлари давомида топшириқларни тушуниш ва топшириқларни бажариш учун зарур бўлган материални топишда қийинчиликларга дуч келадилар;



92% талабалар дарсдан ташқари мустақил ишларни бажаришда кийинчилик туғилганда ўқитувчилардан ўз вақтида маслаҳатлар олишни хоҳлайдилар:

35% талабалар билимларни шакллантириш ва ривожлантириш, умумлаштириш ва тизимлаштириш мақсадида мустақил ишларни кенгайтириш тарафдори эдилар:

56% респондентлар талабаларнинг мустақил таълимни фаоллаштириш ва ўқитувчилар билан дарсдан ташқари ҳамкорлик ва консултация ташкил этиш учун замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан, коммуникация имкониятларидан фойдаланиш зарурлигини қайд этадилар:

100% талабалар мустақил таълимни ошириш учун интернет ресурслари ва электрон материаллардан фойдаланишни ижобий қайд этдилар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, мустақил таълимни ташкил этишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга ўқув юрларининг паст, айрим ҳолларда техник жиҳозланиши ва ўқитувчиларни техник воситаларнинг замонавий турларидан фойдаланишга етарли даражада ўргатилмаслиги тўсқинлик қилади. Натижада талабалар мустақил таълимни фаоллаштиришнинг янги шакллари ўзлаштирилмай қолади.

Талабаларнинг мустақил таълимни ташкил этиш, қайта ишлаш ва билим олиш учун замонавий технологиялардан фойдаланишга муносабати, мавжуд кийинчиликлар сўров натижалари билан аниқланди. Талабалар мустақил ишларни ташкил этишга тавсиф бериб, ОТМда мустақил ишларни ташкил этишнинг замонавий шаклларида фойдаланиш имкониятларини аниқлаш имконини берди.

Талабаларнинг мустақил таълимни ташкил этишда фаоллаштирувчи компонент сифатида икки турдаги интернет ресурсларидан фойдаланилди: ижтимоий тармоқлар ва ўқув интернет ресурслари (2.2-расм).



**2.2-расм. Интернет ресурсларидан фойдаланиш орқали талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш**

Талабаларнинг билим фаолигини ошириш учун замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш мустақил равишда ахборотни олиш, қайта ишлаш ва тақдим этишнинг амалий муаммоларини ҳал қилишга талабалар томонидан индивидуал ёки гуруҳли тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш, уларни тақдим этиш ва ҳимоя қилиш; вебинарлар-маърузалар; вебинарлар-семинарлар; лойиҳаларни ҳимоя қилиш бўйича видео конференциялар қаратилган.



Талабалар мустақил таълимни жадаллаштиришнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлашда жамиятнинг ижтимоий тартибини, олий касбий таълимнинг давлат таълим стандартини, психологик-педагогик адабиётларда муаммонинг қай даражада эканлигини, талабалар мустақил ишини фаоллаштириш мезонлари ва даражаларини ўз ичига оламиз. Аниқланган педагогик шарт-шароитлар модел фаолиятининг самарадорлигига ёрдам беради.

## **2.2. § Мустақил таълим - талабаларни касбий шакллантириш жараёни моделининг муҳим концепцияси сифатида**

Бугунги кунда таълим тизими ривожланишнинг замонавий босқичида моделлаштириш катта аҳамиятга эга. Таълим парадигмаларидаги туб ўзгаришлар натижасида инновацион дидактик тизимларни моделлаштиришга янги талаблар пайдо бўлмоқда.

Модел ва моделлаштиришнинг тадқиқот методи сифатида ўзига хослиги С.И.Архангелский [18], В.П.Беспалько [28], К.Я.Вазина [32], В.В.Давидов [36], В.В.Краевский [57], С.М.Маркова [64] ва бошқаларнинг ишларида фаолиятли ёндашуви доирасида В.В.Давидов [36], И.Я.Лернер [62] ишларида, мутахассиснинг касбий ва шахсий шаклланиш назарияси доирасида — Ю.Н.Петров [79] ишларида тадқиқ қилинган.

Педагогик фанларни ўқитиш амалиётида “моделлаштириш”нинг методологик аҳамияти таълимий фаолиятнинг мазмунли томонини тавсифлайди ва фаолиятнинг мақсад, восита, методлари ва шаклларида пайдо бўладиган янгиликларни ақс эттиради. Бу ҳолатда моделлаштириш педагогик фаолиятнинг муҳим ва ўзига хос тури сифатида иштирок этади, тадқиқот, лойиҳалаш, башорат қилиш ва режалаштириш билан ўзаро боғлиқ.

Дидактик тизимларни моделлаштириш аввалида илгарилаб боровчи тахминлар (модел кўринишида), сўнгра уни амалга ошириш йўли билан янги педагогик, дидактик, методологик ва технологик таълим тизимларини мақсадга мувофиқ яратишни назарда тутадн. Педагогик фаолиятнинг янги моделларини куриш учун Л.Г.Шедровский фикрига кўра, билиш керак: керакли

маҳсулотнинг тури ва характери, дастлабли материалнинг тури ва характери, ўзгартириш учун керакли куроллар ва воситалар, алоҳида амалга оширилиши керак бўлган ҳаракатлар характери, уларнинг тартибини такомиллаштириш [123].

Моделлаштириш – абстракт тафаккурга асосланган назарий ва когнитив жараёндир. Педагогик тадқиқот предмети бўлган педагогик воқеликнинг ўзига хос хусусиятларига қараб педагогикада турли моделлардан фойдаланилади.

Моделга бўлган эҳтиёж, объектнинг ўзини ўрганиш имконсиз, кийин бўлса, жуда узок вақт талаб қилганда пайдо бўлади. Шу билан бирга моделлаштириш-ўрганилаётган объект, ҳодиса ва жараёни акс эттириш ва такрорлашдан иборат бўлган воқеликни билиш усулидир. Модел билан ўрганилаётган тизим ўртасида қандайдир ўхшашлик бўлиши керак.

Моделлаштириш умумий илмий метод сифатида, илмий педагогик тадқиқотларда кенг қўлланилади. “Педагогик назариянинг қурилиши ва ундан ўқув амалиётига ўтиш педагогик воқеликнинг моделлари сифатида идеаллаштирилган объектларни шакллантириш билан боғлиқ. Педагогик амалиётни илмий асослаш тизимида бундай ўтиш назарий моделдан меъёрий соҳага фикрни билиш ҳаракати сифатида намоён бўлади”.

Моделлаштириш методини тадқиқотимизда қўллаш, педагогик воқелик каби хилма-хил ва бетакрор, тадқиқотларда топилган моделларнинг хилма-хиллиги ҳам шундай деб тасаввур қиламиз.

Моделлаштириш тартиби бир неча босқичларни ўз ичига олади:

- тадқиқот объекти ҳақида тўпланган билимларни янгилаш;
- мавжуд моделлар орасидан ўрганилаётган объектнинг моҳиятини энг муносиб тарзда акс эттирадиганларини танлаш.

Агар бундай объектни танлаш кийин бўлса, у ҳолда янги модел яратилади. Кейинги босқичда моделни бевосита ўрганиш амалга оширилиб, у ўрганилаётган объект ҳақида янги билимлар олиш билан яқунланади.

Тадқиқот ишимизни бажариш давомида биз, модел тушунчасига бир қатор педагог олимлар томонидан берилган маълумотдан фойдаланамиз: Модел деганда тадқиқот объектини акс эттириб ёки қайта ишлаб уни ўрганишни бизга



объект ҳақида янги маълумот берадиган фикрий тасаввур ёки маълумотни амалга оширадиган тизим тушунилади.

Кўпгина тадқиқот ишларида таъкидланишича барча моделлар куйидаги аниқ умумий чизгиларга эга: моделлаштирилган предметга тизимли ва тузилмалли нуқтан назардан караш; ўрганилаётган объектга мос шажарани тасвирлаш; тадқиқот олиб бориш учун қулай бўлган даражалар мажмуасининг мавжудлиги билан баҳоланади.

Ҳар доим аниқ моделлаштириш объекти таҳлил қилингани учун, унга уни бошқа объектлардан фаркланувчи ва модел акс этган индивидуал характеристикалар хос бўлади. Ҳар қандай моделда ижод, эвристика ва ҳатто фантазия элементлари мавжуд бўлади.

Моделлар куйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак: қўллашнинг соддалиги, оддийлик, баёнининг аниқлиги, ифодалилиги билан энг муҳим характеристикаларни қамраб олиш. Педагогик моделлар максимал даражада дидактик объектларни қамраб олиши ва ўқитишнинг шароитлари, мазмуни, методлари, шакллари тасвирлаш имконини беради.

Бу бўлимда дидактик модел яратиш тамойиллари муҳокама қилиниб, умумқасбий фанларни ўрганишда талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштириш учун дидактик модел тузилади, моделнинг ҳар бир компонентини таҳлил қилади ва унинг мазмунини тавсифий геометрия мисолида очиб беради.

Умумқасбий фанларни ўрганишда талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштириш учун биз томонидан ишлаб чиқилган назарий моделни амалга ошириш мустақил ишни фаоллаштириш учун дидактик модел билан ифодаланиши мумкин, чунки биз ҳар қандай концепцияни яратиш жараёнини амалга ошириш жараёнидан ажратиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.

Дидактик моделнинг асосий қоидалари куйидаги тамойилларда келтирилган.

Ривожланиш тизимини кўриб чиқиш имконини берувчи *интеграция тамойили*. Интеграция - билим бирлигига эришиш воситаси. Унинг

ифодаланишининг барча шакл ва турларида: мазмун, таркибий, маънавий-гноссологик, ташкилий ва умумий усул.

Доминантлик тамойили-умумкасбий таълимнинг фанлараро мазмунининг алоҳида компонентларини бирлаштирувчи семантик доминантликни ташкил қилади. Унда билим методлари, илмий методлар, фанлараро тушунчалар, ғоялар, қонунлар, назариялар ва тушунчалар бўлиши мумкин. Демак, мутахассиснинг умумкасбий тайёргарлиги ўзига хос хусусиятларга мувофиқ амалга ошириладиган ҳар бир ўқув интизомини бўлажак мутахассиснинг индивидуал ва касбий компетентлигининг фазовий тафаккурини шакллантиришга қаратилган.

Амалиётнинг устуворлиги тамойили - олий таълимда турли фанларни ўрганиш давомида олинган умумкасбий таълимнинг назарий билимларини талабалар томонидан тушуниш ва қўллашдир.

Умумкасбий фанларни ўрганишда талабалар мустақил ишларини фаоллаштириш дидактик модели концептуал моделнинг асосий таркибий қисмларини ўз ичига олади: тузилмавий-мазмуний, технологик ва баҳоловчи.

Дидактик моделнинг тузилмавий-мазмуний компонентида назарий материални ўрганишда икки турдаги моделлардан фойдаланиш энг мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: тузилмавий-маънавий ва ўзгарувчан тузилмавий-маънавий. Биринчиси йил давомида бутун интизом мазмунини акс эттиради, иккинчиси-интизом бўлими. Ўзгарувчан тизимли ва маънавий схемалар билан ишлашда ўқитувчи талабага ўқув материали элементлари ўртасидаги оддий маънавий, қариндошлик ва вақтинчалик муносабатларни кўрсатиши керак.

Тузилмавий ва маънавий схемаларни яратишда умумлашган муносабатлар ёритиб берилади. Бу боғланишлар талабага маънавий фикр юритиш занжирларини тушуниш ва сақлаб қолишга ёрдам беради, бу эса талабаларнинг техник тафаккурини шакллантиришга ёрдам беради. Талабага таълим этилаётган тузилмавий ва маънавий схемалар икки компонентни ўз ичига олади: ҳар бир интизомни ва ҳар бир мавзунини ўрганиш учун йиллар бўйича мутахассисни ўқитувчиликка тайёрлаш умумкасбий фанлари ва маънавий блоклар. Мазмун компоненти давлат таълим стандартида ўқув



фанлари блоклари мажмуи билан ифодаланадиган мутахассиснинг касбий таълим тартибига мазмуни билан белгиланади. Умумкасбий таълим мазмунини амалга оширишдаги асосий вазифалар. Улар:

- асосий фанлар мазмуни ва уларнинг бўлимлари;
- ўқув фанларининг ўқув йили бўйича таксимооти;
- илмий фанларнинг блоклар ичидаги ўзаро боғлиқлиги;

предмет ва махсус блокларнинг ўқув курсларини умумий маданият ва табиатшунослик фанларига мослиги;

- назарий курслар ва амалиётнинг алоқаси;
- ўқитишнинг самарали шакл ва усулларини топиш;

аудиториядаги ва аудиториядан ташқари ишлар учун ўқув машғулотлари таксимооти;

- талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришнинг янги шакл ва усулларини кидириш.

Дидактик моделнинг технологик компоненти талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш билан боғлиқ. Унинг фикрича, ўзаро боғлиқ икки таркибий қисм мавжуд: ўқув фаолиятининг алгоритми ва талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга ёрдам берувчи дидактик ривожланиш воситаларини аниқлаш. Биринчи компонент, ўз навбатида, ўқитувчининг ҳаракатлари ва талабанинг умумкасбий фанларни ўрганишда талабаларнинг мустақил ишларини амалга ошириш ҳаракатларини кўриб чиқади.

Баҳолаш компоненти талабаларни ўз-ўзини назорат қилиш ва олинган билим ва шаклланган кўникмаларни умумкасбий фанлар бўйича акс эттиришда муҳим рол ўйнайди.

Мониторинг ўқув жараёнининг зарурий таркибий қисмидир. Талабаларнинг билим ва кўникмаларини аниқлаш, ўлчаш ва баҳолаш демакдир. Назоратнинг вазифаси ўқитувчи ва талаба ўртасида фикр-мулоҳаза юритиш, ўқув материалининг ривожланганлик даражаси ҳақида ҳолисона маълумот олиш ҳамда билимдаги камчилик ва бўшлиқларни ўз вақтида аниқлашдан иборат. Назорат қилинадиган ўқув даврининг давомийлигига қараб назорат қуйидагиларга бўлинади: жорий, мавзули, мунтазам ва якуний. Уни амалга

ошириш асосий педагогик функциялари - диагностика, ўқитиш, ташкил этиш, тарбиялаш ва ривожлантириш вазифаларини бажариш билан боғлиқ. Педагогик адабиётларга мурожаат шуни кўрсатадики, дидактикада билимларни назорат қилиш деб тушунилади:

- талабалар тараққиётини қайд этиш учун оммавий фойдаланиш воситаси (С.П. Баранов);
- таълим муассасалари фаолияти устидан давлат назорати (Г.И.Шукина);
- ўқилган материалдан олинган билимларни аниқлашга қаратилган ўқитиш усули (Ю.К.Бабанский, М.Н.Скаткин, ва бошқалар);
- таълимнинг якуний босқичларида таълим жараёнининг мақсадга мувофиқ якуний натижаларини аниқлашга имкон берувчи усуллар ва воситалар билан боғлиқлиги (И.Т.Огородников).

Демак, назорат вазифалари талабаларнинг билим даражасини аниқлаш, янги материални қабул қилишга тайёрлигини белгилаш, талабаларнинг ўқув материални ўзлаштиришдаги қийинчилик ва хатоларни аниқлаш ҳамда мустақил ишларни фаоллаштириш учун фойдаланиладиган метод ва воситаларнинг самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Билимларни назорат қилиш муаммосини, анъанавий усул ва воситаларни ўрганиб, кўп олимлар анъанавий назорат камчиликлари ишора қилди. С.И.Архангелский, ҳолатини аниқлаш ва талабалар билим сифатини баҳолаш муаммоларини текшириш, “ишлатиладиган билим назорат турлари ва шакллари муҳим камчиликлари бор, улар орасида у ахборот ноаниқлик, тарафқашлик ва баҳолаш бир томонлама аниқлади”, деб қайд қилди [18, 174-бет].

В.П.Беспалко баҳоларнинг субъективлиги ва натижаларнинг такрорланмаслиги анъанавий усуллар билан назоратнинг номукамаллигини белгилайдиган асосий нарса эканлигини таъкидлайди ва шу асосда талабаларнинг билимларини субъектив сифат назорати ушбу камчиликларни бартараф этишнинг биринчи ва асосий вазифаси ўқув мақсадлари диагностик таърифи ва объектив назорат қилиш учун материалларни ишлаб чиқиш деб




хисоблайди. Таълимни стандартлаштириш шароитида бу нафақат мақсадга мувофиқ, балки мутлақо зарур бўлиб, исбот талаб қилмайди [28, 73-74-бетлар].

Тадқиқот ишининг методикасини такомиллаштиришда мобил технологиялардан кенг фойдаландик. Айнан талабалар мустақил ишини фаоллаштиришга йўналтирилган таълим тамойиллари (илмийлик, тизимлилик, интегративлик, узлуксизлик, доминантлик, амалиётнинг устуворлиги) методлар (QR-квест таълим, мобил сўров ва овоз бериш, мобил қидирув, мобил викторина, булутли тадқиқот, интерактив видео) ва дидактик воситалар (ижтимоий тармоқлар, масофавий таълим платформалари, мобил илова дастурлари, мобил технологиялар, электрон таълим ресурслари) дан кенг фойдаланилди.

Шундай қилиб, талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштириш учун биз томонимиздан ишлаб чиқилган дидактик моделнинг мазмуни, технологик ва объектив қисмларини умумқасбий фанлар мисолида кўриб ўтамиз (2.3-расм).

Ушбу моделдан кўриниб турибдики, талабалар мустақил таълимини фаоллаштиришнинг дидактик шарт-шароитлари ва ташкил этиш методикаси ишлаб чиқишда биз дастлаб талабалар мустақил таълим олиш турларни аниқлаштириб олдик. Улар қуйидагилардан иборат:

- маъруза тинглаш ва қайд қилиш;
- амалий ишларни бажариш;
- машқлар, топшириклар бажариш;
- ўқув адабиётлари билан ишлаш;
- назорат ишларига тайёрланиш;
- ўз-ўзининг билимини назорат қилиш;
- модель ва намуналар яратиш;
- илмий мақола ва тезислар тайёрлаш;
- реферат, курс иши ва намуналар ёзиш;
- мустақил таълим олишда масофали таълим тизимидан фойдаланиш;
- дарс таҳлили;
- моделлаштириш ва лойихалаш.



2.3-расм. Талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришнинг дидактик модели



Булардан ташқари биз талабалар мустақил таълимни фаоллаштиришда ижтимоий тармоқлар, масофавий таълим платформалари, мобил илова дастурлари ва мобил технологиялар асосида қуйидаги бир қанча мустақил таълимнинг электрон турларидан (Link, Chart, Q/A, SWOT, Report, Interview, Google Apps, Дайжест) ҳам фойдаландик.

Шунингдек, талабалар мустақил таълимни фаоллаштиришнинг дидактик шарт-шароитларини ишлаб чиқишда қуйидагилардан фойдаландик:

1. Талабаларда мустақил ишлаш компетенцияларини аниқлаш;
2. Мустақил ишларни фаоллаштиришга йўналтириш;
3. Мустақил ишларни фаоллаштиришда интернет билан ишлаш, ижтимоий тармоқлар ва мобил технологиялардан фойдаланиш;
4. Талабаларни мустақил ишларни фаоллаштиришга, инновацион усулларда жалб этиш;
5. Мобил иловаларни таълим жараёнига тадбиқ этиш.
6. Ахборот коммуникацион технологиялар билан ишлаш.

Бу дидактик шарт-шароитларни амалга оширишда талабалар мустақил таълимни фаоллаштириш учун мўлжалланган махсус мобил платформалар – Android, IOS, BlackBerry, HP webOS, Symbian ОС ва Windows Mobileлардан фойдаландик.

Комплекс педагогик тажрибалар ва ижодий касбий топшириқларни мобил технологиялар ёрдамида моделлаштириш асосида талабаларнинг мустақил таълим олиш даражаларини баҳолаш мезонларининг даржалари (репродуктив, вариатив, ижодий) ва кўрсаткичлари очиқ берилган. Натижада бўлғуси касб таълими ўқитувчиларининг ўз имкониятлари, эҳтиёжлари ва кизиқишларига мос фаол мустақил таълим олишга тайёрлигига эришилган.

Методик қўлланмада умумкасбий фанларни ўрганиш бўйича қатор категорияларга бўлинган тест топшириқлари ишлаб чиқилди:

- талабаларнинг умумкасбий фанларга оид асосий тушунчаларини шакллантиришни назорат қилиш;
- талабаларнинг умумкасбий кўникмаларини шакллантиришни аниқлаш;

- талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришни назорат қилиш.

Тест топшириқларидан фойдаланиш технологияси қуйидагиларни ўз ичига олади: тест топшириқларини лойихалаш ва тайёрлаш, тест топшириқлари бўйича ишларни талабаларга тушунтириш, уларнинг оғзаки ва ёзма ишлашини муҳокама қилиш. Иккинчи ҳолат бизнинг ишимизда муҳимдир, чунки у “тасодифий” жавобни тахмин қилиш имкониятини истисно қилади.

Методик қўлланманинг I-иловасида талабаларни мустақил таълимни фаоллаштириш даражаларини белгилаб берувчи тест топшириқларидан мисоллар келтирилган.

Методик қўлланмада В.П.Беспалко томонидан белгиланган тест назорати тушунчасига таянамиз - бу “махсус тайёрланган материаллар – тест топшириқлари асосида махсус назорат процедураларидан фойдаланган ҳолда таълим сифатини назорат қилишнинг ҳолисона усули” [34, 74-бет].

Тадқиқотимиздаги назорат усуллари орасида тест синовларига алоҳида ўрин берилади, шунинг учун унга батафсилроқ ёритамиз. Тест усули янги эмас, яқинда фаол умумий таълим муассасалари ва олий ўқув юртлари амалиётида ҳам ишлатилган. Тест назорати-технологияларни назорат қилишнинг энг истиқболли усулларида бири - бу “педагогика, ўлчаш назарияси, математик моделлаштириш, математик статистика ва автоматлаштиришнинг кесишувида жадал ривожланаётган соҳадир” [35, 15-бет]. Педагогик адабиётларни ўрганиш тест тушунчасининг қуйидаги талқинларини аниқлаш имконини берди:

- ўлчаш объектининг хоссалари ва сифатларини баҳолаш учун тестларни қўллаш жараёни ва натижасини умумлаштириш;
- тест-барча фанлар учун бир хил бўлган, катъий назорат остида ўтказиладиган, педагогик жараённинг ўрганилган хусусиятларини ҳолисона ўлчаш имконини берадиган мақсадли сўров;

Бир қатор муаллифлар тест синовлари асосида тузилган тест назорати тушунчаси билан тест тушунчасини аниқлайдилар. Илмий ишлаб чиқилган



тест-мураккабликни оширишнинг ўзаро боғлиқ вазифаларнинг мажмуи бўлиб, у ўқитувчиларни қизиқтирадиган билим ва шахснинг бошқа хусусиятларини ишончли ва асосли баҳолашга имкон беради. Бошқача қилиб айтганда, тест ва тест назорати тушунчалари бир-бирига мақсадни белгилаш ёки функционал боғлиқликлар орқали боғланади. Улар кўпинча педагогик тадқиқотларда синоним сифатида ишлатилади. Бу тушунчаларнинг ҳам айрим фарқларга эга эканлигини тушуниш, уларни ҳар доим ҳам тадқиқотимизда аниқ фарқламаймиз.

Тестлар ва тест назорати, орқали биз тадқиқотда талабаларнинг ўқув режасига мувофиқ умумқасбий фанларни ўзлаштиришга тайёргарлигини аниқлашимиз керак.

### **2.3. Мобил технологиялар ёрдамида мустақил таълимни ташкил этиш методикаси**

Ўқув материални тақдим этишнинг замонавий ва истиқболли шаклларида бири мобил иловалар ёрдамида мустақил таълим олишдир. Технологиядан ўқув воситаси сифатида фойдаланишни ҳисобга олиб, тадқиқотчилар таълим сифатини яхшилашни қайд этадилар. Смартфонларнинг технологиялари ва техник имкониятлари ривожланишига қарамай, машғулотларда иловалардан фойдаланиш қуйидаги бир неча сабабларга кўра қийин:

- когнитив ортиқча юкланиш;
- мобил иловаларидан фойдаланиш самарадорлиги ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ;
- техник муаммолар.

Шундай қилиб, замонавий ахборот технология воситаларидан самарали фойдаланиш учун ўқитувчидан сезиларли меҳнат талаб қилмайдиган, ҳар қандай замонавий мобил қурилмаларда етарлича содда ва қулай бўлган материалларни тақдим этиш усулини ишлаб чиқиш керак.

Мобил қурилмаларнинг хусусиятларидан бири уларнинг турли таркибларни (расмлар, анимация, видео ва аудио файллар, матн, 3D тасвирлар

ва бошқаларни кўпайтириш қобилиятидир), курс материални тақдим этиш йўлларини такомиллаштириш имконини беради. Мобил қурилмалар ўқитувчининг таълим мазмунини, уни жойлаштириш ва тарқатишни тақдим этиши учун янги имкониятлар очади.

Мобил қурилмалар ва веб-қидирув платформаси ёрдамида машғулотнинг ўйин шаклида ташкил этиш. Ўйин технологияси ўқув жараёнининг техник платформаси сифатида мобил қурилмалардан фойдаланиш орқали ривожлантиришнинг янги йўлларини топади. Бундай ўқув форматидан фойдаланиш сценарийлари ўқитувчининг бевосита ўйин жараёнига қўшилиши билан ҳам, ўқитувчи ва талабаларнинг автономлиги билан ҳам характерланади. Мобил қурилмалар ёрдамида ўйинга асосланган таълим шаклини киритиш мотивацияни ошириш орқали олий таълим тизими натижаларига эришишга ёрдам беради.

Талабаларнинг дам олиш эҳтиёжлари ва имтиёзларини ўрганиш натижасида quest компьютер ва интернет ўйинлари энг машҳур жанрлардан бири эканлигини кўрсатди. Quest (инглиз тилидан quest-қидириш) - ўйинчидан ҳикоя орқали олға интилиш учун руҳий муаммоларни ҳал этишни талаб қилувчи ўйинлар жанри. Ҳақиқат даражасига кўра, Questлар ҳақиқий ва виртуал турларга бўлинади.

Талабаларнинг ўқув мотивациясини ошириш ва гуруҳий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш учун веб-топшириклар тез-тез қўлланилиб, улардан қуйидагиларни белгилаб олиш мумкин:

-эҳтиёжларга йўналтирилган фаолият, талабалар билан ўзаро алоқада бўлган айрим ёки барча маълумотлар интернет ресурсларидан келиб чиққан ҳолда;

- интернетнинг ахборот ресурсларидан фойдаланиладиган ролли ўйин элементлари билан муаммоли вазифа.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, quest вазифаларини бажариш учун зарур бўлган ва ўқитувчи томонидан олдиндан танлаб олинган ресурслар ҳаволалар рўйхати ҳисобланади. Quest билан ишлаш давомийлигига кўра қисқа муддатли ва узок муддатлига фарқланади, questнинг туридан қатъий назар эса у маълум тузилишга эга:



**Кириш.** Бу босқичда талабалар изланиш давомида нималарни ўрганишлари ва бажаришларини тушунишлари керак. Ўқитувчи талабаларни қизиқтирадиган тарзда муайян мавзу бўйича сценарий, хикоя ёки топшириқни таклиф этади.

**Вазифа.** Бу ҳар қандай questнинг асосий босқичидир. Ўқитувчи мавзу устида ишлаш учун олдиндан ишлаб чиқилган вазифани таклиф этади, жумладан саволлар ва кичик топшириқлар. Вазифа реалистик бўлиши ва асосий ўқув мавзусини очиб беришга ҳисса қўшиши керак. Иккинчи даражали вазифалар асосий вазифага караганда содда бўлиши ва унинг алоҳида жиҳатлари билан боғлиқ бўлиши керак.

**Жараён.** Талабалар топшириқни бажариш бўйича кўрсатмалар оладилар ва таклиф этилган босқичлар бўйича бажарадилар.

**Манбалар.** Талабалар мавзу бўйича топшириқни бажариш учун ўқитувчи томонидан тавсия этиладиган интернет сайтларининг манзилларини оладилар.

**Баҳолаш.** Бу босқичда талабалар ўз иш натижаларини баҳолаш, гуруҳдошларининг натижалари билан таққослаш имкониятига эгадирлар. Ўқитувчи талабаларнинг ишлари ҳақида изоҳ беради.

**Хулоса.** Бу босқич талабалар ишнинг бошида қўйилган мақсад билан натижани таққослашлари зарур. Шунингдек, бу босқичда талабалар эгалланган билим ва кўникмалардан бошқа фаолият йўналишлари бўйича фойдаланиш имкониятини тушунишлари зарур.

Веб-қидирув таклифлар, таърифлар, веб-технологиялар тузилиши, ишлатилиши тушунтиради, лекин бир ўйин жанри сифатида саргузашт тушунчаси ошқор этилмай қолади.

Биринчидан, ўйин фаолияти одатда, асосий сюжет учун боғловчи сифатида қизиқарли, ноодатий, оригинал гоя мавжудлигини ўз ичига олади. Бироқ, юқорида муҳокама қилинган таълимий веб-қидирув тузилмасида кириш босқичидаги мотивация даражаси ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ, чунки унинг ўрни талабаларга мавзу ёки вазифани таклиф қилишидир.

Иккинчидан, ўйин жанри сифатида изланувчанлик ходисаларнинг кўп векторли ривожланишини кўзда тутди, мақсадларга эришни учун эса чизиқли (боскичма-боскич) алгоритм таклиф этилади.

Учинчидан, ўйинлар ўйинчини рағбатлантириш тизимига эга бўлиб, талабаларнинг иш натижаларини ва уларни ўқитувчи томонидан баҳоланишини таққослаш воситаси эмас. Шунга асосланиб, веб-изланишнинг таклиф этилган таърифлари талабалар томонидан интернет технологиялари ва веб-ресурслар орқали ўқув мавзуларида биргаликда ёки яқка тартибда бажариладиган “веб-лойнҳа” тушунчасини очиб беради ва аниқлаштиради.

Шундай қилиб, таълимнинг ўйин шаклини амалга ошириш учун ўқитувчи ўйиннинг тузилишига эмас, балки, ўйин мазмунига эътибор қаратишига ундайдиган, мавзу компонентидан қатъий назар ўйин вазиятини моделлаштиришга имкон берадиган хизматлардан фойдаланиш лозим.

**Сўров ва тест тизимини ташкил этиш.** Аудиторияда мобил сўров тизимларидан фойдаланиш тажрибасини тасвирловчи хорижий тадқиқотлар чекловчи чораларни қўллаш ўрнига талабаларнинг смартфонлари имкониятларидан фойдаланишга чакиради. Мобил сўров тизимларидан фойдаланишнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- аудиторияда интерактивликни ошириш (талабалар ўқув жараёнига эътиборлироқ бўладилар, уларнинг иштироки ортади, ўзаро ҳамкорлик ва фикр-мулоҳазалар уюштирилади);

- аудиторияда бундай тизимдан фойдаланиш талабалар учун ноодатий ва қизиқарли тажриба;

- аноним овоз бериш имконияти;

- ишлатиш учун қулайлиги;

- мобил сўров тизимидан фойдаланиш ўқув жараёнига замонавий техник компонентни жорий этади;

- ўқитувчи талабаларнинг ўқув материални тушуниш даражасини ўз вақтида қайд этиш имкониятини қўлга киритади, бу эса дарснинг боришини созлаш имконини беради.



Мобил-сўров тизимларини синовдан ўтказиш жараёнида тадқиқотчилар машғулотларда улардан фойдаланишнинг бир қатор камчиликларини аниқлашди:

- техник носозлик юзага келиши мумкин;
- очик саволлар йўқ (ҳар доим мумкин бўлган жавоблар мавжуд);
- айрим талабалар сўровномани жиддий қабул қилмайдилар;
- мобил телефондан фойдаланиш талабани чалғитиши мумкин;
- мобил қурилмалар ёрдамида овоз бериш дарсда вақт талаб этади.

Мобил сўровлардан фойдаланиш - талаба смартфонининг индивидуал карталарини ўқиш имкониятларидан фойдаланишдир. Бундай ҳолда, смартфонлар ва интернетнинг мавжудлиги талабалар учун шарт эмас. Ўқитувчи карточкаларни тузиши ва аудиторияларига топшириши мумкин. Бундай сўров тизимидан амалий фойдаланиш тажрибаси шунини кўрсатдики, мазкур ёндашув ОТМнинг техник жиҳозларининг етарли бўлмаган ҳолатларда бир қатор афзалликларга эга. Шундай қилиб, сўров ёки тестни муваффақиятли ташкил этиш учун энг қулай ва самарали хизматни танлаш, тегишли таркибни тайёрлаш ва талабалар фаолиятини ташкил этиш лозим.

**Лойиҳа фаолиятини ташкил этиш.** Мобил қурилмалар бир томондан фанларни ўрганиш ва бошқа томондан – талабаларнинг илмий-тадқиқот лойиҳалари устида ишлашда мақсадли платформалар сифатида ҳаракат қилади. Замонавий жамиятда мобил технологиялар ва қурилмаларнинг фаол тарқалиши улар учун дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишнинг долзарблигини акс эттиради. Талабалар орасида ўз смартфонларининг мавжудлиги эса ўз қурилмаларига янги дастурларни ишлаб чиқишда ички қизиқиш ва шахсий мотивацияни оширишга ёрдам беради.

**Талабаларнинг мустақил ва гуруҳли ишларини ташкил этиш.** Талабаларнинг мустақил ишлари доирасида мобил қурилмалардан фойдаланиш турли хил ахборотлар билан ишлаш учун кенг имкониятлар яратади. Смартфон кўп ҳолларда геолокацион модул, фото ва видео камера, микрофон ва аудио қарнайларни ўз ичига олганлиги сабабли, турли хил маълумотлар билан ишлаш учун ажралмас воситаларга эга, талабалар мобил қурилмадан мустақил ишни

бажаришда (аудиториядан ташқари) восита сифатида фойдаланиш учун кенг имкониятларга эга. Булут (Cloud) технологиялари туфайли, таълим вазифаларини хал қилиш жараёнида, смартфон ҳам бир гуруҳ талабалар ва ўқитувчи ўртасида алоқа воситаси сифатида ҳаракат қилиши мумкин.

ОТМларнинг старли жиҳозланмаган шароитида ёки талабалар учун шахсий компьютерларнинг йўқлиги туфайли мобил қурилма бир хил имкониятларни тақдим этади, чунки у асосан миниатюр компьютеридир. Шундай қилиб, фанлар бўйича амалий ва мустақил ишларни амалга ошириш кўпинча стационар шахсий компьютер ёрдамида ҳам, мобил қурилмалар ёрдамида ҳам ташкил этилиши мумкин.

### **Мобил технологияларга асосланган таълим методлари**

Таълим ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги ўзаро таъсир жараёни сифатида таълим мазмунига киритилган тўпланган билим, тажриба ва фаолият усуллари жамланмасини, шунингдек шахснинг индивидуаллиги ва ижтимоийлашувини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, талабаларнинг билим олиш ўқув имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқотчилар "Ўқитиш методи" тушунчасини аниқлашнинг турли вариантларини таклиф этдилар. Таърифларни умумлаштириш таълим методининг қуйидаги таркибини ажратиб кўрсатиш имконини беради:

- методни қўллашнинг мақсади;
- фойдаланиш шартлари;
- ўқитувчи фаолияти;
- талабалар фаоллиги;
- натижани назорат қилиш усули ва унга эришиш мезони.

Умумий қилиб айтганда, талабаларнинг мустақил таълим олишига қаратилган ўқитиш усулларини амалга оширишда мобил қурилмаларнинг алоқа имкониятларидан фойдаланиш лозим. Бу дидактик вазифаларни тегишли ўқитиш усуллари ёрдамида хал этиш мумкин, бу эса батафсилроқ баён қилинади.

Қуйида муҳокама қилинган мобил технологияларга асосланган таълим методларининг кўпчилигидан турли фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.



Дидактик вазифалар билан боғлиқ ҳолда мобил технологияларга асосланган ўқитиш усуллари келтирилган (2.2-жадвал).

2.2-жадвал

Мобил технологиялар асосидаги таълим методларининг дидактик вазифалар билан боғлиқлиги

Дидактик вазифа	Таълим методлари
Ўқув материални тақдим этиш шакллари кенгайтириш ва кўргазмалilikни ошириш вазифаси	ўқув QR-квест методи интерактив видео методи
Ўйин таълим шакли ташкил этиш вазифаси	мобил викториналар методи, QR-квест таълим методи, Web-quest методи
Кўрсатмаларнинг кўрипиши ва интерактивлигини такомиллаштиришнинг вазифаси	подкастлар, скринкастлар методи интерактив видео методи
Суров ва тест тизимини ташкил этиш вазифаси	мобил суров ва овоз бериш методлари, мобил викторина методи
Алгоритмлаш ва дастурлаш асосида ўқитиш вазифаси	визуал дастурлаш методи
Дастурий воситалар билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш вазифаси	подкастлар, скринкастлар методи интерактив методи
Лойиҳалаш фаолиятини ташкил этиш вазифаси	визуал дастурлаш усули, лойиҳа методи, булутли тадқиқот методи
Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш вазифаси	подкаст методи
Биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш вазифаси	булутли тадқиқот методи
Мобил технологияларни ўзлаштиришни вазифаси	мобил кидирув усули, интерактив видео методи подкастлар методи, скринкастлар

Замонавий ахборот технологиялари, жумладан, мобил ва булутли технологиялар ўқув жараёни иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш учун янги имкониятлар яратмоқда. Шундай қилиб, мобил технологиялар ўқитиш методларига таъсир кўрсатади, чунки улар ўқитувчи ва талаба фаолиятини ташкил этиш, талабанинг ҳаракат механизминини мақсадга ўзгартиришнинг янги воситаларини таъминлайди. Технологик асос ўқитиш методини амалга оширишга таъсир кўрсатади, ўз навбатида ўқитиш методини баён қилиш қуйидаги таркибий қисмларни баён қилиш демакдир:

- дидактик мақсад;

- технологик асос;
- ўқитувчининг ҳаракатлари тартиби;
- талабанинг ҳаракат тартиби;
- мақсадга эришиш мезони.

Методдан фойдаланиш шартлари: компьютер қурилмаларининг мавжудлиги (мобил ёки стационар), интернетга кириш.

Ўқитувчининг фаолияти:

- ўқув топшириқларини тайёрлаш (ёки уларни мобил қурилмалар учун визуал дастурлаш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартириш);
- мустақил иш жараёнида талабаларга ёрдам ва маслаҳатлар бериш;
- топшириқларни бажарилишини текшириш.

Талаба фаолияти:

- мақсадли платформа мобил қурилма бўлган визуал дастурлаш муҳитида амалий ишларни бажариш. Натижани назорат қилиш усули ва унга эришиш мезони:

- мустақил ва ижодий вазифаларни бажариш
- талабаларнинг лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот фаолиятида олинган кўникмалардан фойдаланиш.

### **Мобил сўров ва овоз бериш методлари**

Мобил сўров хизматлари тест ёки шакллангирувчи баҳолашни ўтказиш имконини беради ва алоҳида талабалардан кўра, бутун аудиториядаги маълумотларни олиш имконини беради. Тезкор фикр-мулоҳазалар ҳар бир талабанинг материални реал вақт режимида ўрганишдаги тараққиёти ёки қийинчиликларини кузатиб бориш имконини беради.

Методнинг мақсади:

- аудиториядан ташқари билимларни назорат қилиш;
- сўров натижалари асосида мувозара яратиш;

Методдан фойдаланиш шартлари:

- талабалар қурилмаларида мобил сўров дастури, ёки бутунли сўров шаклларига кириш имконияти мавжудлиги, ёки индивидуал жавоб карталари.

Ўқитувчи фаолияти:



- саволлар базасини тайёрлаш;
- саволлар бериш кетма-кетлигини режалаштириш;
- сўровнома боришини кузатиш.

Талабанинг фаоллиги:

- урганитган материал ва ўз ҳукмлари асосида берилган саволларга ўз жавобини шакллантириш.

Натижани назорат қилиш усули ва унга эришиш мезони:

- талабаларни овоз бериш жараёнига жалб қилиш;
- талабаларнинг реал вақтдаги тайёргарлик даражасини кайд этиш;
- сўров натижаларини дарҳол муҳокама қилиш қобилияти.

### Мобил қидирув методи

Турли хилдаги маълумотларни топиш ва улар билан ишлаш. Интернетга кириш имконига эга бўлган мобил қурилмалар матили сўровдан ташқари овозли ва график қидирув сўровидан ҳам фойдаланиш мумкинлиги туфайли ахборотни қидириш учун қўшимча имкониятлар очади. Шунга асосланиб, уларни тақиқлашдан кўра, мобил қурилмалардан таълим мақсадларида фойдаланишни рағбатлантириш афзалроқ.

Методнинг мақсади:

- ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлашни ўзлаштириш.

Янги маълумотларнинг ўзлаштирилиши.

Методдан фойдаланиш шартлари:

- Интернет ресурслари ва қидирув хизматларидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги.

Ўқитувчининг фаолияти:

- уларни ҳал қилиш учун қўшимча маълумотларни топишни талаб қилувчи муаммоли вазиятлар яратиш.

Талаба фаолияти:

- энг яхши қидириш усуллари ва хизматларини танлаш;
- бирор муаммо ёки масаланинг ечимини қидириш.

Натижани назорат қилиш усули ва унга эришиш мезони:

- талабалар томонидан мобил қидирув технологиясини ўзлаштириш.

## Мобил лойиҳа методи

Мобил курилмалар ва булутли технологиялар лойиҳа фаолиятини янги даражада ташкил этиш имконини беради, чунки улар ҳар доим кўл келадиган янги воситаларни ҳам, қулай ташкилий шаклни ҳам таъминлайди. Мисол учун, аксарият смартфонлар компас, навигатор, харита, камера, чирок ва бошқалар каби ажралмас воситаларга эга. Ўз навбатида, маълумотларни сақлашнинг булутли ташкил этилиши талабалар гуруҳи ва ўқитувчи ўртасида тезкор ахборот алмашиш имконини беради. Бундан ташқари, мобил иловаларни ишлаб чиқиш талабаларда катта қизиқиш уйғотмоқда, чунки уларнинг тарқалиши кенгайиб бормоқда.

Методни қўллаш мақсади:

- индивидуал ва гуруҳли лойиҳалаш ва тадқиқот ишларини бажариш.

Методдан фойдаланиш шартлари:

- мобил курилмаларнинг мақсадли платформалар сифатида мавжудлиги;
- талаба ва ўқитувчи ўртасида масофадан туриб ўзаро таъсир ўтказиш механизмларининг мавжудлиги.

Ўқитувчининг фаолияти:

- талабаларнинг лойиҳа ва илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш;
- талабаларга лойиҳа иши мақсадларига эришиш йўлидаги ёрдам кўрсатиш.

Талаба фаолияти:

лойиҳа ва тадқиқот вазифаларини ҳал қилиш (алоҳида ва гуруҳ ишларининг бир қисми сифатида).

Натижани назорат қилиш усули ва унга эришиш мезони:

- мобил технологияларга оид илмий-тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқишда талабаларнинг иштироки.

## Podcast методи

Видеокаст ва скринкаст усуллари талабаларга, бир томондан, дастурий маҳсулотлар билан индивидуал суръатда танишиш, муаммо соҳаларини тўхтатиш ва қайтариш, иккинчи томондан ижодий қобилиятларни намоён қилиб, подкастлар кўринишида ўз хисоботларини яратиш имконини беради.



Подкастлардан фойдаланиш ўқув жараёнига хилма-хилликни олиб киради ва шу билан талабаларнинг дарс мазмунини ўрганишга бўлган мотивациясини оширади.

**Методнинг мақсади:**

- дастурий маҳсулотлар билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.

Дастур билан ишлаш.

**Методдан фойдаланиш шартлари:**

- видео ёзиш функциясига эга мобил қурилмаларнинг мавжудлиги;
- видеоларни нашр қилиш учун булугли муҳит.

**Ўқитувчи фаолияти:**

- подкастлар шаклида рўйхатга олиш учун вазифаларни тайёрлаш;
- бажарилган ишни кўриш ва талабанинг ҳаракатларини ростлаш.

**Талабалар фаолияти:**

- топшириқларни бажариш ва видео ёки экран кўрinishида ҳисобот тайёрлаш.

**Натижани назорат қилиш усули ва унга эришиш мезони:**

- дастурий маҳсулотларни ўрганиш бўйича талабалар томонидан подкастлардан фойдаланиш;

- дастурий маҳсулотларни ўрганиш билан боғлиқ уй вазифалари ҳақида ҳисобот шакллари сифатида булутли экран ва видеоклиплардан фойдаланиш.

### **Мобил викторина методи**

Ўйин машғулотларини ташкил этишда мобил технологиялардан фойдаланиш гуруҳли ва индивидуал ишларни интерфаол викториналар шаклида ташкил этиш имконини беради. Бундай ёндашув талабаларнинг натижаларга эришиш жараёнида ўз фаолиятини назорат қилиш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради. Вақт чегараси белгилаш орқали иш ритминини режалаштириш каби норматив маҳорат ривожланади.

**Методни қўллашдан мақсад:**

- аудиторияда назорат;
- уй вазифаларини текшириш;
- янги материални ўзлаштиришни текшириш.

**Методни қўллаш шартлари:**

- талабаларнинг мобил қурилмаларнинг мавжудлиги;
- интернетга кириш имкониятининг мавжудлиги.

**Ўқитувчи фаолияти:**

- викториналар тайёрлаш;
- талабалар фаолиятини назорат қилиш ва ташкил этиш;
- талабаларнинг ҳаракатларини муҳокама қилиш ва тузатиш.

**Талабалар фаолияти:**

- викторинада иштирок этиш;
- натижаларни муҳокама қилиш.

**Натижани назорат қилиш усули ва унга эришиш мезони:**

- талабаларни ўйин жараёнига жалб этиш.

### **Интерактив видео методи**

Замонавий мобил қурилмалар видео мазмунини ижро этиш имконини беради. Бирок, ҳар қандай ўқув видеосининг қиймати, унда интерактив элементнинг йўқлиги туфайли, тескари алоқа бериши ва талабалар томонидан маълум бир фрагмент қанчалик ўрганилганлигини аниқлаш мумкин. Видеоларга анкеталар қўшиш хизматлари туфайли ўқитувчилар анкеталар, тестлар, очиқ-ойдин саволлар ва бошқа ресурсларга ҳаволалар бириктириш орқали интерактив видео дарсликлар яратишлари мумкин.

**Методни қўллашдан мақсад:**

- ўқув жараёнига қўшимча услубий таълим ресурсларини жорий этиш;
- талабаларнинг ўқув материали устида ишлаши учун жозибадор ташкилий шакл яратиш.

**Методни қўллаш шартлари:**

- талабалар учун интернетга эга бўлган мобил қурилмаларнинг мавжудлиги.

**Ўқитувчи фаолияти:**

- видеоматериаллар ва саволлар тайёрлаш.

**Талаба фаолияти:**

- видеоматериалнинг мазмунини ўрганиш;



- кўриш давомида саволларга жавоблар бериш.

Натижани назорат қилиш усули ва унга эришиш мезони:

- талабалар томонидан интерфаол видеодарсликлардан фойдаланиш;
- сўров натижаларини назорат қилиш.

Ҳар кун мобил интернетнинг улуши ва мобил қурилма фойдаланувчилари сони тобора ортиб бормоқда. Бундай ўзгаришлар жуда тез суръатларда ривожланиб бормоқда - энди ҳар бир киши ҳаётнинг барча соҳаларида қулайлик ва шароит яратиш учун ҳаракат қилмоқда. Коммуникаторлар (Гаджетлар) ва планшетларнинг пайдо бўлиши инсонларга анча қулайликлар ва имкониятларни тақдим этмоқда энди "катта ҳажмли" ноутбуклар ва бошқа қурилмаларни йўлда, иш сафарларида, учрашувларга ва бошқа мақсадларга олиб боришга зарурат йўқ. Бирок, мобил қурилмалар махсус қўшимчалар-мобил иловаларсиз жуда кўп фойда келтирмайди. Таълимда мобил иловаларнинг аҳамияти ортиб бормоқда ва бунинг асосий сабаби улар тақдим этаётган имкониятлар:

-талабалар дарс давомида ва дарсдан ташқари машғулотларда вазифалар устида биргаликда ишлайдилар,

-файллар алмашиш,

-масофадан ўқитишни ташкил этиш ва ота-оналар билан ўзаро ҳамкорлик.

Мобил таълим (M-learning) - жой ва вақтдан мустақил равишда, бир қатор мобил қурилмалар орқали ўрганиш қобилияти.

Mobile learning-мобил қурилмалар ёрдамида электрон таълим, билим олувчининг жойлашуви ёки жойини ўзгартириш билан чекланмайдиган таълим ҳисобланади.

Пандемия муносабати билан юртимиздаги барча таълим муассасалар дарс машғулотларини масофавий таълим усулига ўтказдилар. Ҳозир ҳам кўплаб таълим муассасаларда онлайн ўқиш тизими жорий этилган. Бунда дарслар асосан институтларнинг moodle электрон таълим тизими орқали амалга оширилмоқда. Бундай платформаларнинг барчаси онлайн тизимда ишлайди. Ҳеч кимга сир эмаски бугунги кунда Республикада интернет сифати ва тезлиги барча ҳудудларда бирдек эмас, хусусан чекка ҳудудларда бу муаммо

- ўқитувчининг ҳаракатлари тартиби;
- талабанинг ҳаракат тартиби;
- мақсадга эришиш мезони.

Методдан фойдаланиш шартлари: компьютер қурилмаларининг мавжудлиги (мобил ёки стационар), интернетга кириш.

Ўқитувчининг фаолияти:

- ўқув топшириқларини тайёрлаш (ёки уларни мобил қурилмалар учун визуал дастурлаш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартириш);
- мустақил иш жараёнида талабаларга ёрдам ва маслаҳатлар бериш;
- топшириқларни бажарилишини текшириш.

Талаба фаолияти:

- мақсадли платформа мобил қурилма бўлган визуал дастурлаш муҳитида амалий ишларни бажариш. Натижани назорат қилиш усули ва унга эришиш мезони:

- мустақил ва ижодий вазифаларни бажариш
- талабаларнинг лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот фаолиятида олинган қўникмалардан фойдаланиш.

### **Мобил сўров ва овоз бериш методлари**

Мобил сўров хизматлари тест ёки шаклантирувчи баҳолашни ўтказиш имконини беради ва алоҳида талабалардан кўра, бутун аудиториядаги маълумотларни олиш имконини беради. Тезкор фикр-мулоҳазалар ҳар бир талабанинг материални реал вақт режимида ўрганишдаги тараққиёти ёки қийинчиликларини кузатиб бориш имконини беради.

Методнинг мақсади:

- аудиториядан ташқари билимларни назорат қилиш;
- сўров натижалари асосида мунозара яратиш;

Методдан фойдаланиш шартлари:

- талабалар қурилмаларида мобил сўров дастури, ёки булутли сўров шаклларига кириш имконияти мавжудлиги, ёки индивидуал жавоб карталари.



Ўқитувчи фаолияти:

- саволлар базасини тайёрлаш;
- саволлар бериш кетма-кетлигини режалаштириш;
- сўровнома боришини кузатиш.

Талабанинг фаоллиги:

- ўрганилган материал ва ўз ҳукмлари асосида берилган саволларга ўз жавобини шакллантириш.

Натижани назорат қилиш усули ва унга эришиш мезони:

- талабаларни овоз бериш жараёнига жалб қилиш;
- талабаларнинг реал вақтдаги тайёргарлик даражасини қайд этиш;
- сўров натижаларини дарҳол муҳокама қилиш қобилияти.

### Мобил қидирув методи

Турли хилдаги маълумотларни топиш ва улар билан ишлаш. Интернетта кириш имконига эга бўлган мобил қурилмалар матили сўровдан ташқари овозли ва график қидирув сўровидан ҳам фойдаланиш мумкинлиги туфайли ахборотни қидириш учун қўшимча имкониятлар очади. Шунга асосланиб, уларни таққиклашдан кўра, мобил қурилмалардан таълим мақсадларида фойдаланишни рағбатлантириш афзалроқ.

Методнинг мақсади:

- ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлашни ўзлаштириш.

Янги маълумотларнинг ўзлаштирилиши.

Методдан фойдаланиш шартлари:

- Интернет ресурслари ва қидирув хизматларидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги.

Ўқитувчининг фаолияти:

- уларни ҳал қилиш учун қўшимча маълумотларни топишни талаб қилувчи муаммоли вазиятлар яратиш.

Талаба фаолияти:

- энг яхши қидириш усуллари ва хизматларини танлаш;
- бирор муаммо ёки масаланинг ечимини қидириш.

иловалар турларидан фойдаланиб, мавзуни тушуниш учун имкон қадар осон қилади ва талабанинг қулай муҳитга кўчиб ўтишига имкон беради.

Расмий ва расмий бўлмаган таълим ўртасидаги алоқани таъминлаш. Мобил қурилмалар расмий ва норасмий таълим ўртасидаги чегараларни бузиб, янги билимларни эгаллашга кўмаклашади. Мобил қурилмалар ёрдамида талабалар аудиторияда ёки аудиториядан ташқари ўқитиладиган ўқув материални яхшироқ тушуниш учун қўшимча материалларни осонгина топишлари мумкин. Мисол учун, талабалар билан "суҳбатлашиш" ва мобил телефонга ўрнатилган карнай ва микрофон орқали уларни "тинглаш" учун жуда кўп тил ўрганиш иловалари мавжуд.

Имконияти чекланган талабаларга ёрдам кўрсатиш. Матн миқёси, овозли эшитилиши, геолокация ва матнли нутқ технологиялари туфайли мобил қурилмалар етарли ресурсларга эга бўлган жамоаларда ҳам, кам таъминланган жамоаларда ҳам ногиронлар учун таълим сифатини кескин яхшилайти.

Мобил дастур (илова) - бу мобил қурилмага (телефон, коммуникатор, смартфон ва ҳоказоларга ўрнатилган компонентлар) учун махсус мобил платформа (Android, IOS, BlackBerry, HP webOS, Symbian ОС ва Windows Mobile), боғлаш учун мобил сервер ва назорат фойдаланувчи интерфейси ва бизнес-мантикий қурилмадир.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган мобил илова "Касбий педагогика" фанини мустақил ўрганишга мўлжалланган. Ушбу мобил илова ёрдамида талабалар фан дастури билан мустақил танишиш, назарий материални ўрганиш, амалий топшириқларни бажариш, мустақил иш мавзусини танлаш, тест назоратидан ўтиш, шунингдек мавзуга оид луғат ва электрон ресурслардан фойдаланиш имконига эга. Шунингдек, ушбу мобил илова талабаларнинг аудиториядан ташқаридан таълим олишига мўлжалланган бўлиб, унда уйга берилган топшириқларни бажариш, мустақил ишлаш фаолияти, назорат топшириқларни бажариш учун мўлжалланган.



## **“КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА” ФАНИДАН МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ФАОЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**Талаба мустақил ишининг вазифалари қуйидагилардан иборат:**

- ✓ янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- ✓ керакли маълумотларни излаб топиш кўлай усуллари ва воситаларини аниқлаш;
- ✓ ахборот манбаалари ва манзилларидан самарали фойдаланиш;
- ✓ анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий хужжатлар билан ишлаш;
- ✓ электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш;
- ✓ интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиш;
- ✓ берилган топшириқнинг рационал ечимини белгилаш;
- ✓ маълумотлар базасини таҳлил этиш;
- ✓ иш натижаларини экспертизага тайёрлаш ва эксперт хулосаси асосида қайта ишлаш;
- ✓ торшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндошиш;
- ✓ ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш ва мутахассислар жамоасида химоя қилиш.

**Талаба мустақил ишининг мақсади қуйидаги йўллар билан амалга  
оширилади:**

1. Маъруза ва амалий машғулотларда бўлмаган мавзуларни мустақил қайта ишлаш.
2. Билимларни эгаллаш, чуқурлаш ва мустахкамлаш курсини асосий ва мураккаб вазифаси (маъруза ва амалий машғулот).
3. Нисбатан оддий материал билан танишиб, кейин маъруза ёки амалий машғулот давомида ўқитувчи томонидан кенгайтирилади.

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакллари**

Талаба мустақил таълими тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланишни тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;

- таркатма материаллар бўйича маърузаларни ўзлаштириш;
- рефератив докладлар тайёрлаш;
- вазиятли масала ечиш;
- текшириш методикаси бўйича видео ва аудиокассеталар ёрдамида амалий кўникмаларни эгаллаш;
- маълум мавзу бўйича интернетдан маълумотлар тўплаш;
- Вазиятли муаммоларга йўналтирилган психологик вазиятли масалалар ечиш;
- Кейс (реал педагогик вазиятлар ва педагогик вазиятли масалалар асосида case-study ечиш).
- График органайзер ишлаб чиқариш ва тўлдириш;
- Крассвордлар тузиш ва ечиш.

#### **Мустақил таълимни фаоллаштириш усуллари**

- ўқув материални тақдим этиш шакллари кенгайтириш ва кўргазмалиликни ошириш (мобил викториналар, QR-квест таълим, Web- quest усуллари ёрдамида);
- дастурий воситалар билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш (подкастлар, скринкастлар, интерактив усуллари ёрдамида)
- кўрсатмаларнинг кўриниши ва интерактивлигини такомиллаштириш.
- мақсадли платформа (moodle, hemis)лар мобил иловалар (телефон, коммуникатор, смартфон ва ҳоказоларга ўрнатилган компонент) орқали амалий ишларни бажариш.

#### **Талаба мажбуриятлари:**

1. Мустақил иш мавзусини танлаш (талабага мустақил иш мавзусини танлаш имконияти берилган).
2. Мустақил ишни бажариш шаклини талаба имконияти ва хохишига кўра танлаш.
3. Белгиланган муддатда мустақил ишни муваффақиятли тугатиш.
4. Зарур ҳажмдаги материалларни ўрганиш.
5. Мустақил ишни бажаришда максимал қизиқиш ва фаолликни намоён этиш.



6. Адабиётлар билан доимий ишламасдан туриб, стук мутахассис бўлмасликни чуқур ҳис қилиш.

### Талабалар мустақил ишини услубий таъминлаш

moodle.jizpi.uz, jizpi.uz, student.jizpi.uz (HEMIS талаба ахборот тизими) интернет портали орқали ЖизПИ баъзаси Касбий педагогика фани саҳифасида модулларга мос мавзулар учун:

- ✓ услубий кўрсатмалар;
- ✓ маъруза матилари ва слайдлар;
- ✓ амалий машғулот учун материаллар;
- ✓ конспектлар;
- ✓ тест, вазиятли масалала, расми тест ва бошқа маълумотлар

жойланган.

2.3-жадвал

### Талабалар мустақил ишининг мазмуни, бажариш шакли ва ҳажми

№	Мустақил иш мавзулари	Бажариш шакли	Бажариш муддати	Ҳажми (соатда)
1	Ўзбекистон Республикасида таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида касбий педагогика	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал топшириқларни бажариш	1 - ҳафта	2
2	Касбий педагогиканинг мазмун-моҳияти	Мавзунини ўқиб ўрганиш	1 - ҳафта	2
3	Касб таълими шакллари ва ўқитиш воситалари	Адабиётлардан ўқиб ўрганиш ва мавзу бўйича тақдирот тайёрлаш	2 - ҳафта	2
4	Ўзбекистонда касб таълимининг ислоҳоти.	Жамоавий тарзда кейс-стадилар тайёрлаш	2 - ҳафта	2
5	Касб таълимининг асосий шакллари	Индивидуал топшириқларни реферат тарзида тайёрлаш	3 - ҳафта	2
6	Касб таълими муассасида тарбиявий жараённи ташкил қилиш қусусиятлари	Адабиётлардан конспект қилиш.	3 - ҳафта	2
7	Кадрлар тайёрлашдаги касбий-квалификацион ўзгаришлар	График органейзер ишлаб чиқиш	4 - ҳафта	2
8	Ишлаб чиқариш таълимининг ташкил қилишнинг асосий шакллари	Адабиётлардан конспект қилиш.	4- ҳафта	2
9	Касбларни таҳлил қилиш методлари: кенг профилли ва юқори малакали ишчиларни тайёрлашга қўйилган талаблар	Адабиётларни ўрганиб расворт тузиш	4 - ҳафта	4

10	Таълимни ташкил қилишга инновацион ёндашув	Ижодий ёндашиб реферат тайёрлаш	5 - ҳафта	2
11	Тарбия мезонлари ва методлари	Адабиётлардан ўрганиб, жамоавий кейс-стадилар тузиш	5 - ҳафта	2
12	Касб таълими жараёни, мазмуни ва методлари	Такдимот тайёрлаш	6 - ҳафта	2
13	Ижодий фикрлашни шакллантириш	Видео материаллар тайёрлаш	6 - ҳафта	2
14	Педагогик жамоани бошқаришдаги илгор тажрибаларни тадқиқ қилиш ва умумлаштириш асосларини мустақил ўзлаштириш	Адабиётларни ўрганиб таҳлил қилиш ва конспект тайёрлаш	7 - ҳафта	2
15	Педагогик жараён моҳияти ва тузилиши	Индивидуал топшириқларни бажариш	7 - ҳафта	2
16	Педагогик технологияларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонлари	Мавзунини ўқиб ўрганиш	8 - ҳафта	2
17	Касб таълимида устоз-шогирд муносабатларини мустақил ўрганиш	Адабиётлардан ўқиб ўрганиш ва мавзу бўйича такдимот тайёрлаш	8 - ҳафта	2
18	Касб таълими мезонлари.	Жамоавий тарзда кейс-стадилар тайёрлаш	9 - ҳафта	2
19	Касб таълими муассасасида тарбиявий ишлар назарияси ва амалиёти	Индивидуал топшириқларни реферат тарзида тайёрлаш	9 - ҳафта	4
20	Педагогик жамоани жипслаштириш методлари	Адабиётлардан конспект қилиш.	10 - ҳафта	2
21	Педагогик жараёни лойihalаш Тарбия мезонлари ва методлари	График органейзер ишлаб чиқиш	10 - ҳафта	2
22	Таълим оловчиларнинг ўқиб фаолиятини ташкил қилиш	Адабиётлардан конспект қилиш.	11 - ҳафта	2
23	Тарбия жараёнининг шакллари	Адабиётларни ўрганиб красворт тузиш	11 - ҳафта	2
24	Таълим жараёнига модулли ўқитиш технологияларни қўллашнинг методик асослари	Ижодий ёндашиб такдимот тайёрлаш	11 - ҳафта	2
25	Шахсга йуналтирилган касбий таълим	Адабиётлардан ўрганиб, жамоавий кейс-стадилар тузиш	12- ҳафта	2
26	Педагогнинг тарбиялаш маҳорати.	Такдимот тайёрлаш	12 - ҳафта	2
27	Ишлаб чиқариш таълими усталарини тайёрлаш муаммолари ва истикболи	Видео материаллар тайёрлаш	13 - ҳафта	2
28	Касб таълими самарадорлигини баҳолаш мезонлари.	Адабиётларни ўрганиб таҳлил қилиш ва конспект тайёрлаш	13 - ҳафта	2
29	Касб таълими мазмунига қўйиладиган умумий талаблар. Талабалар жамоасини шакллантириш	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал топшириқларни бажариш	13 - ҳафта	2



30	Касб-хунар коллежлари учун мухандис-педагогларни тайёрлаш максал ва вазифалари	Мавзунини ўқиб ўрганиш	14 - ҳафта	2
31	Касб таълими шакллари ва ўқитиш воситалари	Адабиётлардан ўқиб ўрганиш ва мавзу бўйича тақдимот тайёрлаш	14 - ҳафта	2
32	Касб таълимининг асосий шакллари	Жамоавий тарзда кейс-стадилар тайёрлаш	15 - ҳафта	2
33	Касб таълими муассасида тарбиявий жараённи ташкил қилиш хусусиятлари	Индивидуал топшириқларни реферат тарзида тайёрлаш	15 - ҳафта	4
<b>Жами:</b>				<b>72</b>

### Ўзлаштириш натижаларини расмийлаштириш

Талабалар билиминини баҳолаш тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчи томонидан талабаларнинг фанларни ўзлаштиришинини ҳисобга олиш журналида қайд этиб борилади. Профессор-ўқитувчилар қўшимча равишда талабалар билиминини баҳолашни электрон тизимда ҳам юритиши мумкин.

### Баҳолаш мезони

“Касбий педагогика” фани бўйича талабалар мустақил ишларинини жорий, оралик ва якуний назоратлар жараёнида қуйидаги топшириқларни бажариш орқали назорат қилиш ҳамда баҳолаш тавсия этилади (2.4-жадвал):

2.4-жадвал

### Талабаларни мустақил ишларинини натижаларинини баҳолаш мезони

№	Мустақил иш шакллари	Топшириш муддати	Баҳолаш мезонлари
<b>1. Жорий назоратда баҳоланадиган ишлар:</b>			
1.	Талабанинг маъруза машғулотларда фаоллиги, мунтазам равишда конспект юритиши	ОН гача ЯН гача	3 баллгача 1-баллгача
2.	Алоҳида мавзулар бўйича кейс-стади тайёрлаш	ОН гача	3 баллгача
3.	Алоҳида мавзулар бўйича тақдимот тайёрлаш	ОН гача	3 баллгача
4.	Фан бўйича барча ўтилган маърузаларни ўзлаштириш	ЯН гача	3 баллгача
<b>2. Оралик назоратда баҳоланадиган ишлар:</b>			
1.	Тасдиқланган мавзулар бўйича кичик гуруҳларда тақдимот тайёрлаш ва ҳямоя қилиш	ЯН гача	40 баллгача
<b>3. Якуний назоратда баҳоланадиган ишлар:</b>			
1.	Кейс-стади, эссе, назорат ишини ёки бошқа кўринишдаги мустақил ишларни бажариш	Семестрнинг охиригача икки ҳафтасида	2 баллгача

Талабалар мустақил ишларининг жорий, оралик ва якуни назорат турлари бўйича ташкил этилиши фан бўйича ишчи ўқув режа ва дастурида мустақил таълимга ажратилган ўқув соатлари ҳажмини тўлиқ камраб олишга, талабаларда мустақил фикрлаш, илмий-ижодий изланиш, мустақил қарорлар қабул қилиш ҳамда таълим йўналиши, малака талабларида белгиланган касбий кўникмаларни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

### Мобил викторина методи

Ўзини машғулотларини ташкил этишда мобил технологиялардан фойдаланиш гуруҳли ва индивидуал ишларни интерфаол викториналар шаклида ташкил этиш имконини беради. Бундай ёндашув талабаларнинг натижаларга эришиш жараёнида ўз фаолиятини назорат қилиш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради. Вақт чегараси белгилаш орқали иш ритминини режалаштириш каби норматив маҳорат ривожланади (2.5-жадвал).

2.5-жадвал

### Мобил викторина методини амалга ошириш шартлари

Методнинг қўлланишдан мақсад:	Методни қўллаш шартлари:	Ўқитувчи фаолияти:	Талабалар фаолияти:	Натижани назорат қилиш усули ва унга эришиш мезони:
аудиториядан ташқари ишларни назорат қилиш; уй вазифаларини текшириш; янги материални ўзлаштиришни текшириш.	талабаларнинг мобил қўрилмаларининг мавжудлиги; интернетга кириш имкониятининг мавжудлиги.	викториналар тайёрлаш; талабалар фаолиятини назорат қилиш ва ташкил этиш; талабаларнинг ҳаракатларини муҳокама қилиш ва тузатиш.	викторинада иштирок этиш; натижаларни муҳокама қилиш.	талабаларни ўзини жараёнига жалб этиш.



Переслано от +998330909979



**"Kasbiy pedagogika" fanidan**  
**"Professional ta'lim" kafedralari kunduzgi talabalari**  
 uchun onlayn fan oyligi o'tkaziladi.  
 Onlayn tanlov ikki bosqichdan iborat bo'lib, birinchi bosqichi mobil-onlayn test, ikkinchi bosqichi fan bo'yicha maxsus topshiriqlardan iborat bo'ladi. Onlayn testda yuqori ball olgan 10 nafar talaba ikkinchi bosqichga tavsiya etiladi. Eng yuqori ball olgan 3 nafar talaba qimmatbaho sovg'a va sertifikatlar bilan taqdirlanadi.

Onlayn testdan o'tish uchun mobil ilova telefonga o'rnatilib, test topshiriqlari bajariladi va javoblari berilgan telefon raqamiga telegram tarmog'i orqali jo'natiladi. Mobil ilova dasturida bajarilgan test topshiriqlarini faqatgina bir marotaba bajarish mumkin. (+99899 388 84 58 javoblar shu raqamga jo'natiladi).

Mobil ilova: [t.me/jizpi\\_online/12495](https://t.me/jizpi_online/12495)

Javoblar 20-noyabrga qadar qabul qilinadi.

Ishtirokchilarga omad tilaymiz!

Mas'ul: "Professional ta'lim" erkin tadqiqotchisi  
 Sh.D.Hayitova

**Мустақил иш мавзуси:** Таълим жараёнига модулли ўқитиш технологияларни қўллашнинг методик асослари

**Мустақил ишнинг мақсади:** Модулли ўқитиш технологияларини мазмуни, афзалликлари, истикболлари ва уни таълим жараёнига тадбиқ этишнинг методик асосларини ёритиб бериш.

**Ўқитишнинг модул тизими мазмунидан унинг куйидаги афзалликлари намоён бўлади:**

- фанлар, фанлар ичидаги модуллар орасидаги ўқитиш узлуксизлиги таъминланади;
- ҳар бир модул ичида ва улар орасида ўқув жараёнини барча турларининг методик жиҳатдан асосланган ва мувофиқлиги ўргатилади;
- фаннинг модулли тузилиш таркибининг мослашувчанлиги;
- талабалар ўзлаштириши мунтазам ва самарали назорат (ҳар қайси модулдан сўнг) қилиниши;

- талабаларнинг зудлик билан қобилиятига кўра табақаланиши (дастлабки модуллардан сўнг, ўқитувчи айрим талабаларга фанни индивидуал ўзлаштиришни тавсия этиши мумкин),

- маълумотни “сикиб” бериш натижасида, ўқишни жадаллаштириш, аудитория соатларидан самарали фойдаланиш ва ўқув вақти таркибини, маърузавий, амалий (тажрибавий) машғулотлар, индивидуал ва мустақил ишлар учун ажратилган соатларни оптималлаштириш.

Бунинг натижасида, талаба етарли билимларга ҳам, кўникмага ҳам, ўқувга ҳам эга бўлади.

**Модулли ўқитишдан фойдаланиб олий малакали мутахассисни тайёрлаш қуйидагилар асосида таъминланади:**

- ўқитишнинг узлуксизлиги (бунда фанларни ўзлаштириш самарадорлиги ошади);

- ўқитишни жадаллаштириш (бунинг натижасида маълумотнинг кўп қисми, индивидуал ва мустақил ишлаш пайтида, компьютер тармоқлари орқали ўзлаштирилади);

- ўқишни индивидуаллаштириш (талаба ўз қобилиятига кўра билим олиш имкониятига эга бўлади).

### **Мобил қидирув методи**

Бугунги кунда интернет тармоғисиз ҳаётимизни тасуввур қилиш қийин. Кўпчилик талабалар ҳам мустақил таълимни бажариш жараёнида асосан интернет хизматларидан фойдаланадилар. Талабалар кўпинча “Google”, “Bing” ёки “Yahoo”, “Wikipedia”, “Yandex” каби қидириш ресурсларидан фойдаланадилар.

Турли хилдаги маълумотларни топиш ва улар билан ишлаш ҳар қандай профилнинг замонавий мутахассисининг энг муҳим қобилиятларидан биридир. Интернетга кириш имконига эга бўлган мобил қурилмалар матнли сўровдан ташқари овозли ва график қидирув сўровидан ҳам фойдаланиш мумкинлиги туфайли ахборотни қидириш учун кўшимча имкониятлар очади. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда, уларни тақиклашдан кўра, мобил қурилмалардан таълим мақсадларида фойдаланишни рағбатлантириш афзалроқ.



**Методнинг мақсади:**

-ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлашни такомиллаштириш орқали янги маълумотларнинг ўзлаштирилиши.

**Методдан фойдаланиш шартлари:**

-интернет ресурслари ва кидирув хизматларидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги.

**Талаба фаолияти:**

- энг яхши кидириш усуллари ва хизматларини танлай билиш;
- берилган мавзу бўйича кўпроқ материал тўплай олиш;
- бирор муаммо ёки масаланинг ечимини қидириб топиш;
- йиғилган маълумотларни қайта ишлаб ўқитувчига танланган бирор шаклда (реферат, тақдимот, видео ролик, тезис, илмий мақола ...) мобил қурулмалар орқали юбориш.

**Ўқитувчининг фаолияти:**

- уларни ҳал қилиш учун қўшимча маълумотларни топишни талаб қилувчи муаммоли вазиятлар яратиш;
- талабалар томонидан мобил кидирув технологиясини ўзлаштиришида тавсиялар бериб бориш;
- натижани назорат қилиш ва белгиланган баҳолаш мезонига асосан натижаларни баҳолаб талабаларни рағбатлантириб бориш.

**Керакли жиҳозлар:** Интернет тармоғи, компьютер (смартфон, планшет, коммуникатор), махсус мобил платформа (Android, IOS, BlackBerry, HP webOS, Symbian OS ва Windows Mobile).

**2.3-жадвал**

**Мустақил ишларни олиб бориш босқичлари**

Босқичлар	Босқичлар номи	Мазмуни
1	Ташкилий қисм	Талабаларга мустақил ишларни бажаришга оид умумий тушунчалар бериш. Мустақил иш мавзуларини мазмуни қисқача ёритиш. Мустақил ишни бажариш учун методик курсатмалар (услубий кўрсатмалар, маърузалар матни, дарслик, ўқув қўлланма, тестлар банки, интернет сайтлари) тақдим этиш.

II	Мустақил иш мавзусини тақсимлаш	Мустақил иш мавзуларини талабаларга танлаш имкониятини берган ҳолда тақсимлаш
III	Мустақил ишни бажариш	Мустақил иш мавзулари мазмунидан келиб чиққан ҳолда якка ёки жамоавий бўлиб бажариш
IV	Химоя	Талаба томонидан ишлаб чиқилган мустақил иш индивидуални ёки жамоавий шаклда химоясини ўтказиш
V	Баҳолаш	Химоядан муваффақиятли ўтган мустақил иш бўйича талабаларни баҳолаш

#### Кутиладиган натижалар:

1. Ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бўлган модулли ўқитиш бўйича тушунчаларга эга бўладилар;
2. Ўқитишнинг модул тизимига ўтиш самарадорлигини айтиб бера оладилар;
3. Мустақил ишларни якка ҳолда бажара оладилар;
4. Модулли ўқитиш технологиясининг афзалликларини айтиб бера олади.

Олий таълим муассасаларида модулли ўқитишнинг ўзига хослиги унинг бошқа ўқитиш тизимларидан фарқини намоён қилишидадир.

Улар:

1. Ўқув жараёнининг мазмуни яқунланган мустақил блоklar сифатида намоён бўлади. Мазкур мазмунни ўзлаштириш таълим мақсадига мувофиқ тарзда амалга оширилади. Дидактик мақсадлар талабалар учун шакллантирилиб, нафақат ўзлаштириладиган ўқув материаллари кўлами, балки уни ўзлаштириш даражасини ҳам белгилаб беради. Шу билан бир қаторда ҳар бир талаба ўқитувчи томони зарур ўқув материалларини қаердан топиш ҳақида ёзма шаклда кўрсатма олади.

2. Талаба ҳамда ўқитувчи орасидаги мулоқотнинг шакли ўзгаради. У модуль ҳамда шахсий индивидуал мулоқот шаклида амалга ошади. Айнан модуллар ўқув-тарбия жараёнини субъект-субъект муносабатлари асосида ташкил этиш имконини беради.

3. Талаба ўқув жараёнининг аксарият қисмида мустақил ишлайди. Улар ўз фаолиятларини режалаштириш, мустақил ташкил этиш, назорат қилиш ва



баҳолашга ўрганадилар. Бу эса талабага мазкур фаолият жараёнида ўз-ўзини англаш имконини беради. Улар ўзлаштирган билимлари даражасини мустақил аниқлайдилар, ўз билим, кўникмалари орасидаги бўшлиқни кўра оладилар. Ўқитувчи ҳам талабаларнинг ўқув-билув фаолиятларини модулли бошқариш имкониятига эга бўлади.

4. Ёзма тарздаги аниқ модуллар ўқитувчиларга талабалар фаолиятини индивидуallasштириш имконини беради. Бу ўринда яқка тартибдаги маслаҳатлар бериш, ёрдам кўламини кенгайтириш масаласи назарда тутилмайди. Бунинг учун, биринчи навбатда, ўқитувчилар модулли дастурга эга бўлишлари керак. Ушбу дастур мужассамлашган дидактик мақсадлар ва модуллар мажмуидан иборат бўлиши лозим.

Бундан ташқари “Таълим жараёнига модулли ўқитиш технологияларни қўллашнинг методик асослари” мавзусига доир ўқув материали намунаси 10-илова келтирилган.

Ҳар хил мақсадлар учун мўлжалланган мобил иловалар бугунги кунда жуда кўп. Биз томонимиздан ишлаб чиқилган мобил илова бошқа иловалардан куйидаги жиҳатлари билан алоҳида фарқ қилади:

- фан бўйича умумлашган ва қўшимча маълумотларни ўзида мужассамлаштирган;
- мавжуд маълумотлар тизимли ва илмий асосланганлиги;
- ҳажмининг кичиклиги ва офлайн режимда ҳам ишлаш имконияти мавжудлиги;
- талабалар томонидан мустақил бажарилган топшириқларни ижтимоий тармоқлар орқали ўқитувчига юбориш имконияти мавжудлиги;
- талабалар билимини мустақил назорат қилиши учун тест ва матнли топшириқларни мавжудлиги;
- натижаларни тўғридан-тўғри фан ўқитувчисига юбориш имкониятини мавжудлиги.

Айнан шу жиҳатлари билан бу мобил илова бошқа иловалардан фарқ қилади. Бу эса ўзи навбатида ўта талабчан ва замонавий талабаларда касбий компетенцияларни шакллантиришга ҳамда мустақил таълим дарсларини самарадорлигини оширишда алоҳида аҳамият касб этади.

## Иккинчи боб бўйича хулосалар

1. Талабаларнинг ўқув жараёнида мустақил таълимни фаоллаштириш талабанинг шахсий сифатларини ҳисобга олишда муваффақиятли давом этади. Бу педагогик шартнинг самарадорлиги таълим жараёнида турли тарбиявий вазифалардан фойдаланиш орқали таъминланади, бу эса талабаларнинг индивидуал хусусиятларига таяниш имконини беради.

2. Талабаларнинг мустақил ишига йўналтирилган ўқув вазифаларига киритиш, талабалар ўртасидаги тармоқлараро ўзаро алокани фаоллаштириш ва интернет ресурсларидан фойдаланишга қаратилган коммуникатив, ахборот масалаларни кенгайтирилди.

3. Ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ташкил этиш учун интернет-алоқа хизматларидан фойдаланиш, одатда, талабаларнинг техник қуролмалари имкониятларидан фойдаланишга асосланди.

4. Талабаларнинг мустақил ишларини бошқариш ва замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўқув-услубий қўллаб-қувватлашни ташкил этилганлиги талабаларнинг катта қизиқишига сабаб бўлди.

5. Умумқасбий фанларни ўрганишда талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштириш учун биз томонимиздан ишлаб чиқилган дидактик моделнинг мазмуни, технологик ва объектив қисмларини қасбий педагогика фани мисолида кўрсатиб ўтилди. Талабаларнинг шахсий имкониятлари, қизиқишлари ва эҳтиёжларига мос фаол мустақил таълим олишга тайёрлиги ушбу моделда очиб берилди.

6. Ўқитишда муваффақиятли вазиятларини яратиш, истикболли тизимни ташкил этиш, интернетдан фойдаланиб талабаларнинг мустақил билим олиш фаолиятини ривожлантириш асосида ўқув-методик таъминоти ва умумқасбий фанларини ўқитиш методикаси мобил сўров ва овоз бериш, мобил кидирув, падкаст, мобил викторина, QR-quest таълим, булутли тадқиқот ва интерактив видео каби методлар ёрдамида такомиллаштирилди;

7. Мобил технологияларга асосланган ўқитиш усуллари тизимини қуриш учун бир томондан уларни тизимлаштириш, тизимни қуришнинг ўзига хос



хусусиятлари ва тамойилларини аниқлаш, ҳар бир методнинг курснинг тематик мазмуни бўйича ўрнини аниқлаш; иккинчи томондан, тизимни реал таълим жараёнида синаб кўришни талаб қилади. Бу эса ўз навбатида талабаларнинг мустақил таълим олишини фаоллаштиради.

## УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

1. Мустақил таълим муаммосининг таҳлили шуни кўрсатдики, у педагогика ва таълимнинг ривожланиш тарихи давомида ОТМларнинг тарбиявий ишларини такомиллаштириш нуқтаи назаридан ўрганилган. Дидактиканинг ривожланишига ва ўқув предметларини ўқитиш методларига қараб мустақил таълимнинг шакл ва методлари ўзгарди.

2. Таълим жараёнини фаоллаштириш, оптималлаштириш ва модернизация қилишнинг назарий тушунчаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, замонавий шароитларда умумқасбий фанларни ўрганишда талабаларнинг мустақил таълимини фаоллаштириш муаммосини ҳал қилиш учун барча зарур услубий ва назарий шарт-шароитлар мавжуд.

3. Талабаларнинг мустақил таълимини фаоллаштириш талабаларнинг ижодий билиш фаолиятини, ўқитувчининг мустақил таълимни бошқаришни такомиллаштириш, мустақил таълимнинг фаол шакл ва усулларида фойдаланиш ҳамда мутахассис шахсининг касбий сифатларини шакллантиришни ўз ичига олиши исботланган.

4. Танланган объектив омиллар асосида йўналганлик, умумқасбий фанларни ўрганишда талабаларнинг мустақил таълимини фаоллаштириш тизимини қуриш тамойиллари: илмийлик, тизимлилик узвийлик, интегративлик, доминатлик, амалиётнинг устуворлиги ва касбий компетентлиги илгари сурилади.

5. Умумқасбий фанларни ўрганишда талабаларнинг мустақил таълимини фаоллаштириш концептуал (тузилмавий ва функционал) назарий функционал тузилмаси ишлаб чиқилди. У ўзаро боғлиқ таркибий қисмни ўз ичига олади: мақсадли, тузилмавий ва мазмуний, технологик, баҳоловчи ва субъектив-рефлектор, башоратли, тушунтириш ва тасвирий, ориентация, назорат ва диагностик ва коррекцион вазифаларни бажаради.

6. Талабаларнинг мустақил ишига йўналтирилган ўқув вазифаларига киритиш, талабалар ўртасидаги тармоқлараро ўзаро алоқани фаоллаштириш ва интернет ресурсларидан фойдаланишга қаратилган коммуникатив, ахборот масалаларни кенгайтирилди. Шунингдек, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ташкил этиш учун интернет-алоқа хизматларидан фойдаланиш, одатда, талабаларнинг техник қурилмалари имкониятларидан фойдаланишга асосланди.

7. Ўқитишда муваффақиятли вазиятларни яратиш, истиқболли тизимни ташкил этиш, интернетдан фойдаланиб талабаларнинг мустақил билим олиш фаолиятини ривожлантириш асосида ўқув-методик таъминоти ва умумқасбий фанларини ўқитиш методикаси мобил сўров ва овоз бериш, мобил кидирув, падкаст, мобил викторина, QR-quest таълим, булутли тадқиқот ва интерактив видео каби методлар ёрдамида такомиллаштирилди;

Мобил технологияларга асосланган ўқитиш усуллари тизимини қуриш учун бир томондан уларни тизимлаштириш, тизимни қуришнинг ўзига хос хусусиятлари ва тамойилларини аниқлаш, ҳар бир методнинг курснинг тематик мазмуни бўйича ўрнини аниқлаш; иккинчи томондан, тизимни реал таълим жараёнида синаб кўришни талаб қилади. Бу эса ўз навбатида талабаларнинг мустақил таълим олишини фаоллаштиради.



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Буёқ келажакимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга курашимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 27.07.2017 й., ПҚ-3151. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 729-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 20.04.2017 й., ПҚ-2909. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 18-сон, 313-модда, 19-сон, 335-модда, 24-сон, 490-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”. 07.02.2017 й., ПФ-49. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 24.05.2017 й. ПҚ-3003. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997. – 20-29 б.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. Баркамол авло – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997. – 20-29 б.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 400-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.
13. Абдуллаева Қ.М. Махсус фанларни ўқитишда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг методик асослари. Дисс. ... пед. фан. ном. – Т., 2006. – 182 б.
14. Аверьянов А.Н Системное познание мира: методологические проблемы. М., 1985. 236с.
15. Акимова И.Н., Якунин В.И. (5) Системологические подходы к преподаванию графических дисциплин на чертательная геометрия, инженерная и компьютерная графика // Материалы семинара-совещания зав. каф. начерт. геометрии, инж. и компьютер, график и вузов Центр., Поволж., Юж., Урала Сев.-Зап. зон Рос. Федерации. Нижний Новгород, 1997. С.12-13.
16. Акулова О.В Kadrlar tayyorlash sifatini oshirish pedagogik hodimlar Boloniya jarayoni g'oyalari kontekstida // Axborot byulleteni. SPb: nomidagi Rossiya davlat pedagogika universiteti nashriyoti A.I. Gertsen.-2006.-1 (29) - B.20.
17. Аравийская О.М Безруков Т.В., Смирнова Л.И. Использование средств компьютерной графики в технологии и организации интенсивного обучения (начертательная геометрия)// Новые образовательные технологии. М., 6.2000. Вып.6. С.33-36.
18. Архангельский С.И. Учебный процесс в высшей школе, его закономерные основы и методы. – М., 1980. – С.191.
19. Аскарлов И.Б. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш методикаси пед. фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) дисс.... автореф. – Тошкент: 2018 - 52с
20. Аскарлов И.Б. Бўлажак касб таълими педагогларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг моҳияти. Халқ таълими. – Т., 2017. №2. – Б.43-46.



21. Ананьев Б.Г. Избранные психологические труды: В 2-х т.: Т. 2 / Б.Г. Ананьев; Под ред. А.Л. Бодалева. – М.: Педагогика, 1980. – 288 с.
22. Ашурова С.Ю. Енгил саноат йўналишлари бўйича кичик мутахасислар тайёрлашда махсус фанларни модулли ўқитишнинг илмий услубий асослари. Пед.фан. номз... дисс. – Т., 2005.
23. Бабанский Ю.К. Проблемы повышения эффективности педагогических исследований. - М.: Просвещение, 1982. - 251 с.
24. Басова Н.В. Педагогика и практическая психология. Ростовн Д., 1999. 251с.
25. Блонский П.П. Педология. Книга для преподавателей и студентов высших педагогических учебных заведений. М.: Владос, 2000. 287с.
26. Безрукова В.С 32. Педагогика.Прогрессивная педагогика: Учеб. пособие для инж.-пед.ин-тови индустр.-пед.техникумов. Екатеринбург, 1996.344с
27. Беляева А. Управление самостоятельной работой студентов//Высш. Образование в России.2003.№6.С.105-109.
28. Беспалко В.П. [36], Педагогика и прогрессивные технологии обучения. М.,1995.336с.
29. Байденко В.И. Методические рекомендации по разработке проектов ФГОС ВПО. – М.: ИЦ ПКПС, 2007.– 104с.
30. Боккуть Б.В., Сокорева СИ., Шеметков Л.А., Харламов И.Ф. Вузовское обучение: Проблемы активизации. Минск, 1989. 109 с.
31. Буряк В.К. Теория и практика самостоятельной работы школьников. Автореф. дис.... д-ра. пед. наук. Тбилиси., 1986 41с.
32. Вазина К.Я Модель саморазвития человека. - Н. Новгород, 1994. 268 с.
33. Виготский Л.С. Педагогическая психология. – М.: АСТ, 2005. – С.672 .
34. Волостникова А.Г. Познавательные интересы и их роль в формировании личности – М.: Просвещение, 2011. – 362 с.
35. Гарунов М.Г., Р.А.Блохин, Г.С.Лаптева Развитие студентов опыта самостоятельной профессиональной деятельности. Серия: Содержание, формы и методы обуч. высш. И сред, шк.: Обзор, информ./ НИИ проблем высш.шк.М.,1985.Вып.7.С.35-37.

36. Давидов В.В. Теория развивающего обучения. -М., 1996.-141 с.
37. Давыдков В.П. Роль и место автоматизированных обучающих систем в самостоятельной работе студентов: Автореф.дис... канд.пед.наук. Новосибирск,1999.13с.
38. Данилова М.А. Данилова В.И. Дидактическое структурирование процесса обучения студентов в педагогических ВУЗе: Дисс. .. канд. пед. наук. Пермь: ПГПУ, 2003. – С.139
39. Джураев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовки в учебных заведениях профессионального образования: Автореф. дисс... док. пед. наук. – Т.: 1995. – С. 43.
40. Донцов В.Н. О понятии группы в социальной психологии / А. И. Донцов // Социальная психология: хрестоматия / сост. Е. П. Белинская, О. А. Тихомандрицкая. - М.:Аспект Пресс, 2003. - С. 147 - 152.
41. Дьюи Д. Опора на познавательный интерес : из книги "Воспитание: возвращаясь к изначальным смыслам" / Дж. Дьюи ; ред.-сост. С. Лебедев // Классное руководство и воспитание школьников : журн. Изд. дома "Первое сент.". 2014. № 2. С. 10-12.
42. Загвязинский В.И. Методология и методы психолого-педагогического исследования. учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. - 2-е изд. - М. : Издательский центр «Академия», 2005. - 208 с.
43. Загвязинский В.И. Идея, замысел и гипотеза педагогического исследования. Т., Педагогика, 1997. - № 2. - С.9-14.
44. Занков Л.В. Избранные педагогические труды. М.,1999. 608с
45. Зеер Е.Ф. Психология профессионального развития / Э.Ф. Зеер. – М.: Издательский центр “Академия”, –2006. – С.240.
46. Зимняя И.А. Исследовательская работа как специфический вид человеческой деятельности. – Ижевск, 2001. - 103 с.
47. Ильина С.И. Наши задачи / <http://apocalypse.orthodoxy.ru/problems/145.htm>
48. Исмоилова З.Қ. Маънавий-ахлокий тарбиянинг назарий ва экспериментал - методик асослари: Дис...пед. фан. док. – Т., 2006. –345 б.



49. Каган М.С. Философия культуры. СПб, 1996 С. 109
50. Каптерев Избранные педагогические сочинения./Под ред. А.М.Арсеньевой.М., 1982.199с
51. Карсонов В.А. .Коррекционная педагогика: Учебное пособие - Саратов: Изд-во СГПИ 1999. 198 с
52. Ковалевский И. - Избранные работы / А.О. Ковалевский. - М.: Издательство Академии Наук СССР, 2014. - 676 с.
53. Коджаспиров Г.М Педагогика.: учебник для студ. высш. учеб.заведений Г.М. Коджаспирова. – М.: Гардарики, 2004. – С.528.
54. Коменский Я.А. Великая дидактика / Ян Амос Коменский. - М.: ЁЁ Медиа, 2012. - 399 с.
55. Коротаяева Б.И. Педагогические взаимодействия и технологии // – М.: Академия, 2007. – С.256.
56. Костенко И Самостоятельной работы заочников// Высш.образованиев России.1999.№6.С.50-53
57. Краевский В.В. Педагогика и ее методология вчера и сегодня //Педагогическая наука в контексте современности.М.,2001.С.6-30.
58. Крутецкий В.А. Основы педагогической психологии: моногр. / В.А. Крутецкий. - М.: Просвещение, 2003. - 260 с
59. Кустов Ю.А. Осоргин Е.Л., Гусев В.А. Преимственность учения в системе «Школа – профетех училище - колледж - вуз - производство» / Ю.А.Кустов, Е.Л.Осоргин, В.А.Гусев. - Самара: ТолПи, Самарский университет им. Татищева, Самарский профессионально-пед. колледж, 1999. -257с.
60. Кўйсиянов О.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик ижодкорлигини компитентли ёндашув асосида ривожлантириш технологиялари. Монография. – Т.: “DELTA PRINT SERVIS” НАШРИЁТИ. 2018.- 156 б.
61. Леонтиев А.Н. Гуманистические перспективы образования В.А.Леонтьев // Высшее образование в России. 1999. -№4. - с.33-38.
62. Лернер И.Я. Показатели системы учебно-познавательных заданий - Новые исследования в педагогических исследованиях. Вып.2 (67). - М. Педагогика, 1990. -80 с.

63. Маркова А.К. Психология профессионализма. М., 1996. 308с
64. Маркова С.М. Моделирование педагогических. - Н.Новгород: ВГИПА, 2003. – 143 с.
65. Матжонов С. Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш: Автореф. дис. ... пед.фан.докт. – Т.:1998. – 42 б.
66. Махмутов И.М. Проблемное обучение : основные теории. –М.: Педагогика, 1991.- 321 с.
67. Менчинская Н.А Проблемы учения и умственного развития школьника: Избранные психологические труды - М.: Педагогика, 2012. - 305с.
68. Мукимов Б.Р. Талабалар мустақил таълим жараёнида дастурий дидактик мажмуанинг ўрни ва аҳамияти // «Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириў». – Нукус, 2019. – № 6. – 48-52б.
69. Муслимов Н.А. Педагогик фаолиятга тизимли ёндашув муаммолари // Касб-ҳунар таълими, 2004. - № 3. – Б.24.
70. Муслимов Н.А. Талабалар мустақил таълим жараёнида дастурий дидактик мажмуанинг ўрни ва аҳамияти // «Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириў». – Нукус, 2019. – № 6. – 48-52б.
71. Наин А.Н. Технология работы над диссертацией по гуманитарным наукам. Челябинск, 2000. 187с.
72. Наумова Л.К. Организация самостоятельной работы магистрантов (Направление "Педагогика") : Дис. ... канд. пед. наук : 13.00.08 СПб, 2006 169 с.
73. Нишоналиев У.Н. Формирование личности учителя трудового обучения: проблемы и перспективы. – Т.: Фан, 1990. – С.88 .
74. Нишонова З. Воспитание совершенного человека в развитии педагогической мысли эпохи возрождения Востока: Автореф. дисс. ... д.п.н.-Т.: ТИИМФХ. 1998. -35 с.
75. Ниязметова Т.Р. Методика самостоятельной работы учащихся на уроках узбекской литературы в IV – VII классах: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Т.:1999. - 21 с.



76. Огородникова И.Т. Основные проблемы и методика изучения эффективности урока по основам наук в школе / Огородников И. Т. - М.: МГПИ, 2005. - 32 с.
77. Олимов Қ.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг назарий-услубий асослари. Авторефер. дис. ...пед. фан. докт. –Т.: 2005. -44 б.
